Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **29** июнь, жума № **26** (2205).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **29** июня, **2007** год, № **26** (2205).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

Биз мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни эзгу мақсад сифатида белгилаб олган бугунги кунда оммавий ахборот воситаларимиз олдига ҳаётнинг ўзи мураккаб, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Ислом КАРИМОВ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни – матбуот, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа ходимларини бугунги байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Матбуот ходимлари, уларга хос хусусиятлар ҳақида гапирганда, биз, аввало, сезгирлик ва зийраклик аломатларини, ҳаёт ўзгариши, дарду ташвишларини чуқур кузатадиган ва ўз қалбидан ўтказадиган, кенг дунёқараш эгаси бўлган, турли касб-ҳунар ва мутахассисликни ўзида мужассамлаштирган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз.

Бугун мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари касб байрамини нишонлар эканмиз, миллий матбуотимиз тамал тошини қўйиб, журналистика соҳаси тараққиёти йўлида қанча-қанча азоб-уқубатлар, синов ва тазйиқларни бошидан кечирган, халқаро майдонда обрў-эътибор қозонган ўзбек журналистика мактабининг фидойилари номларини миннатдорлик билан эслаймиз ва ҳозирги вақтда сафимизда меҳнат қилиб келаётганларни юксак қадрлаймиз.

Биз мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни эзгу мақсад сифатида белгилаб олган бугунги кунда оммавий ахборот воситаларимиз олдига ҳаётнинг ўзи мураккаб, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Аввалambор, сўз эркинлиги, плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллигига, одамларнинг ўз фикрини эркин баён қилишга имкон яратиш ва бу йўлдаги барча ғовларни олиб ташлаш, бугун чидаб бўлмайдиган эскича қараш ва қолдиқлардан бутунлай воз кечиш масалаларини нафақат қонунларимиз, балки амалий ҳаётимизда ҳам татбиқ этиш – буларнинг барчаси долзарб вазифаларимиздан бири десам, ўйлайманки, барчангиз бунга қўшиласиз.

Жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникация техника ва технологияларидан, Интернетнинг беқиёс имкониятларидан кенг фойдаланишга тайёр бўлиш матбуот, ахборот ва медиа тармоқлари, жумладан, телевидение ва радио соҳаларида хизмат қилишга ўзини бағишлаган, етук мутахассис бўлишга аҳд қилган ва бу соҳада ўз келажагини кўрмоқчи бўлган оммавий ахборот воситалари ходимларининг фаолият мезонига айланиши зарурлигини барчамиз сўзсиз яхши англаймиз.

Ҳозирги кунда журналистика соҳасида меҳнат қилаётган ва ўз фаолиятида юксак натижаларга эришмоқчи, жамоатчилик эътиборини қозонмоқчи бўлган ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга тайёр туриши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини, биринчи галда, матбуот ва матбаа тармоқларини замонавий ахборот техника ва технологиялари билан жиҳозлаш йўлида сезиларли натижаларга эришмоқдамиз. Бунинг тасдиғини нафақат кўпгина марказий нашрлар, айни вақтда вилоят ва туманлардаги газета-журналларнинг сифати ва замонавий кўринишларига қараб ҳам сезиш қийин эмас.

Бир сўз билан айтганда, муштарийлар қўлига етиб бораётган юзлаб номдаги газета ва журналлар наинки ўзининг маъно-мазмуни ва кўриниши, балки сифати билан ҳам ажралиб туриши қувончлидир.

Айни пайтда жамиятимизни янада демократлаштириш ва сўз эркинлигини таъминлаш зарурати матбуот ва матбаа тармоқлари моддий базасини мустаҳкамлаш, бу соҳада хизмат қилаётганларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, газета ва журналлар таҳририятлари эркинлиги ва мустақиллигини, шу билан бирга, масъулиятини оширишни ҳам тақозо этади.

Ўйлайманки, нафақат давлатимиз ва жамоатчилигимиз, балки нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг эътиборини ҳам шу масалага қаратиш ҳар томонлама ўринли бўлур эди. Бу борада ўзимизда ва тараққий этган давлатларда тўпланган тажрибалардан фойдаланиш, ўзини оқлаган ютуқларни жорий этиш оммавий ахборот воситаларини ислоҳ қилиш йўлидаги муҳим аҳамиятга молик вазифадир.

Сизларни бугунги қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Комолидин ТЎРАЕВ сурата олган.

Сарҳадларда сергак эрур посбонларимиз!

СОЛИҚ ВА МАТБУОТ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида мамлакатимиз солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиққа оид қонунчиликдаги янгиликлар ва ўзгаришлар, мазкур тизим фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда солиқ сиёсатини либераллаштириш ва унификация қилиш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Солиқ органлари масъулиятини кучайтириш, солиққа оид жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг ҳуқуқий билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Солиқ идоралари ходимлари солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлаш билан чекланиб қолмай, солиқ тўловчиларнинг соҳага оид билимини мустаҳкамлаш, солиққа доир жиноятларнинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширяпти.

Бу борада солиқ идоралари ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирда журналистларга солиқ соҳасида ислоҳотларнинг бориши, солиқ тўловчилар учун яратилган имтиёз ва имкониятлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан корхона ва ташкилотларнинг солиқ идораларига ҳисобот топшириш тизими тубдан такомиллаштирилмоқда. Ҳисобот топшириш қисқартирилиши баробарида, ортиқча қоғозбозликлар барҳам топмоқда. Давлат солиқ қўмитаси томонидан яратилган ҳисобот топширишнинг электрон шакли тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Тадбир якунида солиқ тизими ҳаётини ёритишда фаол иштирок этаётган бир гуруҳ журналистларга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг совғалари топширилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

«Шахсий таркибнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизимининг самарадорлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг юксак интизомини таъминлаш, уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ва техникадан моҳирона фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ва гуруҳ таркибидаги тайёргарлик даражаси, интеллектуал салоҳиятини оширишни таъминлайдиган моделлаштириш, симуляция ва ҳарбий таълимнинг бошқа замонавий усулларини кенг жорий этиш лозим», дейди Президентимиз Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



ҲУМО – НУРЛИ ИСТИҚБОЛИМИЗ ОРЗУЛАРИ

(2 июлда давлатимиз герби қабул қилинганига 15 йил тўлади)

Ўша тарихий кунга, тарихий санага ҳам 15 йил тўляпти. Яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида, 1992 йилнинг 2 июлида давлатимиз герби тасдиқланган кунни назарда тутяпмиз. Ўша кундан бошлаб Ҳумо қушимиз бошимиз узра тождек. Ҳа, ҳа, гербимиздаги ажойиб рамз – Ҳумо қуши халқимизнинг тинчликпарварлиги, бунёдкорлиги, яратувчанлигини акс эттириб, дунёга ўз сўзимизни айтиб турганимиз тимсоли ҳамдир.

(Давоми 8-бетда).

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг фаоллигини янада ошириш борасидаги вазифалар, бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А.Алимов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳакимов, Олий Мажлис қонунчилик палатаси фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси А.Зиё ва бошқалар ҳар томонлама етук авлодни камолга етказиш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш Президентимиз юритаётган сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини алоҳида таъкидлади. Бу борада турли давлат, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ҳамкорликда кенг кўламли ишларни амалга ошираётир.

Юртимизда ёшларнинг манфаатларини муҳофазалаш, йигит-қизларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш ва ижодий салоҳиятини намоён этиши учун барча шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада оширишга оид қарори ҳамда жорий йил 18 майдаги ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мамлакатимизда улғайиб келаётган авлод камолотига йўналтирилган ишларни халқимиз, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, бу борадаги ислоҳотлар жараёнида йигит-қизларнинг фаол иштирокини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Юртимизда ёшларга ихтисослашган ўнлаб даврий нашрлар ва телерадиоканаллар фаол иш юритаётир. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги бошқа матбуот воситалари ва телерадиоканалларда ҳам ёшлар ҳаёти, интилишлари акс этган материалларга алоҳида ўрин ажратилмоқда.

Анжуманда бу борада амалга ошираётган ишлар, эришилаётган ютуқлар ва ечимини кутаётган масалалар атрофлича таҳлил этилди. Улғайиб келаётган авлодни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, йигит-қизларни салбий иллатлар ва оқимлар таъсиридан асрашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, жамиятимиздаги ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг фаоллигини янада ошириш борасидаги долзарб вазифалар, матбуот саҳифалари, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда ёшлар фаолиятини ёритиш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказилган "Жамият ва мен" танлови ғолиблари, шунингдек, ёшлар ҳаётини ёритишда фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ журналистларга совринлар топширилди.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

БАРҚАРОР ВАЛЮТАМИЗ – БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТИМИЗДАН

(1 июль – сўм муомалага киритилган кун)

Истиқлолга эришганимиздан сўнг аста-секин ўз давлат рамзларимизга, ҳар бир соҳада ислоҳотлар натижасида кўлами кенг ўзгаришларга эриша бошладик. Аммо бир нарсани тан олмоқ керак. Ислоҳот ўз номи билан ислоҳот. Бу муайян вақт дегани, муайян маблағ, турли ресурслар дегани. Яъни мустақил, озод бўлганимиздан дарҳол олдимизда турган муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади, дея ўйлаш нотўғри эди.

(Давоми 8-бетда).



3 «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

РОМАНТИКА ВОЕННОЙ СЛУЖБЫ



6 ҲАРБИЙЛАР ОИЛАСИДА

БАХТИ БУТУН ЖУФТЛИК



9 ПОСБОНЛАР МАИШИЙ ШАРОИТИ ЙЎЛИДА

ТОЗАЛИК, ОЗОДАЛИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ



12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ.

БАҲСЛАРДА ТУҒИЛАР ҲАҚИҚАТ

АЪЛО ХИЗМАТЛАРИМИЗ – МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА

Участники показательного занятия, проведенного на днях в одной из частей Ташкентского военного округа, что называется, на деле познакомились с особенностями методики проведения различных занятий в полевых условиях, услышали важные комментарии организаторов, обменялись опытом.

Показательные занятия


ВАЖНЫЙ СТИМУЛ РОСТА ПРОФЕССИОНАЛИЗМА















Внимание офицеров было привлечено показом полевого пункта управления, который был представлен офицером Марленом Умеровым. Увлекательно и интересно провел занятие майор Видадий Рахматов, рассказав о порядке преодоления штурмовой полосы препятствий и прохождения «тропы разведчика». Примечательно, что в показе действий разведчиков приняли участие не только военнослужащие нашего министерства, но и Пограничных войск. Офицером был сделан акцент на то, что преодолеваемые препятствия не только повышают уровень выучки воина, но и способствуют его психологической тренировке. В частности, во время практического показа сержант Аваз Мардиев, окончивший два курса обучения в окружной школе подготовки сержантов, с честью прошел все испытания. А майор В.Рахматов по окончании занятия удостоился похвалы представителя вышестоящего командования за образцовую методику его проведения.

– Следует отметить, что подобные показательные занятия приносят большую пользу, – делится впечатлениями майор Мурат Бабаджанов. – Конечно, в нашем подразделении имеются тренажеры разной степени сложности, но отдельные новинки меня очень заинтересовали.

На очередном учебном месте представитель Министерства по чрезвычайным ситуациям капитан Гуломжон Исмоилов представил участникам занятия аварийно-спасательную машину на базе автомобиля КамАЗ. Технические возможности современного оборудования спасателей из МЧС оказались весьма впечатляющими. Познавательной и интересной получилась краткая лекция о мобильных средствах связи МЧС подполковника Павла Скляревского.

Элементы размещения базового района были показаны на следующем учебном месте офицером Равшаном Дадабаевым: пункт приема пищи, места размещения личного состава, полевой узел связи, медицинский пункт, склад боеприпасов, площадка инженерных заграждений.

Поскольку полевые занятия зачастую проводятся в горной местности, то имеет большое значение доставка необходимого имущества вьючным транспортом. Абдулло Хайткулов детально рассказал о правилах подготовки к передвижению вьючных животных с целью доставки всего необходимого для личного состава, ведущего занятия в горах.

Офицер Шакир Джураев подробно описал методику организации занятий по огневой подготовке с акцентом на меры безопасности. Подразделение капитана Анвара Хамидова в горном ущелье показало операцию по обнаружению, блокированию и уничтожению «боевиков». Занятие с группой корректирования огня провел офицер Эминжон Хайруллаев.

– Хочется выразить искреннюю признательность организаторам за столь интересное занятие, – говорит офицер Олимжон Занжиров. – Безусловно, каждому командиру будет о чем рассказать своим подчиненным после возвращения в свою часть.

Лейтенант Азизбек Норбеков только в минувшем году окончил ТВОКУ, но благодаря привлечению к подобным показательным занятиям довольно быстро осваивается в своей должности. Особенно его привлекло занятие, показанное подразделением старшего лейтенанта Фахриддина Хусанова.

Таким образом, в преддверии второго месяца летнего периода обучения данное занятие стало важным вкладом в повышение уровня командного состава, укрепление и решение вопросов взаимодействия воинов-профессионалов различных силовых структур.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

ҲАМИША БИРИНЧИЛАР САФИДА

Ёзги ўқув мавсуми бошланганига саноқли кунлар бўлди. Аммо шу саноқли кунлар ҳам илғорларни аниқлашга етарлидир. Офицер Хайрулло Азимов жамоаси округда ҳамиша етакчилик қилиб келади. Айни кундаги дала ўқув машғулотларига офицер бутун диққат-эътиборини жалб қилган.

Чодир тикиб жойлашиш анчайин осон ишдек кўриниши табиий. Кўринишидан шунақа, албатта. Аммо бунда ҳам ақл ва тадбиркорлик лозим. Қуёш, шамол йўналиши, табиий шароитга қараб жой танлаш ва ўрнашиш. Мана, чодир ҳам тикиб бўлинди. Энди уни керакли ашёлар билан жиҳозлаш зарур. Бу борада Хайрулло Азимов қўл остидаги хизмат қиладиган посбонлардан ўзиб кетиш нари турсин, ҳатто тенглашиш ҳам осон эмас.

Ҳар галгидек бу сафар ҳам билимдон офицер бўлғуси «жанг» олдидан қулай позицияни эгаллади. Муваффақиятга эришиш осон эмас. Вазият командирдан ниҳоятда аниқ, барча ишқир-чикиригача пухта ўйланган режани тақозо қилади. Замонавий жанг илмини пухта эгаллаган офицернинг бу борадаги фаолиятида ҳали нуқсон учрамаган.

Ўз устида тинимсиз ўқиб-изланиш машғулотларда жуда асқотди. Ёзги мавсумнинг илк машғулотидаёқ офицер жамоасининг илғорлардан иборат эканлигини намойиш қилди. Қулай жойлашув, аниқ ҳисоб-китобга асосланган мўлжал «шартли душман» позициясини яксон қилди. Дастлабки муваффақият барчани руҳлантириб юборди. Бу бир-бирини тушуниб ҳаракат қиладиган аҳил жамоанинг ютуғидир.

– Машғулотларда вазифангни сидқидилдан бажариш билан бирга бир-бирини англаб, аҳиллик билан ҳаракат қилиш ҳам муҳимдир, – дейди офицер Хайрулло Азимов. – Офицерлар Собирхон Малихонов, Толиб Умаров, Ўткир Умаровлар ҳар қандай вазиятда ҳам ишончни оқлашади. Улар билан мураккаб вазифани ҳам бирмунча енгиллик билан бажариш мумкин. Дастлабки кўрсаткичларимиз билан фахрлансак арзийди. Олдинда бундан ҳам мураккаб синовлар борлигини яхши биламиз. Бу бизни чўчитаётгани йўқ. Мен жамоамизнинг ўз олдига қўйган вазифасини сидқидилдан бажариб, етакчиликни қўлдан бермаслигига ишонаман.

Хайрулло Азимовнинг бу қадар ишонч билан мулоҳаза юритиши табиий. Ўтган синов машғулотлари бу жамоани барча кўрсаткичлар бўйича округнинг энг илғорларидан эканлигини амалда намойиш этди. Илғор посбонлардан бир гуруҳи Мудофаа вазирининг кўкрак нишонларига сазовор бўлишди.

Офицернинг шахсий намуна кўрсата билиши ҳам жамоа аъзолари учун муҳимдир. Хайрулло яхшигина спортчи ҳам ҳисобланади. Демак, жисмоний тайёргарлик машғулотларида офицернинг шахсий намунаси ҳам бирмунча ижобий роль ўйнагани шубҳасиз.

Шуни ҳам мамнуният билан қўшиб ўтиш ўринлики, Хайрулло Азимов бир қатор тинчлик йўлидаги халқаро ўқув машғулотларида фаол иштирок этган. Бу машғулотларда ўзбек ўғлони довруқли аждодларининг муносиб авлоди эканлигини барчага кўз-кўз этди. У бундан кейин ҳам ўзининг жанговар ютуқлари билан кўпчиликнинг ҳақли эътирофига сазовор бўлиши шубҳасиз.

Назокат НОДИРШОҲОВА.

МАШҚЛАРДА ТОБЛАНАР ПОСБОН

Айни кунларда Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида ёзги мавсум ўқув машғулотлари қизғин давом этмоқда.

... Эрта тонг. Ҳарбий қисм ҳудудидаги постларда сергак турган соқчилар атрофни ҳушёрлик билан кузатиб, ўзларига ишониб топширилган объектни қўриқлашмоқда. Посбонлар ётоқхонасида ҳам фақатгина взвод навбатчилари ва уларнинг ёрдамчилари уйғоқ. Яна ўттиз дақиқадан сўнг эрталабки бадантарбия машғулотлари бошланади. Взвод навбатчиси кичик сержант Алишер Мирзакаримов хоналарни айланиб, низом бўйича тартиб-интизомни кўздан кечирди. Ётоқхонада осиғлиқ соатга қараб, «взвод уйғон ва эрталабки бадантарбия машқларига сафлан» буйруғини беришига ҳам оз фурсат қолганини кўрди. Шу пайт сирена овози янграб, «тревога» эълон қилинди. Кичик сержант ўз ўрнига ёрдамчисини қолдириб, қисм штаби томон югурди ва қисм навбатчисидан керакли топшириқларни олиб, тезда орқасига қайтди. Бу пайтда взвод посбонлари ўринларидан туриб, сафар халталари ва қурол-аслаҳаларини қабул қилишаётган эди. Кичик сержант ҳам ўзига бириктирилган қуролини елкасига осиб, взвод командирининг келишини кута бошлади. Офицер Баҳодир Мўминов кўп йиллик тажриба ва малакага эга ҳарбийлардан. Ҳозиргина қисм командирининг хонасидан чиқиб келаётган офицер бугун ўзига ва унинг посбонларига ўта жиддий топшириқ юкланганлигини ҳис қилмоқда эди. Бу биринчи топшириқ эмас, албатта. У етакчилигидаги взвод посбонлари бунданда қийинроқ ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажариб келган. Командир саф майдонига етиб келганида, шахсий таркиби тўлиқ жанговар шай ҳолатда турарди. У гуруҳ командирлари ва ўринбосарларини йиғиб, юқори қўмондонлик томонидан қўйилган топшириқ ҳақида қисқагина ахборот бериб, вазифаларни белгилади. Машқ режасига кўра, тоғли ҳудудда жойлашган қишлоққа бир гуруҳ жангари ҳужум уюштиришни мўлжалламоқда. Разведка берган маълумотларга кўра, шартли душман қишлоқ яқинида жойлашиб, қулай вазиятни кутмоқда. Демак, вазифага жиддий ёндашиш зарур. Шу фикрларни хаёлидан ўтказган офицер Б.Мўминов гуруҳ командирини олдига чақирди. Унинг гуруҳи шартли душман жойлашган ҳудудни аниқлаб, пистирма қўйиши лозим. Гуруҳ командири жой шароитига мос маскировка кийимларини кийиб, вазифани бажаришга шай турган снайперларни ёнига чақириб, керакли топшириқни қўйди. Орадан муайян вақт ўтгач снайпер кичик сержант Зафар Дониёров командирга душман жойлашган ҳудуд ва тўда аъзолари тўғрисидаги зарур маълумотни алоқа воситаси орқали етказди. Бошқа гуруҳлар командирлари ўз посбонлари билан биргаликда душманнинг қишлоққа кириб келиши кутилаётган йўлга жойлашиб, командирнинг буйруғини кута бошлашди. Яна бир гуруҳ душман ортида пистирма ташкиллаштириши лозим. Буни яхши англаган офицер Б.Мўминов аниқ, пухта режа асосида иш олиб борди. Барча гуруҳлар ўз жойларида буйруқ кутиб, шай туришибди. Шартли душман ҳам белгиланган масофага яқинлашиб қолди. Биринчи навбатда душман йўлига гуруҳ муҳандислари томонидан ўрнатилган миналарни портлатиш шарт, шундан сўнг автоматчи ва пулемётчилар ишга тушади. Душман учун барча йўллар ёпиқ. Ниҳоят, командирнинг буйруғи янгради. Портлаш оқибатида душман орасида пароканлик бошланди. Улар ўзларини тўғри келган томонга уриб, пистирмадан қочиб чиқиб кетишга уринишди. Маҳоратли мерган посбонлар бунга йўл қўйишмади. Тажриба ўз сўзини айтиб, офицер Б.Мўминов шахсий таркиби қўйилган вазифани аъло даражада уддалади. Душман йўқ қилиниб, уларнинг қурол-аслаҳа ва бошқа анжомлари, алоқа воситалари қўлга киритилди. Шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги юқори қўмондонлик томонидан муносиб баҳоланди.

Бу ёзги мавсум ўқув машғулотлари жараёнидан бир лавҳа. Дарҳақиқат, машғулотлар посбонни ҳар томонлама тоблайди, чиниқтиради. Буни яхши англаган посбонлар доимо изланишда.

Ҳа, мана шундай чаққон, мард, жасур, билимдон ва тажрибали посбонларимиз бор экан, биз асло тинчлигимизни йўқотмаймиз.

Аҳрор НОЗИМОВ.

Безопасность военной службы – важный приоритет

ОТРАБОТАНЫ АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ

В рамках проводимого реформирования Вооруженных Сил нашей страны среди первоочередных задач – обеспечение безопасности военной службы.

Участники недавно проведенного сбора внимательно изучили положения приказов, директив министра обороны и начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил по улучшению организации несения службы суточным нарядом и караулом, надежной охраны и обороны военных городков и объектов, сохранности вооружения, техники и материальных средств.

Администрацией сбора проведено обучение офицеров правильному планированию повседневной воинской службы, направленной на обеспечение необходимых условий жизни, учебы и быта войск, соблюдению уставного порядка и правил, поддержанию воинской дисциплины, качественной организации гарнизонной службы.

В ходе показательных занятий были отработаны актуальные вопросы по правильному подбору и распределению личного состава суточного наряда и караула, изучению положений уставов, табелей постам, соответствующих инструкций, требований мер безопасности.

На макете охраняемых объектов были уточнены особые обязанности, варианты действий часовых на постах и дежурного подразделения, организация взаимодействия и управления между дежурными силами и средствами.

Был достигнут положительный эффект и во время показа практических действий личного состава.

Представителям воинских частей удалось извлечь для себя немало ценного из показательного занятия по организации охраны и обороны военных объектов.

Занятия по содержанию, методам подготовки служебных собак к несению службы по охране и обороне имели большое значение для повышения профессиональной квалификации участников данного учебного сбора.

Участники сбора сдали зачеты по знанию требований Общевоинских уставов Вооруженных Сил, руководящих документов и своих функциональных обязанностей, приняли участие в контрольных занятиях по огневой и физической подготовке.

По итогам данного мероприятия ряд военнослужащих поощрены приказом начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил. Так, объявлены благодарности за вклад в подготовку учебно-материальной базы и активное участие в проведении сбора капитану А. Бекмурзаеву, младшему сержанту З. Закирову. Награждены Памятным знаком начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил майор Р. Мирбаев, капитан Ш. Меликов, сержант А. Абдукадыров. За выполнение задач по подготовке справочного материала, учебно-материальной базы, старание и инициативу награждены ряд офицеров.

В целях дальнейшего повышения эффективности организации службы войск и обеспечения безопасности военной службы требуется целенаправленная работа над повышением бдительности и боевой настороженности. Поэтому эффективность данного учебно-методического сбора трудно переоценить. Есть уверенность в том, что его участники будут успешно применять в ходе повседневной служебно-боевой деятельности полученные здесь знания и практические навыки.

Майор Баходир УТАНОВ.

Бдительность – наше оружие

КАРАУЛ – СТЕПЕНЬ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

Когда подразделение старшего лейтенанта Бахрома Самандарова заступает в караул, вся воспитательная работа в нем направлена на качественную подготовку к несению службы. На первом этапе подготовки осуществляется подбор личного состава, расстановка по постам в зависимости от опыта, уровня подготовки и психологических качеств. На втором этапе проводится занятие по изучению уставов и табеля постам. На третьем, в день заступления, в караульном городке проводится практическое занятие с отработкой действий часовых на постах, при нападении на пост и стихийных бедствиях.

Начальник караула младший сержант Ботир Вахидов заступает в караул не в первый раз и хорошо знает высокий уровень подготовки стоящих в строю сержантов и солдат. Это еще раз подтвердил развод караулов. На все вопросы дежурного по части и его помощника воины отвечали четко и безошибочно. Впоследствии, заступив на пост, каждый нес службу строго в соответствии с требованиями Устава гарнизонной и караульной служб Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Несение караульной службы – выполнение боевой задачи. Это хорошо понимают в подразделении и уделяют воспитанию бдительности и боевой настороженности особое внимание. Офицер Б. Самандаров целенаправленно работает с младшими командирами и опытными воинами. Ведь именно на них смотрят остальные, берут пример, обращаются за советом. Одним из таких наставников смело можно назвать рядового Акрома Эшматова. Как правило, перед заступлением в караул рядом с ним всегда находятся новички. Исходя из собственного опыта, просто и доходчиво объясняет он сослуживцам, как следует нести службу на том или ином посту. Такой живой и непринужденный подход помогает усвоению статей Устава гарнизонной и караульной служб, пониманию особенностей несения службы на данном объекте, играет важную роль в осознании воинами стоящей перед ними задачи. Опытные сержанты по контракту, прошедшие обучение в школе подготовки сержантов, делятся опытом несения службы, личным примером показывают подчиненным образец выполнения обязанностей часового на посту.

Наглядным уроком для всего личного состава стало недавнее поощрение рядового Сардора Мараимова краткосрочным отпуском. Разумеется, подобное событие не прошло незамеченным. Всем известно, что этот воин в ходе проверок всегда быстро и решительно действовал по вводным задачам, имеет хорошую теоретическую подготовку. Его усердие и труд по праву были столь высоко отмечены командованием при подведении итогов караульной службы.

Не менее важным фактором, способствующим бдительному несению службы, является соревнование с подразделением старшего лейтенанта Очила Хайруллаева, претендующим на звание одного из лучших в части. Заступая на службу, все – начиная с караульных и до начальника караула – интересуются, как прошла служба у сослуживцев. И стараются по всем вопросам организации и несения службы быть лучше. Кстати, друзья-соперники тоже в курсе успехов подчиненных старшего лейтенанта Б. Самандарова и службу несут бдительно, строго по уставу, что не раз отмечалось проверяющими. Так, в атмосфере здорового соперничества, держа в поле зрения успехи друг друга, и добиваются воинские коллективы высоких результатов.

Несомненно, одной из важнейших составных частей поддержания несения гарнизонной и караульной служб на должном уровне является и постоянный контроль со стороны офицеров вышестоящего штаба.

Можно еще много перечислить факторов, положительно влияющих на становление и развитие воинов, несущих службу в карауле. Так, для повышения качества проводимых занятий был построен новый караульный городок. В нем хорошо оборудованные учебные места, макеты охраняемых объектов, все это сделано руками солдат и офицеров. Но главный фактор отличного несения службы остается неизменным – это огромное желание личного состава подразделения бдительно нести службу на посту ради благополучия и процветания народа.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

16

Размышления по поводу

РОМАНТИКА ВОЕННОЙ СЛУЖБЫ

Начало XXI века ознаменовалось для нашей страны вступлением ее в качественно новый период развития. Осуществляя реформирование всех сторон нашей общественной жизни, руководство республики и лично Президент И. А. Каримов исходят из того, что без последовательного углубления демократии невозможно достичь нового качественного состояния общества. Ставится задача решительного обновления самого подхода к демократии, опирающегося не на заморские наработки, а на менталитет народа, на его обычаи, традиции и нравы. Сегодняшняя наша демократия – это демократия реализма наших целей и наших замыслов. Это демократия единства всего нашего общества, конституционной защиты прав граждан, независимо, к какой нации человек принадлежит, какую религию исповедует и какое его социальное происхождение. Это демократия, опирающаяся на национальные и общечеловеческие ценности.

Для Вооруженных Сил Республики Узбекистан новый этап был сопряжен с кардинальной военной реформой, одним из важных результатов которой явилось **значительное возрастание престижа военной службы, повышение роли и значения Вооруженных Сил в жизни общества.** Демократизация общественной жизни страны, естественно, отразилась и на жизни и боевой деятельности Вооруженных Сил. Этапными вехами в этом процессе стали постепенный переход на контрактную службу, введение нового вида военной службы – службы МПР, сокращение срока срочной военной службы с 18 месяцев до одного года. Улучшилось материальное обеспечение военнослужащих, возросло их денежное довольствие, качественным и высококалорийным стало питание военнослужащих, в лучшую сторону изменились льготы военнослужащих, улучшились и другие формы материально-технического, вещевого и финансового обеспечения военнослужащих. Все это оказало решающее влияние на повышение престижа **военной службы, которая превратилась в дело чести каждого молодого человека,** в ту сферу человеческой деятельности, на которую родители с нескрываемой надеждой и радостью благословляют своих сыновей. В их сознании прочно утвердилась простая житейская мудрость: их сын выполняет священный долг, охраняет мир и спокойствие народа и их семейное благополучие, бережет независимость страны от любых напастей и недругов. **И теперь он не просто сын своих родителей – отца и матери, он сын своей независимой Родины, ее надежный защитник.**

Да, престиж военной службы неизмеримо возрос. А раз повысился престиж военной службы, возрос и интерес к ней. А ее неограниченные возможности овладения новой боевой техникой, электроникой, знакомство с компьютерными и информационными технологиями, выход в Интернет – все это делало загадочно-красивыми дали военной романтики, зарождало в сознании молодого человека волнующее и неистребимое желание связать свою судьбу с армией, с Вооруженными Силами страны.

Романтика – специфическое состояние человека, которым движет яркая идея, мечта, увлеченность, стремление к возвышенному. И человек, воспитанный на идеалах независимости, а сегодня в армию идут именно такие люди, не может оставаться равнодушным к своей мечте, и он идет в армию – в военно-образовательные учреждения или на контрактную службу. У него великое стремление к возвышенному, к мастерскому овладению военной профессией, к своему профессиональному росту. Он преисполнен желания творить доброе для людей – друзей, товарищей по службе, родных и близких. Он мечтает о своем будущем, и оно в его мечтах всегда рисуется прекрасным. И это естественно, жизнь налаживается, и мечты становятся реальностью.

Но нередки случаи, когда молодой человек, становясь контрактником, как-то забывает в своих романтических построениях о том, что **воинский труд требует от человека каждодневной отдачи делу службы всех своих духовных, интеллектуальных и физических сил.** А забывать об этом нельзя. Без понимания этого не будет полной самоотдачи в добровольно избранной профессии. И вот тут огромная роль принадлежит офицеру и, прежде всего, командиру и заместителю по воспитательной работе, которые должны **сформировать у каждого контрактника повышенную социальную ответственность за безопасность Родины, за его качественную военную службу.** Разъяснить, убедить так, чтобы это привело к определенным сдвигам в содержании его мировоззренческих и духовно-нравственных установок. Так, чтобы этот сержант или иной специалист-контрактник на первое место ставил не личные проблемы, а проблемы государственные, и в первую очередь – надежность защиты Родины, качество своей личной профессиональной подготовки и подготовки своих подчиненных.

Есть и другая сторона этого вопроса. Сошлюсь на пример. Контрактник Шухрат Салимов успешно закончил школу подготовки сержантов и прибыл в часть для дальнейшего прохождения военной службы. Принял первичное подразделение и, как говорят, с ходу начал штурмовать новые высоты боевого мастерства, бороться за звание передового подразделения. Имея достаточно прочные знания, он самоотверженно трудился и вел за собой своих подчиненных. О сержанте заговорили как о перспективном командире и надежном специалисте.

Прошел месяц, за ним другой, и получает Шухрат весточку из дома: свадьба в махалле, лучший друг женится. День свадьбы уже назначен.

– Товарищ командир, отпустите на несколько дней.

– Что ж, – резюмировал командир, – свадьба – дело нужное.

Вернулся Шухрат в назначенное время – и за дело. А дел невпроворот. Боевая учеба не останавливается. Трудно, но наверстали упущенное. И вновь весточка из дома: у лучшего друга юбилей.

– Товарищ командир, мы же с ним – не разлей вода.

– Понятно, – размышлял командир, – дружба всего дороже.

И вновь вернулся Шухрат вовремя, и снова за дело – наверстывать упущенное. Но куда там. Времени потеряно много. Снизились успехи и сержанта и подчиненных. Время не прощает таких «прогулов». Но упорства Шухрату не занимать, и он уже начинал исправлять положение, как вновь весточка из дома: совершеннолетие родной сестры.

– Товарищ командир, тут такое дело...

– Что ж, совершеннолетие – дело святое.

И как будто невдомек ни командиру, ни сержанту, что **нет на свете дела святее, чем сама военная служба. Не зря ее называют почетным и священным долгом. Долгом государственной значимости.**

Хочу, чтобы меня правильно поняли. Я отнюдь не выступаю против наших обычаев, традиций (помолвки, свадьбы, поминки, юбилеи, обрезания, похороны и т.д.). Все эти обычаи сплачивают людей, и, вроде бы, наше присутствие на них необходимо. Но, видимо, не зря человечество придумало поговорку: «Всему свое время». И в этой связи, думаю, надо особо подчеркнуть и глубоко осознать каждому офицеру и сержанту, каждому контрактнику ту простую истину, что **военнослужащий Вооруженных Сил Республики Узбекистан – человек государственный.**

И те нити, нормы поведения, которые у него сложились до службы в армии – в семье, в отношениях с друзьями, родственниками ближними и дальними, не должны быть преданы забвению. И это естественно, это наш образ жизни и наш менталитет. Мы благоговейно относимся к народным устоям. Мы люди совестливые, отзывчивые, уважающие свои обычаи и традиции. Но есть такое понятие – память сердца. Оно означает, что вы всем сердцем, душой, всем своим человеческим существом с родными, близкими, друзьями, вы переживаете за них, радуетесь и огорчаетесь вместе с ними. Но для этого совсем не обязательно ваше личное присутствие на тех или иных мероприятиях в махалле, у родных, у сверстников.

Думаю, каждый меня поймет, что это не прихоть командира или начальника, а естественная необходимость, продиктованная самой жизнью, особенностями обстановки в мире и регионе, в которой мы живем. Говоря спортивным языком, уж **слишком высока планка личной ответственности офицера, сержанта, каждого военнослужащего перед государством и своим народом.** Ответственности за добросовестное выполнение ими своих служебных обязанностей, за качественную подготовку личного состава, за безусловное выполнение приказов, требований Военной присяги и воинских уставов, за соблюдение правил воинской жизни и личное поведение. **И прежде всего ответственность за свой профессиональный рост и боевое мастерство подчиненных.**

На примере Шухрата мы видели, как от одного этапа к другому шел не рост, а определенный застой, а это уже отставание, ведь современные темпы высоки. И хотел он этого или нет, но его отставание в боевой учебе сказалось на положении дел всего подразделения и части, на боевой готовности и бдительности. Мы не зря говорим: **бдительность и боевая готовность – всегда.** То есть постоянно, ежедневно, ежечасно, ежеминутно. Противник не будет ждать, когда Шухрат подтянет своих подчиненных, вот тогда и начнет действовать. Наоборот, он будет выбирать для своих провокаций такое время, когда боеготовность подразделения по какому-то, как мы считаем, очень важному событию в жизни контрактников снизилась.

Еще раз подчеркнем: **военнослужащий – человек государственный,** и ни под каким предлогом он не должен отвлекаться от воинской службы (на то она и является особым видом государственной службы). Повторяю, ни под каким предлогом, кроме чрезвычайных обстоятельств, предусмотренных законом. Он, военнослужащий, весь полностью, без остатка, должен быть подчинен службе, росту боевого мастерства, надежному обеспечению безопасности Родины. Думаю, будет правильно, если для решения своих семейных, житейских проблем военнослужащий будет отводить свой очередной, законом предусмотренный отпуск.

Кто-то может сказать: «А как же сыновний долг, родственные связи, радость доброго общения?» Согласитесь, радость общения заключается не в обильном застолье. Ее с успехом заменят хорошее сыновнее письмо, или благодарственное письмо командира, вырезка из газеты о самоотверженном поступке воина, или его фотография в военной форме, а может быть, еще и на фоне развернутого Боевого Знамени части. Эти весточки со службы доставят и родителям, и родственникам, и знакомым значительно больше радости, чем хмельное застолье. По этим весточкам родители с радостью отметят, как их сын мужает, растет честным, порядочным человеком, как он добросовестно выполняет свой воинский долг, верно служит Родине, народу и Президенту.

Сегодня неизмеримо возросла роль сержантов в нашей армии. Президент страны, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами Ислам Каримов назвал их **несущим хребтом нашей армии, наставниками солдат, надежными помощниками офицеров.** Эта высокая оценка подкрепляется постоянной заботой руководства страны, Министерства обороны о сержантах, обеспечении их всеми необходимыми видами довольствия, улучшении материального положения и духовно-нравственного воспитания. Долг каждого сержанта, каждого контрактника – отдавать все свои силы избранному делу, глубоко осознать и в полной мере почувствовать себя государственным человеком, в руках которого судьбы безопасности страны, твоей семьи, твоих родных и близких. Целеустремленность, упорство, надежность, верность данному слову – вот что должно отличать сержанта и каждого контрактника. «Слово сержанта – гарантия!», «Обязательство – реальность!» Надо всем сердцем и умом понять: невозможно рассчитывать на победу, не отдавая боевой учебе все свои силы, знания и энергию, не осознав государственного значения военной службы и всей глубины требований воинской дисциплины, которые определены нашими законами, Военной присягой и воинскими уставами.

Все мы должны хорошо понимать, как важна сегодня наивысшая степень боевой готовности и насколько важно понимание своего воинского патриотического долга перед своей любимой Родиной и ее народом. Наша страна уверенно и размашисто идет к своей намеченной цели. Будем же и мы, люди военные, тверже и увереннее держать свой шаг.

А.ЮНУСОВ.



Сержантлар тайёрлаш мактабида

САЙҚАЛЛАНАР МАҲОРАТ БУНДА

Бугун бўлажак профессионаллар шаклланаётган сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим дастурлари чуқурлаштирилган ҳолда ўтилаётгани, дастурга қўшимчалар киритилганидан муштарийлар хабардор, албатта. Бундан кўзланган мақсад – ҳар тарафлама етук, чинакам профессионал посбонларни тайёрлашдир. Профессионал асосга ўтаётган миллий армиямизда сержантлар фаолиятига кенг ўрин берилган. Қуролли Кучларимиз сафларига малакали кичик командирлар тайёрлаб бераётган сержантлар тайёрлаш мактабларининг ислоҳотлар босқичида ўзига хос ўрни бор. Газетамизнинг ўтган сонида армиямизнинг бўлажак таянч устунлари таълим-тарбия олаётган Марказий ҳарбий округига қарашли сержантлар тайёрлаш мактаби ҳақида сўз юритиб, машғулотлар жараёни тўғрисида қисқача маълумотлар берган эдик. Бугун бевосита мавзуни давом эттириб, курсантларнинг дала-ўқув машғулотлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Дала-ўқув машғулотлари посбонга сув ва ҳаводай зарур. Шу боис мазкур босқичда ҳам машғулотлар сифатли олиб борилмоқда. Офицер Исмоил Мухторов етакчилик қилаётган взвод курсантларининг отиш тайёргарлиги машғулотларини кузатамиз. Тажрибали офицер Ўктам Суюнов машғулотни олиб боряпти. Курсантларининг тегишли қоида ва йўриқномаларни яхшилаб ўзлаштирганлиги яна бир бор кўрикдан ўтказилгач, офицер машғулотни бошлади. Буйруққа мувофиқ шахсий таркиб ўзига бириктирилган қурол билан белгиланган жойларини эгалладилар. Ўқотар қуроллар нишонларга қаратилди. «Отилсин!» буйруғидан сўнг ҳаракатланаётган, ҳаракатсиз, узоқ ва яқин масофалардаги шартли нишонлар мўлжалга олина бошланди. Бу жараёнда курсантларнинг жанговар тайёргарлиги, тезкорлиги, нишон координаталарини чамалай олиши, ҳудуднинг географик ҳолати ва шамолнинг йўналишини тўғри баҳолай олиши ҳамда бошқа жиҳатларни яхши ўрганганлиги муҳим аҳамият касб этади. Назарий билимларни пухта ўзлаштирган посбон уни амалиётга тўғри татбиқ эта олса, ютуғидир. Бу ўринда унга жанговар малака қўл келади. Фақат тинимсиз изланган, машғулотларда маҳоратини ошириб борган юрт ҳимоячисигина ўз вазифасини сифатли адо этади. Бу борада курсантларнинг тажрибасига шубҳа йўқ. Чунки машғулот раҳбари офицер Ўктам Суюнов тайёргарлик давомида курсантларнинг ҳар бирини кузатиб, хатти-ҳаракатларини баҳолаб боргач, ўз фикрларини қуйидагича билдириб ўтди.

– Взводнинг умумий натижасини ижобий баҳолаш мумкин. Деярли ҳамма ўз ишининг устаси эканини кўрсата олди. Айниқса, танкка қарши граната отган курсант Раҳим Хидиров ва унинг ёрдамчиси курсант Жавлон Дўсжоновларни энг илғорлар сирасидан айтиб ўтиш мумкин. Иккаласи ҳам ўз вазифасини ҳар тарафлама моҳирона уддаладилар. Шунингдек, пулемётдан курсант Одамбой Тожибоев ҳам нишонларга бехато отди. Снайпер қуроли билан муомала қилиш маҳоратини эгаллаган курсант Акбар Элмуродовни ҳам мақтасанг арзийди. Умуман, бўлажак профессионаллар сифатида эътироф этилаётган курсантларнинг ҳар бирини шижоатли ва ўктам, нимага интилаётганини ва зиммаларидаги масъулият ҳиссини яхши англайди, дея бемалол айтиш мумкин, – деди офицер жумладан.

– Билим ва маҳоратни пухта эгаллаганимиз эртага, кичик командир сифатида хизматни бошлаганимизда ғоят муҳим роль ўйнайди, – дейди курсант Жавлон Дўсжонов. – Хизматда биз етакчи бўламиз, қўл остимизда аскарлар бўлади. Уларга билим бериш ва жанговар санъат сирларини ўргатиш учун ўзимиз соҳанинг билимдони бўлишимиз керак. Қолаверса, мустаҳкам тайёргарлик ҳамиша ҳам муваффақиятнинг асосидир.

Курсантларнинг билим ва маҳорати ҳар тарафлама мукаммал бўлиши учун мактабда йўлга қўйилган ишлар ва яратилган шарт-шароитлар кўнгилдагидек. Машғулот хоналари кўргазмали қуроллар, керакли техник воситалар ва компьютер жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган. Мустақил тайёргарлик дарсларида ҳам бўлажак армиямиз таянч устунларига қулайликлар яратиш мақсадида бой кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Билимлар маскани тинимсиз янги адабиётлар билан бойитиб борилади. Шунингдек, вақтли матбуот нашрлари, газета ва журналлар ҳам мунтазам олинади.

Бундан ташқари мактабда шинам таъмирланган ва кўплаб тренажёрлар билан тўлдирилган спорт зали ҳам ишлаб турибди. Чунки ҳарбий хизмат билан спортнинг узвий боғлиқлиги, жанговар муваффақиятларга эришишда жисмоний тайёргарлик ҳам муҳим ўрин тутиши барчага маълум. Посбонлар орасида эса спорт соҳасида ҳам нуфузли натижаларга эришганлари кўпчиликни ташкил қилади.

Шунингдек, сержантлар тайёрлаш мактабининг маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқий идоралар, «Камолот», «Нуроний», хотин-қизлар қўмитаси каби давлат ва жамоат ташкилотлари билан доимий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкам йўлга қўйгани ҳам ижобий самара бермоқда. Посбонлар эришиб келаётган барча муваффақиятли натижаларини қутлуғ айём – Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйига ҳадя деб биладилар.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.







МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн олти йиллигига бағишлаб ўтказиладиган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари Дастури лойиҳаси муҳокамасига қаратилган навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда «Ватанпарвар» ташкилотининг жойлардаги кенгаш раислари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари вакиллари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллигига бағишланган тадбирларни ҳар қачонгидан-да юксак уюшқоқликда ўтказилишини таъминлаш борасида амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида лойиҳага ўзгартириш ва қўшимчилар киритилди. Байрам доирасида ўтказиладиган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари «Бу байрам–барчамизники, бутун халқимизники» деган ғояни ўзида мужассам этиши, фуқаролар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик фазилатларини кучайтириши, истиқлолни кўз қорачиғидек асраб-авайлашда маъсулият ҳиссини оширишга алоҳида эътибор қаратиш ва бу борада мавжуд барча имкониятларни ишга солишга келишиб олинди.


Йиғилиш сўнгида «Ватанпарвар» ташкилотининг жойлардаги кенгаш раислари, ўқув муассасалари бошлиқлари ва ўринбосарларининг аттестацияси натижалари ҳам таҳлил этилди. Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муслима ЎРОЛОВА.

В Академии Вооруженных Сил

К НОВЫМ РУБЕЖАМ МАСТЕРСТВА

Подведен итог двухлетнему напряженному труду слушателей Академии Вооруженных Сил и их наставников. Завершились выпускные Государственные экзамены. В последние дни в учебных классах было особенно жарко – каждому выпускнику хотелось успешно отчитаться перед строгими экзаменаторами, показать твердые знания, командирскую и профессиональную зрелость.



На всех этапах тон сдаче Государственных экзаменов задавали признанные лидеры. Подполковники Маъмуржон Жураев, Улугбек Мамасаидов, майор Алишер Ризаев, капитан Тимур Жумаев, имевшие на момент завершения учебы самый высокий рейтинг среди слушателей, лидировали и в ходе сдачи Государственных экзаменов. На протяжении всех двух лет обучения они проявляли живой интерес к изучаемым предметам, много работали самостоятельно, имели хороший задел знаний с курсантских времен и немалый опыт службы в различных подразделениях.

– Хороших и отличных оценок на экзаменах удостоились офицеры, представляющие все военные округа, – говорит подполковник Кадыр Рахимбабаев. – Это свидетельствует о хороших возможностях для профессионального роста, созданных в наших Вооруженных Силах для каждого военнослужащего.

Действительно, беседуя с выпускниками Академии Вооруженных Сил, наглядно убеждаешься, что созданная за годы независимости система подготовки офицерских кадров коренным образом изменила их качественный состав. Нацеленная на обеспечение высокого профессионализма командиров всех уровней, стимулирование их всестороннего интеллектуального развития, она позволяет укомплектовывать части и подразделения подготовленным, современно мыслящим командным составом, отвечающим высоким требованиям нашего времени.

Подполковнику Маъмуржону Жураеву достичь успеха в учебе во многом помогли приобретенный за годы службы большой практический опыт работы, в том числе с боевыми и руководящими документами. Однако даже он, заходя в увешанную картами аудиторию для сдачи Государственного экзамена по оперативно-тактической подготовке, чувствовал легкое волнение.

Скажем прямо: учеба в Академии – это не только возможность повысить свое профессиональное мастерство. Это и большая честь, которой удостаиваются самые лучшие офицеры.

По мнению членов Государственной комиссии, выпускники этого года показали большие познания в теории идеологии нашей независимой Родины, хорошо разбираются в особенностях военно-политической обстановки в регионе и в мире, понимают суть и значение качественных преобразований, происходящих во всех сферах жизнедеятельности Вооруженных Сил.

На сегодняшний день Академия Вооруженных Сил Республики Узбекистан является одним из важных высших военно-образовательных учреждений, осуществляющих подготовку офицерского состава Вооруженных Сил высшего командного звена. Наблюдая, как выпускники четко ставили боевые задачи «подчиненным» подразделениям, уверенно докладывали на макете местности свое решение, оперативно реагировали на вводные, проникаешься чувством гордости за наших офицеров.

Основа этой уверенности воспитана в стенах первой в Центральной Азии Военной академии. Благодаря качественной учебной базе и творческому внедрению современных информационных технологий преподавательский состав Академии Вооруженных Сил стремится в ходе обучения максимально совершенствовать навыки офицеров, добивается высокого уровня их профессиональной подготовки. При этом особое внимание уделяется индивидуальной подготовке каждого слушателя с учетом его образовательного уровня и служебного опыта по всем изучаемым вопросам боевой, общественно-политической и мобилизационной подготовки. Индивидуальный подход способствует не только повышению качества усвоения изучаемых тем, но и, что немаловажно, воспитанию в каждом слушателе высоких морально-психологических, интеллектуальных и лидерских качеств, широкого кругозора и стратегического мышления.

Сданы последние экзамены, успешно защищены дипломные проекты, вчерашние слушатели и их наставники готовятся к церемонии торжественного выпуска... Успехов вам, товарищи офицеры!

Капитан Фарух ТУРАХАНОВ.
Фото **Сергея СПИРИДОНОВА.**

Абитуриент – 2007

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА


Шу кунларда офицерликни шараф деб билган, ушбу касб эгаси бўлишга интилаётган йигитларимиз республикамиздаги олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун тест синовларига қизғин тайёргарлик кўришмоқда.


Тест синовларига қадар ўғлонлар жисмоний тайёргарлик, тиббий кўрик, касбий ва руҳий тайёргарлик ҳамда саводхонлик даражасини текшириш каби бир қатор жараёнлардан ўтказилиб, саралар ичидан энг саралари танлаб олинади.

– Ўтган йилларга нисбатан бу йил билим юртимизга ҳужжат топширганлар кўпчиликни ташкил этади, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти офицери Алишер Расулмаҳаммедов. – Шу боис асосий эътиборни саралаш босқичига қаратаяпмиз. Энг билимдон, соғлом ва жисмоний етук йигитлар албатта, билим юртимиз курсанти бўлишдек шарафга муяссар бўлишларига ишончим комил.

Бу ерда абитуриентларни сифатли ва самарали тиббий кўрикдан ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларни кўп йиллик тажрибага эга, малакали шифокорлар текшириб, шу ернинг ўзидаёқ ташхис қўйишмоқда.

– Олдинги йилларга нисбатан йигитлар ичида жиддий касаллик билан хасталанганлар сони кескин қисқарган, – дейди тиббий хизмат подполковниги Ўткир Раҳимов. – Айниқса, жарроҳлик касалликлари учрамайди.





Шунингдек, абитуриентлар она тилидан диктант, математика ва физика фанларидан ёзма ишларни ҳам топширишмоқда. Бу уларга тест синовларида катта ёрдам беради.

Йигитлар билан суҳбатлашиб, уларнинг бу касбга қизиқишлари ва ҳаваслари-нинг анча баланд эканлигига амин бўлдик.

– Мен шу йил мактабнинг 11-синфини аъло баҳоларга тугатдим, – дейди қашқадарёлик Муҳаммаджон Қудратов. – Бундай шарафли касбга қизиқишимга маҳалладошим офицер Алишер Раҳмонов сабабчи бўлган. Унинг ўзига ярашиб турган ҳарбий либоси, дадил ва шаҳдам қадам ташлашлари, жиддий, сермулоҳазалиги менинг қалбимда ҳарбийликка ҳавас уйғотди. Ҳозирда тест синовларига қизғин тайёргарлик кўряпман.

– Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганимга яқинда 9 ой бўлади, – дейди оддий аскар Анвар Мадраҳимов. – Хизматим давомида ҳаётда керак бўладиган жуда кўп нарсани ўргандим. Офицерлик касбини танлаганимга анча йиллар бўлиб қолди. Еттинчи синфда ўқиб юрган кезларимда шундай қарорга келган эдим. Мана, орзуларим пиллапоясида қанот ёзиб турибман. Эзгу ниятимга эришиш учун бор билим ва маҳоратимни ишга солиб, курсант деган номга сазовор бўлишга ҳаракат қиламан.

Ҳа, ўз олдиларига эзгу ниятни мақсад қилиб олган ўғлонларга омадлар тилаб, миллий армиямиз сафларидан муносиб ўрин эгаллашларига ишонч билдириб қоламиз.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.

Идет боевая учеба

БЫТЬ ВОДИТЕЛЕМ ПОЧЕТНО

Призванные из Андижанской и Наманганской областей рядовые Бахром Нуриддинов и Сухроб Бурибеков гордятся тем, что служат в автомобильном подразделении. Оба окончили водительские курсы ОСО «Ватанпарвар», имеют категории «В» и «С», оба уже ознакомились со своими автомобилями. Но прежде чем они выйдут в свой первый армейский рейс, им предстоит пройти полный курс доподготовки молодых водителей.

Боевая и повседневная деятельность войск немыслима без использования автомобильной техники. На автомобилях монтируются вооружение, специальная техника и оборудование. Автомобили применяются для перевозки личного состава и грузов, буксировки артиллерийских систем и других целей.

Чтобы эффективно использовать имеющуюся в частях и подразделениях многочисленную автомобильную технику, нужны хорошо подготовленные специалисты, умеющие мастерски водить машины, качественно проводить их обслуживание и ремонт. Современный водитель должен уметь правильно эксплуатировать вверенный автомобиль в любое время года и суток, на дорогах и по бездорожью.

В Вооруженных Силах Республики Узбекистан создана стройная система обучения водительского состава. Она включает подготовку водителей из числа призывной молодежи на курсах ОСО «Ватанпарвар», доподготовку молодых водителей, призванных на срочную службу в Вооруженные Силы, и совершенствование специальной подготовки водителей машин в частях.

Сегодня Бахром и Сухроб, как и все водители машин, поступившие в подразделение этой весной, обучаются по специальной программе на месячных курсах. Руководители сборов – опытные офицеры автомобильной службы, командиры секций и инструкторы практического вождения – военнослужащие по контракту. Занятия по практическому вождению транспортных средств они проводят на тех марках машин, на которых обучаемые будут проходить службу.

– Особое внимание в ходе каждого занятия, – рассказывает рядовой Б. Нуриддинов, – уделяется технике безопасности. При обнаружении ошибок руководитель выстраивает обучаемых, указывает на ошибки, объясняет их причины и пути устранения. Приобретенные знания и навыки закрепляются на практических занятиях по вождению машин на автодроме.

– Занятия по вождению мы ждем с нетерпением, – дополняет сослуживца рядовой С. Бурибеков. – На сборах к каждому обучаемому свой подход. Инструктор проверяет рабочее положение обучаемого за рулем, требует изложить последовательность выполнения задания, исправляя при этом допущенные ошибки. Затем заезд, в ходе которого инструктор сосредоточивает внимание на действиях обучаемого. Ошибки разбираются всей группой.

По окончании программы доподготовки водители сдадут экзамены по Правилам дорожного движения, практическому вождению, устройству и техническому обслуживанию машин и пройдут самое главное испытание – комплексное тактико-специальное занятие с совершением 300-километрового марша.

Только после этого Бахром и Сухроб будут допущены к самостоятельному управлению закрепленными за ними транспортными средствами. Но на этом учеба не закончится.

Они продолжат совершенствовать свои знания на занятиях по специальной подготовке. Зато потом, после армейской службы, они будут самыми желанными водителями в родных местах – армейская выучка высоко ценится на любом автомобильном предприятии.

Владимир НИКОЛАЕВ.

Битирув – 2007

МАРДЛАР КАСБИ САРИ ҚАДАМ

Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти шахсий таркиби, ИИВ масъул офицерлари, фахрийлар, ота-оналар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда бошқа меҳмонлар навбатдаги битирувчиларга диплом ҳамда кўкрак нишонларини тақдим этишга бағишланган тантанали тадбирга йиғилдилар.

Билим юрти бошлиғи генерал-майор Шуҳрат Ниёзов тантанани кириш сўзи билан очаркан, битирувчиларни табриклаб, уларга келгуси хизмат фаолиятларида омадлар тилади. Ёш офицерларга диплом ҳамда кўкрак нишонларини топшириш маросими якунлангач, Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов, фахрий меҳмонлар, ота-оналар барчани қизғин муборакбод этиб, ўз дил истакларини йўлладилар.

Тадбирнинг расмий қисмидан сўнг байрамона концерт дастури тақдим этилди.

Олий ҳарбий билим юртидан узоқлашаётиб, она-боланинг суҳбати эътиборимни тортди. «Мен ҳам акамдек ҳарбий бўламан», деди чамаси беш-олти яшар болакай ўзгача ишонч билан.

Касб масъулияти, фаолият тури ҳақида деярли тушунчага эга бўлмаган болакайнинг завқланишини кўрган ён-атрофдагиларнинг ҳам юзида табассум пайдо бўлди. Аслида, бугунги битирувчилар орасида ҳам аввал ёш болаларга хос ҳавас, кейинчалик қатъият билан шу касбни ихтиёр этганлар кам бўлмаса керак.

Катта лейтенант Мунир РАҲИМОВ.

ЦЕЛЬ – ИСПРАВНАЯ ТЕХНИКА

Каждый день для воинов автомобильной группы, где служит младший сержант А.Исмоилов, начинается с развода в автопарке. На нем командир группы лейтенант Б.Туракулов ставит конкретные задачи каждому водителю.

Здесь у всех цель едина – техника всегда должна быть в исправном состоянии, то есть в полной боевой готовности. Среди тех, кто всегда добросовестно относится к выполнению своих обязанностей, – военные водители рядовые Акмал Махкамов, Убайдулло Сарсенбеков, Ульмас Таджиев. Это уже опытные специалисты, за плечами которых не одна сотня километров дорог. Есть в коллективе и новички, которые недавно переступили порог казармы и надели военную форму. Это рядовые Умид Эгамов, Баходир Худайберганов, Дилшод Сапаев. Да, их армейская жизнь началась недавно, но хорошая школа допризывной подготовки в ОСО «Ватанпарвар» свидетельствует о том, что каждый из них подготовлен к армейской службе и готов выполнять поставленную задачу. И все же, как говорится, все они пока стажируются у более опытных специалистов, а те, в свою очередь, во всем им помогают. Вместе обслуживают и ремонтируют технику, вместе изучают тонкости водительского мастерства. Одним словом, стараются не отставать от сослуживцев.

Капитан Хасан ФАРУХОВ.

ЙЎЛИНГ ЁРУҒ БЎЛСИН, БОЛАМ!

Ўғлим Темурбек Абдуразаков яқинда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тамомлади. Интиқ кутганимиз бу кун оиламиз учун байрамдек бўлди. Шундай кунда кўнглимдан бир оғриқли армоннинг ўтгани рост. Бу қувончли кунни ўғлимнинг отаси кўрмади... Турмуш ўртоғим Алимжон ака ўғлимиз биринчи курсда ўқиётганида оғир хасталикдан вафот этган эди. У киши ҳам узоқ йиллар эл тинчлиги йўлида хизмат қилган эдилар.



Биз биргаликда беш фарзанд тарбияладик. Ўғилларим Улуғбек, Алишер иқтисодчи, Жасурбек, Шоҳида қизим ички ишлар бошқармасида хизмат қилишади. Темурбек фарзандларимнинг кенжаси. Шукрки, фарзандларимнинг ҳаммаси ўқимишли, тарбияли инсонлар бўлиб, оталари орзуини рўёбга чиқаришди. Оддий она сифатида бундан кўнглимда ҳузурбахш қаноат ҳис қиламан.

Йиллар давомида Темурбекнинг кичиккина ютуғидан ҳам ўзидан кўпроқ қувониб келдим. Болалигидан ҳарбий бўлишни орзу қиларди. Спорт билан мунтазам шуғулланди. У тўрт йил ўқиш давомида яқин дўстлар орттирди. Дўстлари Рамз, Шерзод, Ойбек, Бекзод, Дурбек, Ҳожиакбарлар ҳақида гапирганида ундаги ички меҳр аралаш мамнуниятни оналик сезгиси билан илғаб оламан.

Ўғлим кўплаб тенгдошлари каби ёш офицерлар сафидан жой олди. Бу мен учун таърифсиз қувончли лаҳзаларни бахш этди. Қувончимни бошқалар билан баҳам кўргим келди. Аллоҳ барча оналарни шундай қувончли кунлар билан сийласин.

Катта ҳаётга улкан умидлар билан йўл олган ўғлим, йўлларинг ҳамиша ёруғ бўлсин!

Зуҳра АБДУРАЗАКОВА.

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ЎТКАЗИЛДИ

Муҳофаза ҳамиша давлат аҳамиятига молик масала бўлиб келган. Айниқса, фуқароларнинг соғлигини ҳимоя қилиш, уларнинг тиббиёт бобидаги билимларини мунтазам такомиллаштириб бориш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Ёз мавсуми бўлганлиги сабабли инсон саломатлигига хавф солувчи омиллар кўпаяди. Масалан, қўшни давлатлардан эпидемик ва эпизоотик касалликларнинг чегара орқали кириб келиши билан боғлиқ хавфни олайлик. Хўш, бу хавфдан ҳимояланиш ва унинг аҳоли ўртасида тарқалмаслигининг олдини олиш бўйича соҳа мутахассислари қандай тадбирларни амалга оширишмоқда? Яқинда Тошкент вилояти ҳокимининг чегара ҳудудлари орқали эпидемик ва эпизоотик касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган махсус-тактик ўқув машқи «Ғишт кўприк» божхона мажмуасида бўлиб ўтди.

Айнан оқсил ҳамда шунга ўхшаш бошқа эпидемик ва эпизоотик касалликларнинг кириб келишига қарши курашиш мақсадида ўтказилган махсус тактик-ўқув машқининг сценарийсига кўра, оммавий ахборот воситалари орқали олинган маълумотларга асосан қўшни давлатларда беқарор эпизоотик вазият вужудга келганлиги аниқланди. Республика ҳудудига ўта хавфли юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида турли чора-тадбирларни тезкорлик билан амалга оширишга қарор қилинди. Энг аввало, чегара ўтиш постларида ветеринария хизмати мутасадди ходимлари томонидан мавжуд дезтўсиқларда дезинфекция воситалари захиралари ташкил этилиб, чорва моллари олиб ўтилиши, гўшт ва сут маҳсулотларининг киритилиши таъқиқлаб қўйилди. Транспорт воситаларининг дезтўсиқлардан ўтказилиши қаттиқ назоратга олинди.

Шундан сўнг қўшни мамлакатдан республикамиз ҳудудига озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кираётган фуқаролар текширувдан ўтказилди ва гўшт ҳамда сутнинг сифат даражасини белгиловчи тегишли ҳужжатлари бўлмаганлиги сабабли маҳсулотлар ҳудудга киритилмади. Махсус-тактик машқнинг ҳар бир босқичи юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга, шундай вазиятларда фуқароларнинг ҳушёрлигини янада оширишга хизмат қилди.

Дарвоқе, юқумли касалликларнинг чегара орқали мамлакат ҳудудига кирганлиги аниқлангач, албатта беморлар алоҳида назоратга олиниб, атрофдаги одамлардан изоляция қилинади. Ўтказилган тадбир давомида Тошкент туманидаги касалхоналардан бирида оқсил касаллиги билан оғриган беморларга қандай ёрдам кўрсатилиши бўйича кўргазмали тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ўқув машқининг тўртинчи ўқув нуқтаси этиб туман ветеринария хизмати танланди. Сабаби, айнан касалланган чорва моллари нафақат хонадон соҳибларига, балки барчага катта хавф туғдиради. Уларни ўз вақтида эмлаш, профилактика ишларини ўтказиб бориш юзасидан ҳам кўрсатмалар берилди. Бўлиб ўтган махсус-тактик ўқув машқи оқсил касаллигининг, айниқса эпидемик ва эпизоотик касалликларнинг мамлакатимиз чегара ҳудудлари орқали кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга хизмат қилди.

Умида ҲАСАНОВА,
Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси «Ахборот гуруҳи» етакчи мутахассиси.

27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Ватан мукофотига сазоворлар

ИШДА МОҲИР, ТОПГАНИ ЖАВОҲИР



Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллиги муносабати билан «Ватанпарвар» газетасининг бўлим бошлиғи майор Азимбек Усмонов «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов «Муштум» журналининг бош муҳаррири эди. Журналда кўпгина қалами чархланган журналистлар ишлашарди: Нурулло Отахонов, Сирожиддин Саййид, Набижон Боқий, Муртазо Қаршибой. Бир ходимнинг ўрни бўшаб қолди. Ҳар ким ўзи билган журналистни шу ўринга тавсия эта бошлади. Шунда Неъмат ака:

– Азимбекни чақиринглар! – деб қолди.

Неъмат ака айтаётган Азимбекни мен илгаридан билардим. Усмонов. Бир неча мақолаларини ўқиганман, ўзи билан ҳамсуҳбат бўлганман. Оғир, босиқ, ҳар бир сўзни шошмасдан, бироқ ишонч билан гапирадиган йигит. Изладик, топдик. Неъмат аканинг таклифларини айтдик.

– Сизлар билан ишлашга иштиёқим бор-у, лекин эплай олармиканман? – деди у ўйланиб.

– Эплайсиз, – дедик ҳаммамиз. Шундай қилиб, Азимбек Усмонов журналда иш бошлади. Ростини айтсам, Азимбек материал тайёрлашга, таҳрир қилишга ҳаммамиздан ҳам талабчан чиқиб қолди. Мусаҳҳиҳ сифатида ҳар бир материалнинг бехато чиқишини таъминларди. Кейинчалик адабий ходим бўлгач, журналга келган ҳар бир мактубни, материални жуда синчковлик билан ўқирди, пичоққа илинадигани бўлса, албатта, тезкорлик билан тайёрлаб берарди ва ўша материал саҳифада чоп этилмагунча тиниб-тинчимас эди. Бунинг устига расм учун мавзу топишга жуда уста экан. «Муштум»нинг тўқсонинчи йилларда чоп этилган сонларини бир кўздан кечиринг, деярли ҳар бир сонда Азимбек топган мавзулар асосида чизилган расмлар бор. Мавзуларки, ўзига хос, топилма. У ғоят қисқа муддат ичида мусаҳҳиҳликдан бош муҳаррир ўринбосари лавозимигача кўтарилди. Бу энди «Муштум» журналидаги фаолиятига оид гаплар.

Азимбек Усмонов 1996 йилнинг май ойида ҳарбий хизматга чақирилди. Устига офицерлик либосини кийгач, «Ватанпарвар» газетасида катта муҳбир лавозимида хизмат қила бошлади. Ўзига хос ёзиш услуби, журналистик тажрибасига эга офицер Азимбек Усмонов тезда ҳарбий журналистиканинг ўзига хос томонларини ўзлаштириб олди. Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбийларимизнинг машаққатли фаолияти тўғрисида лавҳа, мақола, очерклар ёза бошлади. Шу боис ҳам бирор муҳимроқ топшириқ чиқиб қолса, бош муҳаррир ҳеч иккиланмай «Буни Усмонов уддалайди», дея унга юкларди. «Азимбекни чақиринглар!» деган сўз билан «Усмонов уддалайди» деган сўзининг мазмун-моҳияти битта – ишонч. Раҳбариятнинг, жамоанинг ишончи замирида катта меҳнат ётибди. Тинмай ўқиб, ўрганиш, изланиш бор бу меҳнатнинг замирида.

Орадан бир йил ўтар-ўтмас у Маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими бошлиғи вазифасига кўтарилди. Бўлим фаолиятида анча ўзгаришлар содир бўлди. «Оила – ҳаёт гултожи», «Туҳфа», «Сешанба учрашувлари», «Кўнгилга ташриф», «Машҳур саркардалар ҳаётидан», «Қадрият», «Нуқтаи назар», «Инсонийлик мезонлари» сингари янги рукнлар ташкил этилди. Газета саҳифаларида республикамиздаги таниқли шоир, ёзувчи ва журналистлар чиқиш қила бошлашди. Тез-тез ҳарбий ижодкорларнинг асарлари чоп этила бошланди.

Офицер Азимбек Усмонов ижодий сафарга чиқса, албатта, янги мавзу, янги қаҳрамонлар топиб келади. Бир гал сафарга чиққанида факс орқали «Аскар кимга ўхшайди?» сарлавҳали мақола юборган эди. Тезкорлик билан биринчи саҳифага жойлаштирдик. Муддатли ҳарбий хизматчилар билан социологик тадқиқот ўтказиб, расм чиздирибди. Мақола муштарийларимизда ҳам катта қизиқиш уйғотганди. Ёдимда, бир вақтлар ёзган «Туфлингизни ечинг, кимлигингизни айтиб бераман» мақоласи ҳам жуда қизиқарли, ўқишли ёзилган эди. Бу мақола ҳам ижодий сафар маҳсули. Азимбекни кўп ва хўп ёзади, дейишдан йироқман. Бироқ оз ёзади, соз ёзади. Унинг «Фарзанди аржуманд», «Наслида бор, аслида бор», «Янги дарслик, янги суҳбатдош», «Аълочилар шод-мамнун», «Суғд қоплони», «Хунларнинг улуғ ҳукмдори» сингари мақолалари сарлавҳаларининг ўзи топилма, янгилик. Образлик қилиб, у ҳақида ишда моҳир, топгани жавоҳир, дейишимиз мумкин.

Яқинда янги китоб харид қилиш учун китоб дўконига бордим. Сотувчи:

– Мана шу китобни олинг, янги, тарихимиз ҳақида, – дея Жалолиддин Мангуберди расми акс эттирилган китобни қўлимга тутди.

– Бу йигит билан бирга ишлаймиз, – дедим кулиб, китобдаги расмга ишора қилиб. Сотувчи афтимга тикилиб қолди:

– Ҳазиллашяпсизми? – деди у. – Ахир бу Жалолиддин Мангуберди-ку!

– Ҳазиллашаётганим йўқ, – дедим мен жиддий. – Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Қурёзов ҳамкасбим Азимбек Усмоновга қараб чизган, хоразмлик.

Аслида ҳам шундай бўлган. Шу ўринда Жалолиддин Мангубердига таъриф бериб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Азимбек Усмоновнинг қони оқиб турибди, руҳи мадад бериб турибди. Нигоҳлари ўткир, қатъий. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, Азимбекнинг юрагида шу замин, шу тупроқ, шу Ватанга муҳаббати жуда кучли.

Иқтидорли ҳарбий журналист офицер Азимбек Усмонов ҳозир айни ижодий кучга тўлган пайт. Ҳар қандай топшириқни ҳам пухта ва соз уддалайди. Биз унинг бундан кейин ҳам ўзининг ажойиб публицистик асарлари билан кўпчиликни қувонтиришига ишонамиз.

Абдураззоқ ОБРЎЕВ.

КИЧИК ЖАМОАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ



Сўнгги йилларда ҳарбий ватанпарварлик мавзуида яратилган ҳужжатли фильмлар салмоғи сезиларли даражада ошган. Бунда албатта Мудофаа вазирлиги ҳарбий студиясининг муносиб ҳиссаси бор.

Студия жамоасини том маънода ҳақиқий фидойилар дейишимиз мумкин. Барча жабҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучларимизда олиб борилган изчил ислоҳотлар жараёни мазкур студия томонидан видеотасмаларга муҳрланди. Жамоанинг маҳоратли операторлари томонидан тасвирга туширилган турли ўқув машғулотлари Қуролли Кучлар видеохроникалар архивини бойитмоқда.

Турли мавзудаги, аммо бир мақсадга, яъни ҳарбий ватанпарварликка йўналтирилган қатор фильмларнинг яратилиши бу ерда ўз касби сир-асрорларини чуқур эгаллаган, билимдон, малакали мутахассислар хизмат қилишидан далолат бериб турибди. «Бурч ва масъулият», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тинчлик ва барқарорлик кафолатидир», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», «Ўзбекистон – буюк келажак сари» ҳужжатли фильмлари ғоявий-бадиий даражасининг юксаклиги билан мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. Мазкур фильмларни оператор иштирокисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Офицер Шуҳрат Саъдуллаев бу борада бир неча йиллик бой тажрибага эга. Шуҳрат Саъдуллаев ўқув машғулотлари, маърифий тадбирлар, ҳужжатли фильмлар тасвирга олишда тенги йўқ маҳоратли оператор эканлигини намойиш этиб келмоқда.

Худди шундай илиқ фикрларни Қуролли Кучлар хизматчиси оператор Аббос Улуғхўжаев ҳақида ҳам айтиш мумкин. Ҳарбий студия жамоаси катта эмас. Аммо улар амалга ошираётган ишлар кўлами бениҳоя катта. Қуролли Кучлар фаолияти четдан қараганда ҳамиша бир текис, бир маромда кетаётганга ўхшайди. Аслида бу ерда янгиликлар, ўзгаришлар кўп. Қуролли Кучлар ҳам мамлакат ҳаёти билан ҳамнафас. Демак, унда ҳам бот-бот янгиликлар рўй бериши табиийдир. Ундаги ана шу мамлакат миқёсидаги ўзгариш, қизғин жараённи бус-бутунича халққа етказиш, намойиш этишни кичиккина ҳарбий студия ўз зиммасига олган ва бу масъулиятли вазифани шараф билан уддаламоқда. Чунки унда офицерлар Фурқат Эргашев, Алишер Бобохонов каби фидойи етакчилар бор.

– Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг ҳарбий ватанпарварликка бағишланган деярли барча кўрсатув ва эшиттиришлари бизнинг иштирокимизда тайёрланади ва намойиш этилади, – дейди ҳарбий студия бошлиғи офицер Алишер Бобохонов. – Бизнинг жамоа бундан кейин ҳам ҳарбий ватанпарварлик мавзуидаги бири биридан ёрқин ва сермазмун кўрсатувлар тайёрлашни ўз зиммасига олади. Ҳарбий студия ватанпарварликни мадҳ этувчи энг мукаммал кўрсатувлар муаллифи бўлиши шубҳасиз.

Инобат ЗИКРИЛЛАЕВА.

ТУҲФА



«ВАТАНПАРВАР»ИМ

Доно кексаларда сўз бор дуода
«Дунё тургунча тур, енгмасин ғаним»,
Бу кун шу дуони тилаб зиёда
Сенга таъзимдаман, «Ватанпарварим».

Истиқлол бағрида туғилдинг шонли,
Теран уммонларда тутиб мағрур қад.
Жанговар сафдасан руҳинг туғёнли
Ҳурлик яловини тутиб сарбаланд.

Гўзал саҳифаларинг мардлик баёни,
Жасур посбонларга ҳамдард, ҳамнафас.
Меҳрингдан куч олар Ватан ўғлони,
Беминнат устозсан, устоз забардаст.

Элим деганларга бағринг суянч – тоғ,
Одил хизматдасан доим беназир.
Тинчлик кабутари мисоли ҳар чоғ,
Ҳар бир хонадонда бўлолсанг арзир.

Долғали йилларда ошдинг хўп давон,
Эзгулик йўлида толеинг юксак.
Содиқ мухлисларинг тилаб бу кун шон
Ўн беш ёш тўйингни айлар муборак.

Доно кексаларда сўз бор дуода
«Дунё тургунча тур, енгмасин ғаним»,
Бу кун шу дуони тилаб зиёда
Сенга таъзимдаман, «Ватанпарварим».

ЖУРНАЛИСТЛАР

Дунё дарди сизнинг дардингиз,
Ҳар жабҳада бонг урасиз, бонг.
Ҳақ йўлида йўқ сарҳадингиз.
Ҳар гўшада оппоқ отсин тонг –
Мақсадида энг улуғ ҳислар
журналистлар.
Қуролингиз қалам, оқ қоғоз,
Баҳолайсиз ҳар ишни одил.

Ялангтўшсиз баҳору қиш, ёз,
Ғайратингиз неларга қодир –
Ортингизда чақмоқли излар
журналистлар.
Миллат дея куяр жонингиз,
Ахир удир авлод эгаси.
Тинч қўймайди уйғоқ орингиз,
Тарихию бугун, эртаси.

Келажакни кўролган кўзлар –
журналистлар.
Сиз – оламни кўрсатар кўзгу,
Сиз – заминнинг қайноқ нафаси.
Шахтингиздан таралар ёғду,
Ҳар сўзингиз ҳақиқат саси,
Ҳақ йўлида Халқ бўлиб сўзлар
журналистлар.

Зулфия ЮНУСОВА.

РИТМ РАБОТЫ ВСЕГДА БОЕВОЙ

У коллектива типографии службы канцелярии Управления делами Министерства обороны Республики Узбекистан всегда очень много работы. Оно и понятно, ведь это очень ответственный участок по обеспечению печатной продукцией не только управлений и служб Центрального аппарата Министерства обороны и Объединенного штаба Вооруженных Сил, но и всех подразделений.

Мелочей в деле решения поставленных задач у коллектива не бывает, тем более что каждый вовремя выполненный печатный заказ является еще и вкладом в укрепление боевой готовности нашей армии. Здесь всегда царит деловая и творческая атмосфера. Именно поэтому каждый специалист типографии стремится совершенствовать свои профессиональные навыки, служить примером ответственного и компетентного подхода к порученному делу. А то, что на счету данного коллектива нет ни одного невыполненного заказа, подтверждает приверженность традициям печатного дела, к которым относятся единое корпоративное мышление, гордость за принадлежность к профессии, следование принципам взаимозаменяемости. Так, например, в случае возникновения нештатной ситуации электрофотограф без особых проблем может заменить печатника офсетной печати, инженер-технолог – оператора множительной копировальной машины, или корректор типографии – корректора граверной мастерской. Как видно, когда отработан такой важный фактор обеспечения боевой готовности печатников, то и в деле выполнения поставленных задач проблем не возникает.

– Положительная энергетика, ревностное отношение к делу, умение дружно организовать бесперебойную работу всей «технологической цепочки» рабочего процесса, взаимовыручка и доброжелательность, – говорит в беседе инженер-технолог Гульбахор Собирова, – и есть визитная карточка нашего коллектива.

...Поступает очередная партия заказов. Срок исполнения ограничен, продукцию ждут в отдаленных гарнизонах. Капитан Шоильес Шокаримов оперативно доводит подчиненным необходимые требования заказчика, четко ставит задачи по исполнению, обращая особое внимание на соблюдение всех технических параметров.

Наборщик Светлана Королева, печатник офсетной печати Неля Головина, корректор типографии Тамара Юлдашева, прессовщик-позолотчик Мавлюда Бабаханова, электрофотограф Раъно Арисланова, граверы сержанты Хокимбек Худоеров, Нодирбек Очилов и другие специалисты погрузились в размеренный ритм работы. И можно не сомневаться: очередной заказ будет выполнен в срок и с высоким качеством!

Капитан Мирза ХАСАНОВ.

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Газета-журналларни тайёрлаш жараёнида ижодкорлар қаторида техник ходимлар ҳам ўзига хос ўрин тутади. Жумладан, ҳар ҳафта «Ватанпарвар» газетасининг ўз муддатида ва ҳар томонлама сифатли чоп этилишида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйи газета цехи ходимларининг хизмати алоҳида таҳсинга сазовор. Аҳил жамоанинг етук малакали мутахассислари энг замонавий русумдаги қурилмаларда ҳафтаноманинг ёрқин рангларда ёруғ юзини кўришини муносиб таъмин этмоқдалар.

Ёш бўлишига қарамасдан мавжуд мураккаб техник воситаларнинг сир-асрорларини мукаммал эгаллаган цех раҳбари Олимжон Мелиев шу кунги матбаачилик талабларидан келиб чиққан ҳолда «Ватанпарвар» газетасининг кўнгилдагидек чоп этилиши учун бор тажрибасидан унумли фойдаланмоқда.


– Цехимизга хорижда ишлаб чиқарилган матбаачилик қурилмалари келтирилгач, ишимиз янада жонланди, – дейди О. Мелиев. – Бунда муҳандислар ва чоп этувчиларнинг малакасини янада оширишга катта эътибор қаратилди. Хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликда замонавий матбаачиликнинг сўнгги усул ва услубларидан унумли фойдаланган ҳолда ишни ташкил этдик.

Техник назорат бўлими бошлиғи Сурайё Сафаева, бош мутахассис Ойбек Турғунов ҳамда тайёр маҳсулотни қабул қилувчи Динара Ҳошимоваларнинг номини ҳурмат билан тилга олсак арзийди. Улар барча технологик жараёнларда самарали меҳнат қилиб, «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйи раҳбариятининг олқишларига сазовор бўлмоқдалар.


– «Ватанпарвар» газетасини чоп этишга тайёрлаш жараёнида биз қоғозларнинг сифатига ҳам жиддий эътибор қаратамиз, – дейди О. Турғунов, – Зеро, қоғоз нечоғли сифатли ва яхши сақланган бўлса, газетани тез ва қулай чоп этиш имконини беради. Шу боис кичик жамоамиз аъзолари ўрамли қоғозларни келтириш, қабул қилиш, сақлаш ҳамда матбаа машиналарига жойлаштириш ишларига юксак масъулият ҳисси билан ёндашадилар.

Шубҳа йўққи, жонкуяр матбаа ходимларининг фидокорона меҳнатлари туфайли газетамиз доимо ўз муштарийларининг севимли нашри бўлиб қолаверади.

Ўз мухбиримиз.



МАТБААЧИЛИК ЗАВҚИ



Газетами, журналми, қайси бири бўлишидан қатъи назар, ўқувчилар қўлига ўз вақтида бориб етиши учун жуда кўп одамнинг меҳнати сингади. Мухбирнинг вазифаси аниқ: ҳар бир сонга янги хабар топиб, содда ва равон тилда ўқувчибоп қилиб ёзиши лозим. Мусаҳҳиҳ мақоланинг бехато чоп этилишига жавобгар. Умуман, газета ва журналнинг дунёга келиши ижодий ва техник ходимларнинг машаққатли меҳнати туфайлидир.

«Ватанпарвар» газетасининг ўқувчилар қўлига ўз вақтида етиб боришида босмахона ходимларининг ҳам ҳиссаси беқиёсдир. Газетани тахлаш, обуначиларга жўнатиш аниқлик ва тезкорликни талаб этади.

– Биз, – дейди «Ватанпарвар» газетаси нашриёти ва босмахонаси ходими Абдусамат Юнусов, – газетани ҳар бир сони обуначига ўз вақтида етиб бориши учун қўлимиздан келган барча ишларни қиляпмиз. Маълумки, айни чоғда мазкур газета ўн икки саҳифадан иборат бўлиб, ҳафтада бир марта чоп этиляпти.

Шу пайтгача газетамизни муштарийларга етказиб беришда бирор бир камчилик юз берган эмас, бундан кейин ҳам юз бермайди, албатта.

– Мен, – дейди ходима Бубубатма Сарсенбекова, – мазкур даргоҳда қирқ йилдан бери ишлаб келяпман. «Ватанпарвар» газетасининг ўқувчилари кўпайиб бораётганидан хурсандман. Кейинги пайтларда газета мазмун жиҳатидан ҳам, безалиши жиҳатидан ҳам анча ўзгарди. Бу газета раҳбариятининг, ижодий ва техник ходимларининг биргаликдаги ҳамжиҳат меҳнати туфайлидир.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами билан барчани муборакбод этаман.

– Мен учун энг катта байрамдир,
Ҳар жума, ҳар жума, ҳар жума,
Шу куни танамга сиғмайди,
Авжим-а, авжим-а, авжим-а,

– дейди босмахона ходимаси Замира Сафаралиева, – чунки шу куни «Ватанпарвар» газетасининг янги сони қўлимизга тегади. Бирорта мақолани ҳам кўздан қочирмай, мароқ билан ўқиб чиқаман.

Мен жуда шарафли, айни пайтда ўта оғир ва машаққатли касб эгалари – матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари сафида эканлигимдан фахрланаман. Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

Бунёд НУРМАТОВ.

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Ҳарбийлар оиласида

БАХТИ БУТУН ЖУФТЛИК



Севишиб турмуш қурган, аҳил ва иноқ оилаларга кимнинг ҳаваси келмайди дейсиз. Шартнома асосидаги хизмат кичик сержанти Акром Бобоноровлар хонадонида бўлганимизда буни янада яққол ҳис қилдик. Ҳарбий қисм командири айнан ушбу оилани тавсия қилгани бежиз эмас экан. Кичик сержант А.Бобоноров меҳнатсеварлиги, очиққўнгиллиги, беминнат ёрдамини ҳеч кимдан аямаслиги, энг асосийси ҳақиқий ватанпарвар, соҳасининг асл билимдони сифатида ҳарбий жамоада ўз ўрнини топиб улгурган юрт посбонларидандир.

Ёшлигидан тиббиёт соҳасига меҳр қўйган ўғлон 1995 йилда Самарқанд тиббиёт коллежига ўқишга киради. Коллежни муваффақиятли тугатиб, алоқачилар қисмида фельдшер вазифасида ўз фаолиятини бошлайди.

– Тиббиёт ходими бўлишим отамнинг орзуси эди, – дейди унинг ўзи. – Уларнинг бу орзусини рўёбга чиқардим. Навбатдаги мақсадим ҳавас қилган касбим – ҳарбийлик соҳасида эл-юрт корига камарбаста бўлиб, Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга эга бўлиш эди. Муддатли ҳарбий хизматни қоровул қўшинларида ўтадим. Мана шу хизмат қалбимда ҳарбийликка янада ҳавас уйғотди. Бугун шу соҳада жавлон уриб хизмат қилмоқдаман.

Ҳа, кичик сержант шу кунга қадар фельдшер, тиббиёт пункти бошлиғи каби вазифаларда хизмат қилиб келди. Айни кунларда ҳарбий қисм тиббиёт пунктида дорихона бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Хизмат хонасига кирар эканмиз, дорихонанинг саранжом-сариштаслиги, озодалиги, ҳавосининг тозалиги, дори-дармонларнинг рўйхат бўйича тахланганлиги ва кўрсатилган тартибда сақланаётганлигига гувоҳ бўлдик. Кичик сержант шифокор кўрсатмасига биноан беморларга керакли дориларни тарқатаркан, уларга керакли маслаҳатларни беришни ҳам унутгани йўқ.

– Юрт посбонлари ҳеч қачон касал бўлмасин, деб доимо изланишдамиз, – дейди у. – Малакали устоз шифокорлардан соҳа сир-асрорларини ўрганиб, билимларимни янада бойитиб бормоқдаман. Ўз соҳамнинг ҳақиқий билимдони бўлишга ҳаракат қилаяпман. Менинг вазифамда адашиш, хатога йўл қўйиш асло мумкин эмас. Шунинг учун ҳамиша изланиб, доришуносликка оид адабиётларни ўқиб, ўз устимда тинимсиз меҳнат қилиб, тажрибамни ошириб бораяпман.

Келинг, шу ўринда қаҳрамонимизнинг оиласи ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтсак, кичик сержантнинг рафиқаси Марҳабохон ҳам тиббиёт ҳамшираси. Бир неча йиллар Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида ҳарбий қисм тиббиёт пунктида ҳамшира вазифасида ишлаган. Ҳозирда шаҳар санитария эпидемиология назорати ҳамширасидир.

Хонадонга кирар эканмиз, истарали, очиққўнгил Марҳабохон ва фарзандлари Давронбек ҳамда Маржонахонлар дадаларини шоду хуррамлик билан кутиб олишди. Ширингина Маржонахон дадасини кўргани заҳоти бугун боғчада ўрганган Ватан ҳақидаги шеърини бийрон тиллари ила айтиб берди. Акром қизалоғини кўтариб, бағрига босар экан, унинг пешонасидан ўпиб, «менинг жажжигина фаришта», дея эркалатиб қўйди.

– Бизга қандай овқат тайёрлаяпсиз, хўжайин, – ҳазил аралаш сўради Акром ака, рафиқасидан.

– Ўзбеклар хонадонига меҳмон келса, албатта миллий таомимиз паловхонтўра тайёрланадида, дадажониси, – ширингина қилиб, жавоб берди Марҳабохон.

– Ундай бўлса, ошнинг масаллиқларини ўзим тайёрлаб бера қолай, шунда анча ширин бўлади, – дея ошхона томон йўл олди оила бошлиғи.

Бир пиёла чой устида ўтказган суҳбатимиз бизга бир олам завқ бағишлади. Бу икки жуфтнинг бир-бирига бўлган меҳрибонлиги, фарзандларининг ота-онасига бўлган муносабати, одоби ҳавасимизни келтирди.

– Акром акага турмушга чиққанимдан, у киши билан бир умрга юрак ришталаримни боғлаганимдан афсусланмайман, – дейди Марҳабохон. – Турмуш ўртоғим менга самимий дўст, садоқатли ёрдир. Фарзандларимга ҳам ўз ишидан ортиб, чексиз меҳр кўрсатади. Ҳарбийга турмушга чиқиб кам бўлганим йўқ. Ўғлимиз Давронбек ҳам келажакда ҳарбийлик соҳасини танламоқчи. Бундан мен фақат қувонаман, фахрланаман.

Қизлари Маржонахон эса катта бўлса, албатта шифокор бўлишини таъкидлаб ўтди.

Бир-бирига йўлдош, қўлдош бўлиб келаётган бу оилага кўплар ҳавас қилишади. Хайрлашиш олдидан кичик сержантнинг яна бир сиридан воқиф бўлдик. У гитарада куй чалиб, муҳаббат ҳақида қўшиқ айтиб берди. Қўшиқни тинглар эканмиз, бу оиланинг бахти доимо бутун бўлишини истаб қолдик.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.

ҒАМХЎРЛИК ВА ЮКСАК ЭЪТИБОР



Маълумки, жорий йилнинг май ойида Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мазкур қонуний ҳужжатнинг амалдаги ижроси, шунингдек, ёш оилалар, тадбиркор аёллар ва тадбиркорликни бошламоқчи бўлган аёлларга имтиёзли кредит бериш тизимининг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, тушунтириш ва бу борада амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган семинарлар юртимизнинг турли гўшаларида ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида юрт посбонлари, Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчилари иштирокида бўлиб ўтди. Унда Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова, Республика Марказий банки «Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш» департаменти раҳбари Шуҳрат Каримов, «Микрокредитбанк» бошқаруви раиси ўринбосари Шукрулло Умаров, Ипотека банк департаменти директори Давron Абдумўминов, Чирчиқ шаҳар ҳокими Шукрулло Бобоев, хотин-қизлар қўмитаси эксперти Жамила Тошмуҳамедова ва бошқалар иштирок этдилар.

С.Иномова нутқ сўзлар экан, юртимизда ёш оилалар кўпчиликни ташкил этиши, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун, «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурига мувофиқ ва айнан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уйжой ва маиший шароитларини яхшилашга қаратилган Юртбошимиз фармонидан келиб чиқиб, белгиланган вазифаларга тингловчилар эътиборини тортди.

Молия тизими мутахассислари эса имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга бериладиган ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар хусусида батафсил маълумот бердилар.

Шу ўринда, қонунчиликка мувофиқ мазкур Фармон татбиқ этиладиган ёш оила тоифасига кимлар киритилишини аниқлаштириб ўтсак. Улар – ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлардир.



Семинар давомида кўрилган масалалар юзасидан тадбир қатнашчиларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассислари тўлиқ ва атрофлича жавоб бердилар.

Катта лейтенант
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.

УЛАР ҲАМИША АРДОҒИМИЗДА

Ҳарбийлар оиласи одатдаги оилалардан анча фарқ қилади. Хизмат тақозоси билан жойдан-жойга кўчишлар бир мунча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ҳарбий хизматнинг машаққатли томонларидан бири шуки, Ватан ҳимоясини ўзига касб қилган посбон ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам бурчини ўтайди. Мамлакатимизнинг бир томони тоғу тошли, яна бир томони чеки-чегараси йўқдек туюлгувчи саҳролардан иборатдир. Бундай жойлардаги шароитни, айниқса, оилалар билан яшаш шароитини ҳамма ҳам билавермаса керак. Шароити бирмунча мураккаб бўлган бундай жойларга имкон қадар қулайликлар яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Кейинги вақтларда Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий оилаларни мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларга турли-туман ёрдамлар кўрсатиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Мазкур ҳамкорлик алоқалари ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини иш билан таъминлаш, тиббий, ҳуқуқий маслаҳат ва ҳоказо масалаларда ёрдам беради.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан юртимиз эртаси бўлган ёшларга катта эътибор қаратиб келинади. Яқинда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам ана шу юксак эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Ҳарбийларимизнинг ҳам талайгина қисми ёш оилалар таркибига киради. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун Мудофаа вазирлиги томонидан имкониятлар излаб топилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони бу борадаги ишларнинг янада фаоллашувига, жадаллашишига асос бўлди.

Ёш ҳарбий оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан Марказий ҳарбий округида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

– Мамлакатимиз раҳбарининг Фармони ҳарбий оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган ишларимизда асосий дастуриламал вазифасини ўтайди, – дейди офицер Нурмуҳаммад Муллабоев. – Шу кунларда биринчи галда ёрдам бериши зарур бўлган ҳарбий оилалар ўрганилмоқда. Катта қурилишлар амалга оширилмоқда. Мазкур қурилишлар ҳарбийларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондиради.

Дарҳақиқат, округда амалга оширилаётган ишлар салмоқлидир. Инсоннинг қўлини гулга бекорга қиёсламайдилар. Унча-мунча мураккабликларни писанд этмай, табиий шароитга мос қурилишлар қилиш тадбиркор инсонга хос. Округда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун қурилаётган ётоқхона бинолари ҳам ана шундай тадбиркорлик маҳсули бўлиб, узоқни кўзлаб амалга оширилмоқда.

– Бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўйишмайди, – дейди ҳарбий оила бекаси Шаҳноза Рустамова. – Ёш бола билан янги жойга кўникишимиз қийин бўлса керак, деб хавотирланган-гандим. Дастлаб келган кунимизданоқ бу ерда катта бир оиланинг аъзоларидек яшашимизни англаб етдим. Фарзандимнинг соғлиғи, ўзимнинг муаммоларим, қандай ёрдам зарурлигини сўраб етакчи офицерлар ва хотин-қизлар қўмитасидан вакиллар бизни йўқлаб келишганида қувониб кетдим. Демак, биз эътиборда эканмиз, ёлғиз эмас эканмиз.

Оиласидан кўнгли тўқ посбоннинг хизмати ҳам унумли, муваффақиятлари ҳам бисёр бўлиши шубҳассиз. Ҳали бажарилиш, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар кўп. Энг муҳими, уларни ҳал қилиш ва бажариш учун дадил ҳаракатлар бошланган.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.



● Кулча жуда мазали,
Седанали, жиззали...

Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Bolajonlar, sizlar uchun!

O‘JAR BALIQCHA



Bir bor ekan, bir yo‘q ekan. Katta moviy dengizda tangabaliq bolalari bilan yashar ekan. Baliqchalar suvda mazza qilib suzishar, shirin ovqatlar topib yeyishar ekan, onalariga erkalanib o‘ynashar ekan.

Bir kuni kenjatoy baliqcha zerikibdi. Aka-opalariga injiqlik qilib yig‘layveribdi. Akalari uni ovutib, o‘ynatibdilar. O‘jar baliqcha uzoqroqqa borib o‘ynashni xohlabdi. Akalarining gapiga quloq solmay suzib ketibdi. Ular ukasiga:

– Uzoqqa borma, adashib qolasan! – deb qancha gapirsalar ham baliqcha o‘jarlik qilib suzishda davom etibdi. U suzib borib, dengiz chirmovig‘iga ilinib qolibdi:

– Akajonlar, qutqaringlar! – debdi kichkina baliqcha yig‘lab. Ammo akalari ancha uzoqda bo‘lganlari uchun uning gaplarini eshitmabdilar. Dengizdagi katta baliqlar tayyor o‘ljani ko‘rib, og‘izlarini katta ochib kela boshlabdilar. Shu vaqt uning onasi va akalari kelib qolishibdi. Ular chaqqonlik bilan chirmoviqni tishlab uzishibdi va baliqchani qutqarib, tezda suzib ketishibdi. Katta baliqlar ularga yeta olmabdilar. Shu-shu baliqcha kattalar gapini tinglaydigan, o‘jarlik qilmaydigan bo‘libdi.

СЛИВКИ...

...легко взбиваются в плотную пену, если их жирность не меньше 35%. Но и такие сливки перед взбиванием лучше поставить на 30 мин. в морозильник.




РЫБНОЕ ФИЛЕ

...не развалится при жаренье, если в панировке половину сухарей заменить картофельным крахмалом. Корочка получается хрустящей и очень аппетитной!

ЗЕЛЕНЫЙ САЛАТ

...становится еще сочнее, если перед приготовлением его ненадолго опустить в холодную воду, добавив в нее кубики льда.



НАВАРИСТЫЙ МЯСНОЙ СУП С КАРТОФЕЛЕМ, КАПУСТОЙ И ПРЯНОСТЯМИ



На 4 порции: 750 г говяжьей грудинки, 400 г картофеля, 4 моркови, 2 корня петрушки, 1/2 клубня сельдерея, 1 стебель лука-порея, 400 г капусты, 2 ст. ложки растительного масла, 2 луковицы, тмин, 500 мл говяжьего бульона, петрушка.

Приготовление: Мясо вымыть и нарезать крупными кубиками. Картофель, корень петрушки и сельдерей нарезать крупными кубиками, морковь и лук-порей – кольцами, капусту нашинковать широкой соломкой. Репчатый лук порубить мелкими кубиками. Нагреть духовку до 180 градусов. В большой жаропрочной кастрюле разогреть растительное масло и порциями обжарить в нем кусочки мяса со всех сторон. Слоями уложить на мясо картофель и овощи, приправляя каждый слой солью, перцем и семенами тмина. Аккуратно залить мясным бульоном. Кастрюлю плотно закрыть крышкой и поставить на 90 мин. в духовку. Подавать, посыпая петрушкой.

2 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.50 1. «Уч бақалоқ». Фильм.
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
10.30 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.50 «Самарқанд — 2750».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Тошкент гуллари».
11.25 «Одами эрсанг»
11.45, 12.50 «Парвона». Спектакль.
13.45 Вилоят наволари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Оила — жамият таянчи».
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Истиқбол сари йўл».
17.45 «Воқеа».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Умр дафтари». 1-қисм.
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Уч бека». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Шарқ тароналари».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал премьераси (Корея).
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Икки тақдир». Телесериал премьераси (Ҳиндистон).
23.55 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.05 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Рангин дунё».
00.35 «Истеъдод».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.35 Олтин мерос.
01.40 «Парвона». Спектакль.
03.35 «Шарқ тароналари».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ-анонс.
04.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чанқовуз».
04.55 «Марғилон — 2000».
05.00 «Минг бир ривоят».
05.05 Миллий сериал: «Юсуф ва Зулайхо».
05.35 Тонги наволар.

ЁШЛАР

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Давр мавзуси».
16.35 «Самарқанд — 2750 ёшда!»
16.40 «Якшанба нонуштаси».
17.00 «Journal».
17.20 «Нафосат олами».
17.30 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
18.35 «Газал мулки».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал (Корея).
20.10 «UzEX хабарлари».
20.15 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Матонат».
20.30 «ТВ-банк».
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «ПУАРО». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм «Шумтакалар».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Мусиқа-SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист».
20.20 Мир животных: «Как стать тигром».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «ТВ-юрист».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Кинг Конг». 1-я часть.
00.20 Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

18.00 «Болалар спорти».
18.20 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Вокруг света».
19.35 Шахмат бўйича Осиё биринчилиги кундалиги.
19.45 «Спорт — менинг ҳаётим».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Футбол мундиал».
21.10 «Универсиада-2007» якунлари.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 Семейный экран:
«Счастье по рецепту». Художественный фильм.
23.35 ПрофРИНГ.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

3 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.45 «Остонаси тиллодан».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50 «Самарқанд — 2750».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Мафтункор кабутарлар».
12.25 «Бир асар тарихи».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Шарқ тароналари».
15.30 «Интеллектуал ринг».
16.20 «Одамлардан бири».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.25 «ИИВ хабарлари».
17.40 «Марғилон — 2000».
17.50 «Ҳудуллар ҳаёти».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Умр дафтари». 2-қисм.
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ўзбекистон дурдоналари Парижда».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал.
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Икки тақдир». Телесериал.
23.55 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.20 «KINOMANIYA».
00.50 «Самарқанд — 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Янги кун».
03.10 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.25 «Чемпион сирлари».
03.45 «Ўзбекистон дурдоналари Парижда».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Наққош».
04.55 «Марғилон — 2000».
05.00 «Минг бир ривоят».
05.05 «Юсуф ва Зулайхо».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал.
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Аловуддин».
11.50 «ТВ-банк».
12.00 «ПУАРО». Сериал.
12.50 «Қонун ижроси».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». Ҳужжатли сериал.
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос».
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Ватанпарвар».
17.20 «Нафосат олами».
17.30 «Мўъжизавий дунё». Сериал.
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
18.35 «Газал мулки».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Эрта сўнган юлдузлар».
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «ПУАРО». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Капитан Зум».
11.05 «Аёл қалби».
11.40, 12.40, 20.15 «ТВ-юрист».
11.50 «Интервью».
12.00 «Саломат бўлинг».
12.10 «Туризм ҳақида».
12.50 «Кинг Конг». 1-я часть.
17.55 Мультфильм «Шумтакалар».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 Мир животных: «Как стать тигром». 2-я часть.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Эҳ, Фирдавс». Видеофильм.
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Кинг Конг». 2-я часть.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.35 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Мониторинг».
10.40 Қўл жанги. Жаҳон чемпионати якунлари.
11.10 Автоспорт.
11.30 Теннис. Уимблдон турнири.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.50 «Вокруг света».
19.35 Шахмат бўйича Осиё биринчилиги кундалиги.
19.45 «Спорт — менинг ҳаётим».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Футбол мундиал».
21.10 «Универсиада-2007» якунлари.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 На экране мелодрама: «Трудности перевода». Художественный фильм.
23.20 Футбол. «Копа Америка».
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

4 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 1. «Олтин тож». Телеўйин.
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.55 «ИИВ хабарлари».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Ҳаёт манзаралари».
11.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Самарқанд — 2750».
12.05 «Ягона оилада».
12.25 «Дунё манзаралари».
12.50 «Муҳаббат гўшаси».
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ўзбекистон дурдоналари Парижда».
15.25 «50/50». Ток-шоу.
16.15 «Олов — тилсиз ёв».
16.35 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
18.00 «Марғилон — 2000».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Она табиат инъомлари».
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Йўлдаги суҳбатлар».
22.05 «Муҳаббат гўшаси».
23.05 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Икки тақдир». Телесериал.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.15 «Она табиат инъомлари».
00.30 «Йўлдаги суҳбатлар».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Янги кун».
03.00 «Ватанпарвар».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Фаёзтепа».
04.55 «Марғилон — 2000».
05.00 «Минг бир ривоят».
05.05 Миллий сериал: «Юсуф ва Зулайхо».
05.35 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал.
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Сув париси-1».
11.30 «Нафосат олами».
11.40 «Бу қўллар» Ҳужжатли фильм.
12.00 «ПУАРО». Сериал.
12.50 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». Ҳужжатли сериал.
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос».
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Матонат».
16.35 «Меъёр соғлик гарови».
16.55 «Самарқанд — 2750 ёшда!»
17.00 «Бу шундай бўлган эди»
17.20 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Мурувват».
17.30 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «Истиқбол тимсоллари».
18.35 «Газал мулки».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Оқшом қўнғироқлари».
20.25 «Автопатруль».
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «ПУАРО». Сериал.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Таня ва икки мушкетёр».
10.45 «Ҳимоя».
11.00, 11.55, 20.15 «ТВ-юрист».
11.25 «Репортаж».
11.35 «Эҳ, Фирдавс». Видеофильм.
12.05 «Кинг Конг». 2-я часть.
17.55 Мультфильм «Шумтакалар».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 Мир животных.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «О'zbektelefilm» маҳсулоти: «Қушлар».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Принц и Я».
00.35 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.35 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 Аёллар футболи. Ўзбекистон чемпионати.
10.50 Автоспорт.
11.30 Теннис. Уимблдон турнири.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 Художественная гимнастика. Чемпионат Европы.
19.35 Шахмат бўйича Осиё биринчилиги кундалиги.
19.45 «Спортклуб».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Тақдир чизгилари».
21.15 «Универсиада-2007» якунлари.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Детективное кино: «Неуловимый». Художественный фильм.
23.15 Футбол. «Копа Америка».
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

5 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Кувноқ сехргарлик». Фильм.
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50 «Самарқанд — 2750».
11.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
12.30 «Она табиат инъомлари».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Оҳанрабо».
16.00 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.40 «Ҳаёт ва қонун».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Икки тақдир». Телесериал.
23.55-00.05 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.05 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Назм ва наво».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Янги кун».
03.10 «Ахборот» (инглиз тилида)
03.25 «Одамлардан бири».
03.45 «Ҳаёт манзаралари».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ҳикмат бешиги».
04.55 «Марғилон — 2000».
05.00 «Минг бир ривоят».
05.05 Миллий сериал: «Юсуф ва Зулайхо».
05.35 Тонги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал.
9.55 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Сув париси-2».
11.30 «Нафосат олами».
11.40 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
12.00 «ПУАРО». Сериал.
12.50 «Мурувват».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». Ҳужжатли сериал.
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Автопатруль».
16.35 «Таълим ва тараққиёт».
16.50 «Уйимдаги фаришта».
17.10 «Чемпион сирлари».
17.30 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «Сифат белгиси».
18.35 «Газал мулки».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «ПУАРО». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 «В поисках Немо».
11.00, 11.45, 20.15 «ТВ-юрист».
11.25 «Интервью».
11.35 «Муқаддас қадамжолар».
11.55 «Принц и Я».
17.55 Мультфильм «Шумтакалар».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Келажакка интилиб».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Принц и Я-2».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.35 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Жирафы: узы сосуществования».
10.45 Автоспорт.
11.25 Теннис. Уимблдон турнири.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 Художественная гимнастика. Чемпионат Европы.
19.35 Шахмат бўйича Осиё биринчилиги кундалиги.
19.45 «И красота, и вдохновенье».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 Формула-1.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Приключенческий экран:
«Герой». Художественный фильм.
23.30 Футбол. «Копа Америка».
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

6 ИЮЛЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 1. «Цирк, Цирк, Цирк».
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.40 «Табаррук замин».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Минг бир ривоят».
10.50 «Самарқанд — 2750».
11.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Ўлмас наволар».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45 «Зилол». Фольклор қўшиқлари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Шарқ тароналари».
15.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
16.20 «Меҳр кўзда».
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Саломатлик» дастури.
17.35 «Тарих кўзгуси».
17.55 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Зиё» студияси намойиш этади.
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муқаддас қадамжолар».
22.00 «Муҳаббат гўшаси».
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Икки тақдир». Телесериал премьераси.
23.55 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.05 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Денгиздан томчи».
00.45 «Шарқ тароналари».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Янги кун».
03.00 «Ўзбегим ёшлари — Малайзияда». 1-қисм.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Муқаддас қадамжолар».
04.55 «Марғилон — 2000».
05.00 «Минг бир ривоят».
05.05 Миллий сериал: «Юсуф ва Зулайхо».
05.40 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал.
9.55 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Қизиқувчан маймунча».
11.40 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
12.00 «ПУАРО». Сериал.
12.50 «Истиқбол тимсоллари».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». Ҳужжатли сериал.
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос».
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Интерфутбол».
17.50 «Тасвир ва таассурот». Эль Греко.
18.05 «Ўзбеккино» миллий агентлиги тақдим этади: «Самарқанд қоғози».
18.20 «Автопатруль».
18.35 «Газал мулки».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
20.10 «Ватаним!»
20.15 «Дунё таомлари».
20.35 «Оқшом қўнғироқлари».
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 Ҳинд киноси: «Жаноб-420». 1-қисм.
00.20 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Сехрли сандиқ».
9.50, 12.40 «ТВ-юрист».
10.05 Кино: «Зулматни тарк этиб».
11.25 «Интервью».
11.40 «Истеъдод».
12.45 «Бэмби-2». Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Загадочная земля».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Угнать за 60 секунд».
00.40 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.35 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Ринг».
10.50 «Спорт салтанати».
11.10 Теннис. Уимблдон турнири.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 Шахмат бўйича Осиё биринчилиги кундалиги.
21.00 Академическая гребля. Кубок мира.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Антена слушает».
22.35 Енгил атлетика. Гран-при.
23.15 На экране мелодрама: «Хороший год». Художественный фильм.
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

7 ИЮЛЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Шифокор қабулида».
9.20 «Ҳидоят сари».
9.40 1. «Чинсэн». 2. «Маўрит».
10.20 «Уч бека». Телесериал.
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Интеллектуал ринг».
12.50 «Муҳаббат гўшаси».
13.45 «Дил таронаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Аршин мол-олон». Фильм.
15.40 «Меҳр кўзда».
16.20 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.15 «Ўзбегим ёшлари — Малайзияда». 1-қисм.
18.15 «Оҳанглар оғушида».
18.25 «Саломатлик сирлари».
18.45 С. Зуннунова. «Келин». Теленовелла.
19.15 «Сутурта оламида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Самарқанд ҳақида қўшиқлар».
22.00 «КиноТеатр».
22.25 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.35 «Юнонча тўй». Бадиий фильм.
23.55 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 ТВ-анонс.
00.10 «Оҳанрабо».
00.50 «Самарқанд — 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
03.00 «Ўзбегим ёшлари — Малайзияда». 2-қисм.
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ-анонс.
04.35 Миллий кино: «Темир хотин». 1-қисм.
05.35 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал.
9.55 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Уч мушкетёр».
11.40 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
12.00 «Кўзгу». Ҳажвий дастур.
12.20 «Ўзбеккино» миллий агентлиги тақдим этади: «Мўжизанинг яралиши».
12.30 «Автопатруль».
12.45 «Матонат».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». Ҳужжатли сериал.
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос».
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Интергутбол».
17.50 «Айланай»
18.10 «Йўллар ва таассуротлар».
18.25 «Каталог».
18.35 «Газал мулки».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Эверест». Интеллектуал Ўйин.
20.10 «Дилроз». Мусиқий дастур.
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.40 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
21.50 «Оқшом қўнғироқлари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 Ҳинд киноси: «Жаноб-420». 2-қисм.
00.20 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Бэмби». Мультфильм.
10.55, 12.50, 20.15 «ТВ-юрист».
11.00 «Маърифат фидойилари».
11.15 «Саломат бўлинг».
11.25 «Нима учун?»
12.30 «Репортаж».
12.40 «Афиша».
13.00 «Угнать за 60 секунд».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Загадочная земля». Научно-популярный фильм. 2-я часть.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Истеъдод».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Мистер Бин на отдыхе».
00.10 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.10 «Смак».
9.55 «Маҳалламиз паҳловонлари».
10.25 Нокаут.
10.45 Шахмат бўйича Осиё биринчилиги кундалиги.
10.55 Теннис. Уимблдон турнири.
12.55 «Рондо». Шоу-программа.
13.40 «Жаҳон спорти юлдузлари».
14.00 «Дув-дув гап». Шоу-дастури.
17.00 Футбол. Осиё кубоги
17.30 Футбол Осиё кубоги. Таиланд — Ироқ. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
19.30 «Военное дело».
19.50 «Мусиқий тайм».
20.10 «Файзли оилона».
20.35 «В яблочко».
20.50 «Фоторевю».
21.05 «Звездный матч».
21.20 «Семейный досуг».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Розыгрыш».
22.50 SMS-РИНГ.
23.20 SMS-комедия.
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

8 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.45 «Менинг содиқ дўстим». Бадиий фильм.
10.10 «Саломатлик сирлари».
10.30 «Уч бека». Телесериал.
11.05 ТВ-анонс.
11.10 «Оҳанрабо».
11.50 «Учрашув». Видеофильм.
12.50 «Саёҳатга марҳабо».
13.10 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.35 ТВ-анонс.
14.40 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.45 «Олдин ҳақиқатлар». Ток-шоу.
16.35 «Шарқ тароналари».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.20 «Ўзбегим ёшлари — Малайзияда». 2-қисм.
18.20 «Одами эрсанг»
18.40 «Оҳанглар оғушида».
18.50 «Денгиздан томчи».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «50/50». Ток-шоу.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ-анонс.
21.50 «Кўҳна оҳанглар».
22.05 «Заковат».
23.00 «Сен борсан». Бадиий фильм.
00.30 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.40 Кўрсатувлар дастури.
00.45 ТВ-анонс.
00.50 «Самарқанд — 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
02.15 «Халқ ўйинлари».
02.35 «Заковат».
03.30 «Кўҳна оҳанглар».
03.50 «Марғилон — 2000».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур.
04.40 ТВ-анонс.
04.45 Миллий кино: «Темир хотин». 2-қисм.
05.50 Тонги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 Миллий кино: «Ўйин».
8.10 «Дунё таомлари».
8.30 «Болалар давраси».
9.00 «Якшанба нонуштаси».
9.20 «Зерда

ҲУМО – НУРЛИ ИСТИҚБОЛИМИЗ ОРЗУЛАРИ

(2 июлда давлатимиз герби қабул қилинганига 15 йил тўлади)

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, биз фуқароларнинг ғуруримизни, ифтихоримизни тарбиялашда давлат рамзларининг ўрни беқиёсдир. Президентимиз Ислом Каримов бу борада шундай дейди: **«Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир».**

Гербимизда гуллаган водий узра чарақлаб турган қуёш тасвири акс этиб турганига эътибор билан қаранг. Кўзни қувнатади, дилни яйратади. Бу осмонимиз беғубор эканлигига, юртда қуёшдек сахий, қалблари эзгулик нурлари билан йўғрилган инсонлар яшашига ишора.

Олтиндек товланиб турган буғдой бошоқларига қараб, бунинг замирида эл-юрт фаровонлиги, тўкинлиги, ободонлигига ишора борлигини англайсиз. Маълумки, истиқлолнинг илк давриданоқ олдимизга ғалла мустақиллигига эришишдек устувор мақсад қўйганмиз. Юртимизда тўкин-сочинлик, фаровонликни таъминлаш йўлида муҳим қадамлар ташлаганмиз. Тўғри-да, ўз ғалласига, ўз нонига эга бўлган миллат бировга қараб қолмайди, кимларгадир қарам бўлмайди. Бугун бу борадаги ишларимиз ўз самарасини бериб, том маънода ғалла мустақиллигига эришдик. Ўзбекнинг ўз ғалласи, ўз нони бор. Ҳатто, хорижга экспорт ҳам қилмоқда. Гербимиздаги буғдой бошоқларига қараб, шулар хаёлдан ўтади. Аниқроғи, гербимизнинг устувор мақсадлар сари бизни руҳлантириб турган бир маёқ эканлиги.

Гербнинг сўл томонида очилган пахта чаноқлари суратини яхши биласиз. Тўғри, пахта миллий бойлигимиз эканлиги рост. Ўзбекистон пахтаси сифат жиҳатдан дунёда етакчи ўринда эканлиги ҳам. Буғдой ва пахта чамбарагига қараб туриб, элимизнинг меҳнатсеварлиги, юртимиз ҳатто тошда ҳам гул ундиришга қодир қўли гул бободеҳқонлар, бунёдкорлар замини эканлиги хаёлга келади. Бу тимсолларга қалб кўзи билан боқар экансиз, кўнгилда фахр, ғурур туйғулари жўш уради.

Гербимизнинг юқори қисмидаги саккиз қиррали юлдуз тасвирига эътибор беринг. Кўнглингиздан нималардир кечди, тўғрими? Шуни айтиш лозимки, бу жипслигимиз, аҳиллигимизга ишора. Юртда барча миллат ва элатлар аҳил ва иноқ, бир оила фарзандларидек дўст-қадрдон эканлиги акс этиб турибди, унда. Саккиз қирра ичида жойлашган ярим ой ва юлдуз мусулмонларнинг қутлуғ рамзи эканлигини эса таъкидлаб ўтиришимизга ҳожат бўлмаса керак.



Мақоламиз аввалидаёқ Ҳумо қушига эътибор қаратдик. Табиийки, миллий рамзимиз марказида қанотларини ёйиб турган Ҳумо қуши ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бир куни тўққиз яшар ўғлим Шерзод савол бериб қолди: «Дада, бизнинг уйга ҳам Ҳумо қуши келадими?». Болаларча самимият, соддадиллик билан берилган савол анча ўйлантириб қўйди. «Билсанг, Ҳумо сенинг, менинг эзгу орзуларимиз, ниятларимиз. Сен яхши ўқисанг, халқ учун, юрт учун керакли одам бўлсанг, шунинг ўзи Ҳумо қуши уйимизга келгани, бошимизга қўнгани бўлади».

Болаларча тафаккурига Ҳумо қушининг кенгроқ мазмун-моҳиятини бошқача қилиб сингдиришга жазм қилмадим. Ўсиб, улғайгач, юртига, халқига меҳр-муҳаббат билан вояга етгач, бу рамз замирида элимизнинг олижаноблиги, фидойилиги, серҳимматлиги, қолаверса, тинчликка, бахт-саодатга, нурли истиқболга, фаровон ҳаётга интилган халқимизнинг орзу-умидларига бўлган интилишлари акс этганини англаб олади. Тўғри, Ҳумо қуши афсонавий. Бироқ афсонани ҳақиқатга айлантира оладиган бунёдкор халқимиз борлигини, орзу-мақсадлари борлигини билиб олади. Ахир, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва бахтли бўлишлари учун ҳаракат қиляпмиз-да.

Гербимизнинг пастки қисмидаги давлатимиз байроғини ифодаловчи 3 рангдаги чамбар бандига «Ўзбекистон» сўзи битилганини яхши биласиз. Мустақил юртимиз номига кўзимиз тушгани ҳамоно янада ғурурланамиз, фахрланамиз.

ГЕРБИМИЗДА ГУЛЛАГАН ВОДИЙ УЗРА ЧАРАҚЛАБ ТУРГАН ҚУЁШ ТАСВИРИ АКС ЭТИБ ТУРГАНИГА ЭЪТИБОР БИЛАН ҚАРАНГ. КЎЗНИ ҚУВНАТАДИ, ДИЛНИ ЯЙРАТАДИ. БУ ОСМОНИМИЗ БЕҒУБОР ЭКАНЛИГИГА, ЮРТДА ҚУЁШДЕК САХИЙ, ҚАЛБЛАРИ ЭЗГУЛИК НУРЛАРИ БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН ИНСОНЛАР ЯШАШИГА ИШОРА.

Ҳар бир давлатнинг рамзлари ўзининг тарихий негизларига эга. Байроқ, герб ва бошқа давлат рамзлари қадим-қадимдан мавжуд бўлган. Немисча «эрбо» сўзидан олинган герб шоҳлар ва ҳукмдорларга давлат, сарҳад, ҳудуд ва бошқа наслдан-наслга мерос қолувчи мулк белгисини англатган. Тарихимиз шундан далолат берадики, бундан 2500 йилча муқаддам Эрондан Олтойгача чўзилган улкан сарҳадда турк ҳоқони Ўғузхон ҳукм сурган. У ўз даврида «тамға»га асос солиб, бу айнан бугунги гербнинг маъносини англатган. XII асрнинг машҳур муаррихи Рашиддидин Ҳамадоний бу ҳақда ўзининг «Танланган тарихлар» номли китобида гувоҳлик берган.

Шу ўринда бир савол туғилади. Рамзларга бўлган муҳаббат, садоқат нима беради? Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, фахр ва ифтихор тимсолларига бўлган энг сара туйғуларимиздан ёки ана шу ҳаётбахш муҳаббатимиздан мустақил юрт ва миллат боқийлиги қувват олади. Ана, унинг кучи нимада.

Ҳарбийларнинг бош кийими бўлган фуражка, кепкаларда гербимиз рамзи акс этган. Демак, она юрт ҳимоячилари бу қутлуғ рамзини бошлари узра кўтариб юрибди, дейишга ҳақлимиз. Юрт ҳимоячиси унинг рамзларининг ҳам ҳимоячиси эканлигига ишора бор, бунда.

Ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ижтимоий-сиёсий ўқув хоналарига кирсангиз, рамзларимиз тасвири акс эттирилган плакатларни кўрасиз. Рамзлар юрт ҳимоячиларининг қалбларига Ватанга муҳаббат бўлиб сингдирилади.

Юртимиз спортчилари, ҳарбий спортчиларимиз гербимиз, байроғимиз рамзи акс этган кийимларда майдонга чиқишган-да, киши фахрланиши, ғурурланишини айтмайсизми. Таъбир жоиз бўлса, ўша либосда беллашувга чиққан спортчи шу Ватан, шу миллат шаъни учун курашаётганини англаб, қалби ғурур, ифтихорга тўлади. Бундан куч олади.

Пировардида шуни айтмоқчи эдим: тўғри, рамзлар фахримиз, ғуруримиз манбаи. Аммо нафақат улар билан фахрланишимиз ёки ғурурланишимиз, балки рамзларимизга муносиб бўлишимиз даркор.

Майор Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ахборот коммуникация ҳамда инновацион технологияларни ҳаётга татбиқ этишни янада кенгайтириш, юксак технологияларни ижтимоий ҳаётимизга жорий қилиш, жамиятни ахборотлаштириш ва мазкур соҳа бўйича малакали мутахассисларни етиштириш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган дек долзарб вазифалардан ҳисобланади. Табиийки, бунда ҳарбий таълимни моделлаштириш, симуляция ва бошқа замонавий усул-услублар билан бойитишга ҳам улкан аҳамият берилмоқда.

Бинобарин, Президентимизнинг 2002 йил 30 майда қабул қилган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2005 йил 2 июнда қабул қилинган «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Айни пайтда юртимиздаги қатор олий ўқув юртларида бўлгани каби ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган билим масканларида ҳам махсус мутахассисликлар қатори ахборот технологиялари бўйича малакали кадрларни тайёрлашга ҳам устувор аҳамият берилмоқда.

Умуман олганда 21 асримизни ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, бошқа олий ўқув даргоҳлари каби ҳарбий билим муассасаларида ҳам ўқув юртлари фаолияти ва ўқув жараёнини автоматлаштиришни таъминлашда ахборотларни қабул қилиш, йиғиш, сақлаш ва улардан унумли фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Зеро, Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларида бу борада янги дарсликлар яратиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш масаласига чуқур эътибор қаратган.

Шу муносабат билан ҳарбий ўқув муассасалари фаолиятида ахборотлаштириш тизимини татбиқ қилиш ҳозирги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Ахборотлаштириш компьютер техникаси билан таъминланиш, ахборотлар билан ишлаш фаолияти жараёнларини автоматлаштиришга қаратилган амалий-дастурий таъминотни яратиш ва татбиқ қилиш, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнларини ташкил қилиш каби йўналишлардан иборат.

Қувонарлиси шундаки, ҳозирги кунда ҳарбий таълим муассасаларида компьютерлар билан таъминланиш аъло даражада бўлиб, уларда локал тармоққа эга бўлган махсус компьютер синфлари иш юритмоқда. Бу синфларда фанлар бўйича машғулотлар ва тингловчиларнинг билимини баҳолаш учун тест синовлари ўтказилади. Барча фанлардан тест саволлари ишлаб чиқилган. Кафедралар ўқитувчилари томонидан маъруза матнлари ва бошқа ўқув-услубий ҳужжатларни электрон версияларини тайёрлаш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга ошириляпти.

Ҳозирги кунда таълим жараёнига интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири шу вақтгача анъанавий таълимда талабалар фақат тайёр билимларни ўрганишга йўналтирилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимлари доирасида изланишга, мустақил ўрганиб таҳлил қилишига, ҳатто, хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатмоқда.

Бугунги кунда фанлар бўйича электрон китоблар тайёрлаш борасида компьютер дастури қобиғи яратилди. Дастурга маъруза матнларини киритиш, уларни ўрганиш ва ўз билимини синаб кўриш учун тест назорати саволларидан фойдаланиш имкониятларини беради. Шу сабабдан фанлар бўйича электрон китоблар яратиш ишлари 2 та босқичда амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда барча фанлардан маъруза матнлари кафедралар ўқитувчилари томонидан компьютерда тайёрланиб, сўнгра махсус гуруҳ ёрдамида дастурга киритилди. Бу босқич ишлари якунланди. Шу кунларда иккинчи босқич бўйича, яъни фанлар бўйича тест саволларини киритиш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, барча кафедраларда фанлардан лаборатория машғулотларини ўтказиш бўйича виртуал лаборатория компьютер дастурлари яратилган бўлиб, тингловчилар компьютер синфларида лаборатория топшириқларини бажармоқдалар.

Локал тармоқ яратиш бўйича ишлар кенг йўлга қўйилди. Келгусида маълумотлар узатиш ва алмашиш учун бошқа билим масканлари билан боғловчи умумий тармоқ яратишда мавжуд телефон тармоқлари бўйича модем алоқаси орқали серверларга масофали киришни амалга ошириш режалаштирилган.

Олий ўқув муассасалари раҳбарияти ва компьютерлаштириш бўйича масъул ходимлар томонидан ҳарбийлаштирилган ўқув юртларида 2005–2010 йилларга мўлжалланган компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ қилиш Дастури ишлаб чиқилди ва ўқув юртлари Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланди.

Дастурда асосий мақсад ва вазифалар, олий ўқув юртларида мавжуд компьютерлаштириш ҳолатининг таҳлили ва информацион-коммуникация технологияларини татбиқ қилишнинг асосий йўналишлари, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиб, автоматлаштирилиши лозим бўлган масалалар ҳамда уларни ишлаб чиқиш муддатлари келтирилган.

Ахборот технологияларини ўқув жараёнига кенг тарғиб қилиш билан таълимнинг инновацион технологиялари – масофавий таълим, интерфаол усуллар ёрдамида тингловчиларнинг машғулотлардаги фаоллигини ошириш, амалиётни ўқув тизимидан ажралмаган ҳолда олиб бориш имкониятини ҳамда интернет тармоғидан бемалол ишлаш кўникмаларини ўзлаштиришини, шунингдек, халқаро миқёсда рақобатдош мутахассис-кадрлар бўлиб камол топишларини таъмин этади.

Подполковник Бахтиёр ВАҲАБОВ, физика-математика фанлари номзоди. Катта лейтенант Ўктам ХОЛИҚОВ.



МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

Халқимизнинг гўзал маънавий қадриятлари илдизи қадимга бориб тақалади. Шўро тузумининг тазйиқлари ҳам авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятимиз бўлган бадиий ижод анъаналарини чеклай олмади. Бугунги кунда маданий меросимиз сарчашмаларини янада ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шундай деган эди: **«Биз маънавий қадриятларимизни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқимизнинг маънавий сарчашмаларга, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён, деб ҳисоблаймиз».**

Юртимизда барча жабҳаларда бўлгани каби маънавиятда ҳам кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Маданий меросни ўрганиш ва тиклаш учун улкан ишлар олиб борилмоқда. Шу кунга қадар сақланиб келаётган халқ амалий санъатининг нодир намуналари ҳамон дунё аҳлини ҳайратга солади. Амалий санъат асарлари ва буюмлари кўз билан кўриш, ҳис этиш ва англашга мўлжалланган. Улар инсоннинг моддий муҳитини гўзаллаштиришга, эстетик бойитишга хизмат қилади. Айни пайтда ўзининг кўриниши, тузилиши, хусусиятлари билан инсоннинг руҳий ҳолати, кайфиятига таъсир этади, бадиий қиммати бўлгани сабаб юксак қадрланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач халқ амалий санъати турлари янада гуркираб ривожланди. Бунда, албатта унинг қадим илдизлари, ҳамон юртимизга кўрк ва чирой бағишлаб турган осмонўпар осори-атиқаларимиз илҳомбахш куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Истиқлол йилларида буюк шижоатлар яратилди. Муқаддас зиёратгоҳимизга айланган имом Бухорий, Ал-Фарғоний, Ҳасти имом мажмуалари миллий ҳунармандчилигимизнинг энг гўзал анъана ва услубларини ўзида акс эттириб, қалбларимизни ғурур ҳисларига тўлдириб, файзли юртимиз чиройига чирой қўшиб турибди.

Амалий санъат кундан кунга янада сайқалланиб, янада ёрқинлашиб бормоқда. Демак унинг тарбиявий аҳамияти ҳам шу қадар ёркин ва беқиёсдир. Миллий ҳунармандчилигимиз маҳсули бўлган биргина дўппида минг бир ҳикматни ўқиш мумкин.

Халқ амалий санъатини ривожлантириш, унинг унутилган турларини қайта тиклаш ва тараққий эттириш учун олиб борилган ишлар ўз самарасини кўрсатди. Кулоллик, кандакорлик, тош, ёғоч, ганч ўймакорлиги, наққошлик ва заргарлик санъати, гиламчилик каби халқ ҳунармандчилиги турлари йигирмадан ошиб кетди. Булар барчаси инсон ички оламининг, руҳият оламининг янада гўзаллашувига, камол топишига беназир ҳисса қўшади.

Холмат САМАДОВ, ТДИУ доценти.

БАРҚАРОР ВАЛЮТАМИЗ – БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТИМИЗДАН

(1 июль – сўм муомалага киритилган кун)

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз даставвал сиёсий мустақилликка эришдик. Мустақилликни эса иқтисодий асослар билан мустаҳкамлашни давр биздан талаб қиларди. Бу хусусда Президентимиз ўша мураккаб даврда тўғри йўл кўрсатиб, шундай деганди: «Мустақилликнинг иқтисодий асосларини бир кунда яратиб бўлмайди. Иқтисодий мустақилликка эришиш учун, аввалambор хом ашё базаларимизни, саноатимизни, қазилма бойликларимизни, мавжуд салоҳиятимизни ишга солишимиз керак. Токи халқ хўжалигимиз мустақил тарзда узлуксиз ишлай олсин». Дарҳақиқат, бу борада Президентимиз, давлатимиз раҳбарияти пухта ўйланган сиёсат юритди. Чунки ўша мураккаб бир даврда гап миллий валютамизни дарҳол мумалага чиқаришда эмасди. Ахир, барқарор иқтисодиётимизни йўлга солмасдан, чет мамлакатлар билан муносабатларимизни кўриб чиқмасдан, республикамиздан ташқарига чиқадиган ва олиб келинадиган маҳсулотларнинг мувозанатини, нисбатини инобатга олмасдан пулимизни муомалага чиқариб бўлмасди.

БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, СЎМ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ БИЛАН ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ЖАВОБ БЕРУВЧИ МОЛИЯВИЙ ПУЛ-КРЕДИТ ВА УМУМАН, ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИМИЗНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АНИҚ МЕХАНИЗМИ ВУЖУДГА КЕЛДИ.

Ниҳоят, 1994 йилнинг 16 июнида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида» ги Фармони эълон қилинди. Мазкур муҳим тарихий ҳужжатга асосан 1994 йилнинг 1 июлидан эътиборан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўм, 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўм бўлган банк қоғоз пуллари (банкнотлар) ва 1, 3, 5, 10, 25, 50 тийин бўлган металл тангалар ҳолида муомалага чиқарилди. 1997 йил 1 мартдан 200 сўмлик, 2000 йил 1 июлдан 500 сўмлик, 2001 йил 1 сентябрдан 1000 сўмлик банкнотлар чиқарила бошланди.

Бир сўз билан айтганда, сўм жорий қилиниши билан халқимиз манфаатларига жавоб берувчи молиявий пул-кредит ва умуман, иқтисодий сиёсатимизни амалга оширишнинг аниқ механизми вужудга келди. Мана, шу тарихий воқеага ҳам 13 йил бўлаяпти.

Ҳа, баралла айта оламизки, 1994 йилнинг 1 июлидан республикамиз ҳаётида, иқтисодий ислоҳотларимизни ривожлантириш соҳасида янги бир босқич бошланди. Миллий ғуруримиз, давлатимиз мустақиллиги рамзи бўлган сўм – юксак қадр-қиммат ва куч-қувватга эга миллий валютамиз муомалага киритилди. Таъбир жоиз бўлса, юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Рақобатга бардошли маҳсулотларимизнинг, тегишли захираларимизнинг етарлилиги, халқимизнинг яратувчанлиги, бунёдкорлиги билан эришилди.

Навбатдаги устувор вазифа миллий валютамиз бўлган сўмимизнинг барқарорлиги ва эркин муомаласини таъминлашдан иборат эди. Бунинг учун ҳукуматимиз тўртта дастур қабул қилди.

Биринчидан, сўмнинг харид қувватини ошириш учун бозорларимиз харидоргир маҳсулотлар билан тўлдирилиши керак эди. Бу халқимиз эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўладиган ўз маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришимизни тақозо этарди. Юртбошимиз, давлатимиз раҳбарияти мазкур йўналишда оқилона сиёсат юритиши натижасида мамлакатимизда халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳар томонлама ёрдам берилиб, улар сармоялар, хом ашё ва кредитлар билан ўз вақтида таъминланди. Натижада йилдан-йилга истеъмол товарлари ишлаб чиқариш мамлакатимизда шаклланди. Бу табиийки, сўмимиз қувватини, қудратини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Иккинчидан, экспорт салоҳиятимизни ривожлантириш, демакки жаҳон бозорларида ўз ўрнимизга, мавқеимизга эга бўлишимиз керак эди. Дунё бозорига чиқиш учун ўз навбатида рақобатбардош маҳсулот талаб қилинади. Рақобатга бардошли маҳсулот эса Ўзбекистонга қатъий валюта олиб киради. Демак, хазинамиз тўлиб боради. Бугун «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан дунё бозорини забт этаётган харидоргир маҳсулотларимиз, уларни ишлаб чиқараётган корхоналаримиз билан ҳар қанча фахрланар, ғурурланар эканмиз, бу йўлда илк қадамларимиз тўғри бўлганини ҳис қиламиз.

Учинчидан, молия-кредит сиёсатини изчил ўтказишни давр биздан талаб қилди. Бу молиявий қувватларимиздан оқилона фойдаланишни, халқ хўжалигига сарфланажак ҳар бир сўмимиз эртанги кунимиз, порлоқ истиқболимиз учун хизмат қилиши лозимлигини тақозо этарди.

Тўртинчи, энг муҳим масала ички бозоримиздаги истеъмол товарлари ва муомаладаги нақд пул ҳажмининг мутаносиблигини таъминлаш эди. Энг муҳим, дейишимизга сабаб бу пулимиз қадрини сақлаш ва кучайтиришнинг муҳим мезони эди-да. Ана шу йўл билан инфляцияга қарши курашдик.

Хуллас, бу борада олиб борилган изчил сиёсат пул ҳажми ўсишига нисбатан ички бозоримиздаги моллар ва пуллик хизматлар ҳажмининг ортишини таъмин этди. Буларнинг самарасини кўриб, билиб турибмиз. Миллий валютамиз бугун ўз мустаҳкам қадри, қуввати, кучига эга.

Шу ўринда «сўм» сўзининг луғатимизга кириб келиши борасида ҳам бироз тўхталсак. Маълум бўлишича, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида «сўм» пул солинган қопча маъносида ишлатилган. Ўн тўртинчи асрда Олтин Ўрда хонлигида сўм оғирлик бирлиги ҳисобланиб, муайян бирликдаги кумуш ёмбини ифодалаган.


Сўмимиз том маънодаги фахримиз, ғуруримиз. Дейлик, биргина унда акс этган рамзларни оладиган бўлсак, унинг бу борадаги аҳамиятини янада теран англаймиз. Ҳамкорликдаги машқлардан бирида хорижлик ҳамкасбимга саркарда бобомиз Жалолиддин Мангубердининг тасвири туширилган 25 сўмлик танга пулни совға қилдим. «Машҳур саркарда ҳақида ўқигандим. Лекин унинг тасвирини кўрмагандим», деди у чин дилдан миннатдорчилик билдирар экан. Мен ўз навбатида саркарда бобомиз ҳақида унга яна кўп-кўп маълумотларни, билганларимни сўзлаб бердим. Бундайин буюк аждодларим билан қанчалар фахрланишимни, ғурурланишимни билдирдим.

Ҳа, бугун иқтисодиётимиз барқарор–сўмимиз барқарор. Яъни миллий валютамиз ортида йилдан-йилга шаклланиб бораётган иқтисодиётимиз, экспорт салоҳиятимиз, изчил ривожланаётган халқ хўжалигимиз бор. Энг муҳими халқимизнинг яратувчанлик, бунёдкорлик руҳи бор. Сўмимизга, ундаги турли рамзлар, белгиларга қараб туриб, улар замиридан эзгу ниятларимиз, орзуларимизни уқаман. Демак, барқарор валютамиз бор, барқарор иқтисодиётимиз борки, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам.

Шерзод ТОЛМАСОВ.

Гиёҳвандлик – аср вабоси

«ҚОРА ОҒУ»ДАН САҚЛАНАЙЛИК



Гиёҳвандлик – жирканч иллат ҳақида маърузаларда, оммавий ахборот воситаларида гапирилиб, махсус ҳужжатли фильмлар тайёрланиб, ушбу касаллик билан хасталанганлар, оғу гирдобига тушиб қолганларнинг аянчли қисматлари одамларга намойиш этилиб келинмоқда. Аммо бу оғунинг қушандалари, унинг ноқонуний савдо-сотиғи билан шуғулланадиганлар сони озайгани йўқ. Тўғри, қора дорининг ноқонуний олди-бердисини амалга ошираётган шахсларга нисбатан чоралар кўриляпти.



Ҳа, жаҳон миқёсида глобал муаммога айланиб улгурган ушбу жирканч иллатга қарши кураш олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам 26-июнь – Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни деб, белгиланган. Бу борада республикамизда ҳам талайгина самарали ишлар амалга ошириляпти.

Республика ҳарбий прокуратураси ходимлари иштирокида Тошкент ҳарбий округидаги бир қатор ҳарбий қисмларда шу санага бағишланган «Гиёҳвандлик – аср вабоси» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

– Ушбу тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад, – дейди республика ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси адлия майори Бахтиёр Мирмаҳмудов. – Ватанимиз тинчлигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган юрт ҳимоячиларига гиёҳвандлик балосининг салбий оқибатлари, унинг жиноий иш эканлиги, оилага, жамиятга қанчалик зарар етказишини тушунтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборатдир.

Алоқачилар ҳарбий қисмида бўлиб ўтган йиғилишда ҳарбий прокуратура вакиллари, тиббиёт ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда қисм шахсий таркиби иштирок этишди. Республика ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси адлия подполковниги Ўктам Ҳамроев дунё миқёсида гиёҳвандликка қарши олиб борилаётган ишлар, жумладан, республикамизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари билан амалга оширилаётган тадбирлар хусусида тўхталиб ўтди. «Шарқ юлдузи» маҳалласининг нуроний онахони Шаҳноза Аманованинг «Ўғилларим, болаларим, сизлар юртнинг суянган, ишонган ўғлонларисиз, сизлар соғлом, бақувват, салоҳиятли бўлишларингиз керак. Гиёҳвандлик деган жирканч иллатдан ўзларингни асрашларинг зарур», дея таъкидлаган гаплари посбонларда катта таассурот қолдирди. Қисм тиббиёт хизмати бошлиғи офицер Баҳром Очилов ўз маърузасида ушбу иллатнинг келтириб чиқарадиган касалликлари, оқибатлари ҳақида тўхталиб ўтди. Йиғилиш савол-жавобларга бой баҳс-мунозаралар остида ўтди.


– Бугунги тадбир менда анча катта таассурот қолдирди, – дейди оддий Аскар Жўрабек Жўраев. – Гиёҳвандликнинг қандай салбий оқибатларга олиб келишини барчамиз яхши биламиз. Айрим пайтларда ён-атрофимиздаги айрим кимсаларнинг гиёҳвандлик таъсирига тушиб қолганини кўриб, кўз юмамиз. Бироқ унинг фақат ўзига эмас, балки бутун жамиятга етказаётган зарари тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ўйлайманки, бугунги ўтказилган тадбир бизга катта сабоқ бўлиб, бу иллатга қарши биргаликда курашишимизга туртки бўлади.

Худди шундай тадбирлардан бири Қоровул қўшинларига қарашли офицер Турғун Холиқов етакчилик қилаётган ҳарбий қисмда ҳам ўтказилди.

Келинг, ушбу оғуга қарши биргаликда, бир сафда туриб курашайлик. Фарзандларимизни заҳри қотил домига тушиб қолишдан асрайлик.

Нозим АҲРОРОВ.

ЯНГИ СИҲАТГОҲ



Ҳарбий қисм тиббий пунктлари, ҳарбий госпиталь ва тиббиёт муассасаларининг турли замонавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар, тиббий воситалар билан таъминланиши, муҳими, юрт посбонларига хизмат кўрсатувчи тиббиёт ходимларининг малакали кадрлардан иборат эканлиги ҳар биримизни қувонтиради. Жорий йилдан эътиборан эса, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари яқин орада фаолият кўрсатажак Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий санаториясида дам олишлари мумкин.

Айни пайтда ушбу масканда таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Дам олувчиларнинг мазмунли ва мароқли вақт ўтказиши, тўлақонли санитар-курорт даволаниши учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш йўлида тинмай меҳнат қилаётган соҳа мутахассислари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб бормоқдалар.

Аёнки, санитар-курорт даволаниш ҳарбий-хизматчилар соғлиғини сақлаш, мустаҳкамлаш ва тиклашга қаратилган чора-тадбирлар тизимининг муҳим бўғини саналади.

Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан қилинаётган юқоридаги сингари хайрли ва эзгу ишлар тимсолида, «Истиқлол ҳимоя йили» давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида энг аввало инсон омили, унинг манфаати ва қадриятига бўлган ғамхўрона муносабат акс этади.

Учқун САИДНАЗАРОВ.

Аср вабоси

МИНГ КАРРА АФЗАЛ

Фарғона гарнизонида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли республика ОИТВ/ОИТС маркази билан ҳамкорликда давра суҳбати шаклида ўтказилган семинар-тренингда мазкур ҳудудда жойлашган ҳарбий қисм ва муассасалар тиббий хизмат бошлиқлари, командирлар, тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосарларининг ёрдамчилари – ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари бошлиқлари, Мудофаа вазирлигининг Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси ходимлари иштирок этдилар.

– Халқимизда беморни даволагандан кўра, касалликнинг олдини олган минг карра афзал, деган пурмаъно мақол бор. Бу бежиз айтилган эмас, – деди республика ОИТВ/ОИТС маркази вакили, руҳшунос, педагогика фанлар номзоди, доцент Луқмон Казаков, – Асримиз вабоси бўлган ОИТСга чалинганлар сони жаҳон миқёсида камаймаяпти. Бугунги кунда миллионлаб кишилар иммун танқислиги вируси билан ҳаёт кечирмоқда. Бу касалликни даволаш жуда мушкул, бироқ олдини олиш, ундан сақланиш мумкин.

ОИТС – ретровирус гуруҳига мансуб вирус қўзғатадиган касаллик бўлиб, у икки давр: ОИТВ (одамнинг иммун танқислиги вируси) инфекцияси ва бевосита ОИТС даврига бўлинади. ОИТС ОИТВ инфекциясининг якуний даври ҳисобланади. Вирус билан организм ўртасидаги кураш узоқ давом этиб, вируснинг устунлиги билан тугайди. Шу вақтдан ОИТС даври бошланади. Бу даврда одам организми ҳар қандай микробга бардош бериш хусусиятини йўқотади. Жумладан, нафас, меъда-ичак, сийдик йўлларида доимо мавжуд бўлган ва касаллик қўзғата олмайдиган микроблар ҳам фаоллашиб, турли хасталикларни келтириб чиқариши мумкин.

Ушбу инфекция кенг тарқалган касалликлардан бири бўлгани учун муҳофаза тадбирлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа вакиллари иштирокида олиб борилиши лозим. Ҳар бир йигит-қиз бу инфекциянинг тарқалиш йўлларини, унинг қай ҳолатларда одам организмига юқишини, олдини оладиган тадбирлардан хабардор бўлиши ва ўзини ундан эҳтиёт қилиши, нафақат ўзининг, балки ён-атрофидагиларнинг ҳам муҳофазасини ўйлаши лозим.

– Ҳар қандай хасталикнинг олдини олиш, унга қарши кураш олиб борадиган киши маълум даражада билим ва тажрибага эга бўлмоғи даркор. Ушбу икки кун мобайнида бўлиб ўтган семинарда биз жуда кўп нарсаларни билиб олдик. Жойларда шахсий таркиб орасида ОИТСнинг олдини олиш бўйича иш олиб боришнинг самарали усул ва йўлларидан бохабар бўлдик. Бундай тадбирларнинг тегишли соҳа мутахассислари томонидан ўтказилаётгани бизга жуда маъқул бўлди, – дейишди семинар-тренинг қатнашчилари тиббий хизмат майори И.Эшматов, тиббий хизмат капитани Б.Тиллаев, тиббий хизмат лейтенанти У.Юсупов, тиббий хизмат кичик сержанти С.Жалилова, Қуролли Кучлар хизматчилари – О.Дўсматова, О.Мухторова, Ю.Фофурова, Ж.Мирзаева ва бошқа тиббий хизмат бошлиқлари, командирлар тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларнинг ёрдамчилари – ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари бошлиқлари.

Республика ОИТВ/ОИТС маркази ходимлари билан ҳамкорликда аср вабосининг олдини олишга йўналтирилган бундай сермазмун машғулотлар барча гарнизонларда ўтказилади ва уларнинг бесамара бўлмаслиги аниқ.

Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.

Диққат: янги кўрик-танлов

ОБОД ҲАРБИЙ ШАҲАРЧА

«Мудофаа вазирлигининг энг обод ҳарбий шаҳарчаси». Жорий этилган янги кўрик-танлов айнан шундай номланади.

Икки босқичли танловда Мудофаа вазирлигининг барча ҳарбий шаҳарчалари иштирок этади. Ҳарбий округлар миқёсида ўтказилувчи биринчи босқич голиблари квалификацион ҳайъат қарорига кўра, навбатдагисига йўл оладилар. Ҳар бир округдан биттадан номзод якуний босқичда иштирок этиб, даъвогарлар совринли ўринлар учун курашни давом эттирадилар.

Дарвоқе, кўрик-танловни ўтказиш Низомига кўра, кучли учталикка лойиқ топилган ҳарбий шаҳарчаларга тақдим этилувчи пул кўринишидаги совриннинг 60 фоизи қисм, бирлашмалар ишчи ва хизматчилари, мансабдор шахсларни рағбатлантиришга сарфланади.

Келинг, энди танлов шартлари, аниқроғи, ҳайъат аъзолари томонидан эътибор берилувчи асосий жиҳатларга тўхталиб ўтамиз.

Ҳарбий шаҳарча ҳудудининг ободонлаштирилиши, уй-жойдан фойдаланиш хизмати вакилларининг ўқитилиши ва махсус тайёргарлиги, ҳарбий қисм уй-жойдан фойдаланиш хизмати ишининг ташкил этилиши, ёнғин хавфсизлиги ҳолати ва ёнғинга қарши кураш ва қутқарув ишлари борасидаги чора-тадбирлар, бино ва маиший қурилмалардан техник фойдаланишнинг тўғрилиги, маиший хизматлардан оқилона фойдаланиш ва тежамкорлик тизимининг таъминланиши, моддий воситалар бутлиги устидан мавжуд назорат даражаси сингари омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Маълумки, илк бор ўтказилаётган ҳамда кейинчалик анъана тусини олувчи мазкур кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад ҳарбий шаҳарча аҳолиси турмуш тарзини янада яхшилаш, улар учун барча шарт-шароитлар ва қулайликлар яратиш, кўрсатилувчи маиший хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш, ҳарбий шаҳарча ҳудудида ободонлаштириш ишларини жадаллаштиришдир. Бу ҳам бўлса, ҳарбий хизматчилар ҳамда оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасига қаратилаётган катта эътибор намунаси.

Катта лейтенант Учқун САИДНАЗАРОВ.

Посбонлар маиший шароити йўлида

ТОЗАЛИК, ОЗОДАЛИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишлар ислоҳотлар давомида янада кучайтирилиб, давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифасига айланаётганини кўриб, билиб турибмиз. Жорий йилнинг 1 июлидан Мудофаа вазирининг буйруғи асосида кучга кирадиган ҳарбий хизматчиларга тинчлик даврида ҳаммом-кирхона хизмати кўрсатиш тўғрисидаги Низом ҳам ана шу мақсад, вазифалар йўлидаги навбатдаги қадамдир.

Таъкидлаш жоизки, бундан кўзланган мақсад ҳарбий хизматчиларга ҳаммом-кирхона хизмати кўрсатиш ишларининг сифатини янада яхшилаш, посбонларимизнинг маиший хизмат шарт-шароитларини замон талаблари асосида олиб боришдир.

Низомга асосан мазкур тизимга муҳим янгилик ва ўзгаришлар киритилган бўлиб, булар қўшинларда ҳарбий хизматчиларнинг маиший шароитларини қониқарли тарзда ташкил этиш, тана ва кийим-кечак тоза-озодалигини таъминлаш, турли тери касалликларнинг олдини олиш кабиларга қаратилган. Бир сўз билан айтганда, ҳарбийларга бу борада ўз вақтида ва тўлақонли хизмат кўрсатиш саломатликни сақлайди, демакки қўшинлар жанговар шайлигини таъминлайди.

Низом нафақат қўшинларда ҳаммом-кирхона хизмати кўрсатиш тартибини белгилайди, балки ҳарбий қисм, олий ҳарбий ўқув муассасалари, корхона, ташкилотлар, сафарбарлик чақируви резерви батальонларининг санитар-гигиеник воситалари билан сифатли таъминланишига муҳим асос бўлади.

Низомда мазкур хизматни таъмин этадиган орган ва мансабдор шахслар, Мудофаа вазирлигининг ҳаммом-кирхона корхонаси, жойларда ана шундайни маҳаллий корхоналар билан ҳамкорлик қилиш, шахсий таркибнинг ювиниш тартиби, ҳаммом-кирхона хизматига талаб қилинадиган санитар қоидалар, кирхонадаги технологик жараёнлар, ҳаммом-кирхона жиҳозлари, восита ва материаллари, бу борадаги сарф-харажатларни ҳисобга олиш тартиблари борасида батафсил қоидалар белгилаб берилган.

Таъкидлаш лозимки, жойларда мазкур Низом талабларига оғишмай риоя қилиш–маиший шарт-шароитларни янада яхшилаш посбонларнинг саломатликларини мустаҳкамлашга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, юрт ҳимоячиларида тозалик, озодалик билан боғлиқ одатларнинг янада шаклланишига хизмат қилади.

Толмас ҚУРБОНОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Взрыв в Багдаде

25 человек погибли, и более 40 получили ранения в Багдаде в результате взрыва. Как передает EFE, теракт был совершен в час пик, когда на автобусной остановке собралось множество людей. Окрестным зданиям нанесен серьезный ущерб, сгорели 40 припаркованных автомобилей. Одновременно минометный обстрел был зарегистрирован в одном из торговых районов в центре иракской столицы.



Нефть подорожала

После объявления еженедельного отчета о запасах углеводородов цена на сырую нефть на Нью-Йоркской товарно-сырьевой бирже (NYMEX) подорожала на 1,2 доллара (до 68,97 доллара за баррель) и, таким образом, почти отыграла зафиксированное накануне падение на 1,4 доллара за баррель. В ходе торговой сессии сделки заключались и по цене до 69,32 доллара за баррель.



Успешное летное испытание

Американское агентство по ПРО объявило об очередных успешных испытаниях одного из компонентов разрабатываемой системы противоракетной обороны – THAAD (Terminal High Altitude Area Defense). Главная цель испытания – проверка тактико-технических характеристик противоракеты «SM-3 Block IA». Учебная мишень в этом случае не применялась, сообщает ИТАР–ТАСС.



О столице Игр-2014

4 июля на 119-й сессии Международного олимпийского комитета в Гватемале пройдут выборы столицы зимних Олимпийских игр 2014 года, на которые претендуют Сочи, Зальцбург и Пьончанг. Согласно правилам МОК, для победы городу достаточно набрать 50 процентов голосов плюс еще один голос членов МОК. Если в первом туре это не удастся никому, город, набравший наименьшую сумму голосов, выбывает, и проводится второй тур голосования.



Снова «птичий грипп»

В Чехии зарегистрирован третий за неделю случай заражения вирусом «птичьего гриппа», опасного для человека. В Южной Моравии – местности, полной лесов и озер, где проводит лето множество перелетных птиц, под городом Леднице подобрали умершего черного лебедя, и лабораторные анализы показали, что он скончался от зловещей разновидности H5N1, опасной и для человека, сообщает ИТАР–ТАСС.



Цены на туры увеличатся в 2 раза

Предстоящая в следующем году летняя Олимпиада в Китае может сказаться на турпотоке в эту страну самым негативным образом, считает обозреватель ИС «Турпром». Может получиться так же, как в ситуации 2004 года в Греции, когда искусственный ажиотаж и неоправданно завышенные цены на отели резко уменьшили количество желающих посетить курорты этой страны. По информации опрошенных экспертов, отели Китая уже начали плавно повышать свои цены.



Раритет не прошел техосмотр

Автомобиль шведа Йоргена Даниельссона пришлось отвезти домой со станции техосмотра на машине техпомощи. Дело в том, что у этого коллекционного экземпляра марки «Orient Buckboard», выпущенного 101 год назад в США, отсутствуют габаритные огни, которые во времена его производства просто еще не были изобретены. А теперь они обязательны для всех транспортных средств. Поэтому проводившие техосмотр должностные лица «завернули» ветерана с формулировкой: «неисправность, не позволяющая транспортному средству самостоятельно передвигаться в автомобильном потоке», передает ИТАР–ТАСС.



Высота постройки 610 метров

Группа «Shelbourne Development Group, Inc.» объявила, что заключила контракт на строительство «Чикагского шпиля» – жилой башни высотой 610 метров. Строительство здания высотой в 150 этажей начнется в течение нескольких недель. Строительство подземной части фундамента будет завершено в первом квартале 2008 года. А завершено строительство будет в конце 2010 года. Продажи квартир и офисов в новом здании начнутся уже в сентябре 2007 года.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Армия спорти

ЖИСМОНАН ЧИНИҚАР ПОСБОН

Республикамизда спортни ривожлантириш, ёшларимиз орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга улкан эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг қанчадан-қанча спортчилари нуфузли спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, Ўзбекистон довруғини оламга ёйишмоқда.

Армия сафларида хизмат қилаётган посбонларнинг маҳорати ва жисмоний баркамоллигини оширишда, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда спортнинг ўрни ниҳоятда катта. Шу боис Қуролли Кучларимизда спортга катта эътибор берилиб, қисм ва бўлинмаларда спорт шаҳарчалари, спорт мажмуалари, замонавий тренажёр заллари бунёд этилган. Мақсад эса миллий армиямизда ҳар томонлама чиниққан, тобланган баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир.

Мудофаа вазирининг тегишли буйруғига биноан ҳарбий қисм ва бўлинмаларда «15-оммавий спорт ишлари кўриги» ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, офицер Нодир Ашуралиев етакчилик қилиб келаётган қисмида ҳам ушбу кўрик юқори савияда бошланди. Тадбирнинг тантанали очилиш маросимидан сўнг кўриктанловнинг 100 ва 1000 метрга югуриш, турникда тортилиш, чаққонлик машқлари бўйича баҳслар бошланиб кетди.

1 км.га ва 100 метрга югуриш ҳамда турникда тортилиш баҳсларида посбонлар муваффақиятли қатнашиб, жисмоний жиҳатдан анча етук эканликларини намойиш этишди. Офицерлар ўртасидаги муросасиз курашларда 1 км. масофага 3 минут 32 секундда етиб келган офицер Фарҳод Алиқулов етакчилик қилган бўлса, 100 метрга югуриш баҳсида офицер Фарруҳ Зиябоевнинг олдига тушадигани топилмади. У 12,10 секундда белгиланган масофага етиб келиб, сафдошларига ўрнак кўрсатди.

Сержантлар ўртасида бўлиб ўтган баҳсларда кичик командирлар янада муросасиз кураш олиб боришди. 1 км. масофани забт этишда шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Иқбол Ҳакимов, Жавлон Раҳмоновлар ғолиб топилган бўлса, 100 метрга югуриш баҳсида кичик командир Алишер Ҳакимов биринчи бўлиб белгиланган масофага етиб келди. Турникда тортилиш баҳсларида эса кичик сержант Абдураҳим Маханов 45 марта тортилиб, энг юқори натижани қайд этди. Оддий аскарлардан – Иқбол Камолов, Салмон Турдиев, Мансур Ўтанбоев, Иқбол Тожибоевлар беллашувларда юқори кўрсаткичларни қайд этишиб, сафдошларига ўрнак бўлишди.

– Биринчи босқичда ғолиб бўлган ҳарбий хизматчилар энди иккинчи босқичда баҳс юритишади, – дейди офицер Отабек Бебитов. – Посбонларнинг беллашувларда муваффақиятли иштирок этишида доимий тарзда ўтказилиб келинаётган жисмоний тайёргарлик машғулотларининг уюштирилиши анча ёрдам берди. Взвод ва гуруҳ посбонлари югуриш, эстафета, футбол, волейбол каби мусобақаларида куч синашиб, мунтазам равишда жисмоний жиҳатдан чиниқишмоқда.

Ҳа, спорт соғлиқ гарови. Соғлом посбон эса яхши фикрлайди, машғулотларни аъло даражада ўзлаштиради. Шунинг учун ҳар томонлама баркамол ёш авлодни, ишончли, юксак тайёргарликка эга бўлган ва жисмонан чиниққан Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга устувор эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилиб келинаётган «Оммавий спорт ишлари кўриги» мусобақалари муҳим ўрин тутади.

Ҳусниддин РАЖАБОВ.

Шижоати ғалабани таъминлайди

«МУСТАҚИЛЛИГИМИЗГА БАҒИШЛАЙМАН»



Галина ёшлигида отаси Алексей билан таэквондо клубига бориб, спортчиларнинг аренадаги гўзал ҳаракатларини томоша қиларкан, «Мен ҳам ушбу спорт тури билан шуғуллансам бўлмасмикан?», дея ўйлаб қолди. Таклифини ота-онасига айтганида оила бошлиқлари қизчани қўллаб-қувватлаб, пойтахтдаги 18-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига олиб боришди. Галина энди спорт ва дарсларни бирваракайига олиб борар, дарсдан бўш вақтида эса «Арион» клубига йўл оларди. Бу ерда унга тажрибали мураббий Юрий Шин таэквондо (WTF) бўйича сабоқ берарди. Клубдаги тенгқурларидан устунликка эришган ёш спортчи 1995 йил пойтахтда болалар ва қизлар ўртасида уюштирилган шаҳар биринчилиги мусобақасида имкониятларини синовдан ўтказди. Катта мусобақада татамига илк бора чиққан саккиз яшар қизчанинг ҳаяжони ичига сиғмасди. Кунсе баҳсларида у муросасиз беллашди ва мураббийнинг ишончини оқлади. Ахир Галина биринчи маротаба мусобақада қатнашаётганлигига қарамасдан ўзига ишонган ҳолда жанг олиб бориб 150 иштирокчи ичида иккинчи ўринни қўлга киритди. Жиддий машғулотлар қизалоқнинг маҳоратини янада шакллантирди. У 1997 ҳамда 1998 йиллар ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги таэквондо бўйича ўтказилган пойтахт биринчилиги баҳсларида ўз вазни тоифасида кетма-кет биринчи ўринга эга бўлди. 2002 йил эса у Тошкентда таэквондо бўйича уюштирилган республика турнирида биринчиликни қўлга киритиб, тенгқурлари ўртасида тенгсиз эканлигини исботлади. Галина 2003 йил Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клубига келгач, имкониятлари янада ортди. 2004 йилнинг ўзида Галина Қозоғистоннинг Олма-ота ҳамда Тожикистоннинг Турсунзода шаҳарларидаги халқаро турнирларда совринли ўринларни банд этиб, ўзбек таэквондо мактабининг анча тараққий этганлигини кўрсатган бўлса, ўша йил Жанубий Кореяда ўтказилган Хверанг фестивалида унга яна омад кулиб боқди. Фестиваль дастуридаги баҳсларда татамида баҳс юритган вакиламиз 3-ўринни қўлга киритди. 2006 йил бошида таэквондо бўйича Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида 47 килограмм вазн тоифасида баҳс олиб бориб олтин медальни қўлга киритди. Йилнинг сентябрь ойига келиб, у яна бир нуфузли мусобақа «CIZM», яъни ҳарбий аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионатида муносиб баҳс олиб бориб, Сеул татамисида таэквондо (WTF)нинг кумсе йўналиши бўйича ўз вазнида олтин медаль соҳибасига айланди. II дан қора белбоғ соҳибаси Галина Хан айни дамда армия спортининг умидли юлдузларидан бири сифатида тилга олинади. Ҳозирда халқаро ареналардаги жангларга қизғин тайёргарлик кўраётган армия спорти маликаси Галина Хан энг азиз ва энг улуғ байрамимиз бўлмиш мустақиллигимизнинг ўн олти йиллик тўйини ўзининг юқори кўрсаткичлари билан нишонлашга аҳд қилган.

Комилжон ҲАСАНОВ.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Республика Олимпия захиралари коллежида юнон-рум кураши бўйича ўтган мамлакат чемпионатида 150 нафар спортчи саккиз вазн тоифасида ғиламга чиқди.

Унда мезбонлардан Бобур Қурбонов, Хуршид Тўхтаев, Марказий ҳарбий спорт клуби аъзоси Жаҳонгир Мўминов, самарқандлик Рустам Синдоров, навоийлик Элдор Ҳафизов, бухоролик Тоймурод Турдиев, пойтахтлик Абдумалик Алиев ва Суҳбат Ҳожиев шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Эслатиб ўтамиз, юнон-рум курашчиларининг жорий йилда қатор нуфузли мусобақалари режалаштирилган. Жумладан, спортчиларимиз 6-8 июль кунлари Филиппиннинг Манила шаҳрида ёшлар ўртасида ўтадиган Осиё биринчилиги, 21-26 августда Пекинда жаҳон чемпионати ва 17-23 сентябрда Боку шаҳрида катталар ўртасида «Пекин – 2008» Олимпиадаси йўлланмаларини берадиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

●

Россияда тезкор шахмат – рапид бўйича ўтказилган халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Сербия ва Перудан келган спортчилар ғолиблик учун куч синашди.

Халқаро турнир қоидасига кўра, ҳар бир партия учун 25 дақиқадан вақт ажратилди. Унда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган гроссмейстеримиз Сергей Загребельний иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланди.

●

Шу йилнинг июль ойида Канаданинг Торонто шаҳрида футбол бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Унда ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Ирматов ва ФИФА рефериси ассистенти Абдуҳамид Расуловлар ҳам ҳакамлик қилишади.

Одатда, ФИФА ҳакамлари босқичма-босқич, аввал ўсмирлар, кейин ёшлар, ундан сўнг катталар ўртасидаги чемпионатларда қатнашишади. Равшан Ирматов 2003 йилда ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳакам сифатида иштирок этган. Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, у 2010 йилда ЖАРда ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилишига умид қилса бўлади.

●

Собиқ мутлақ жаҳон чемпиони россиялик Константин Цзю устидан ғалаба қозонган англиялик машҳур боксчи Рикки Хаттоннинг обрўси тобора ошиб бормоқда. У яқинда биринчи ярим ўрта вазн бўйича IBO йўналишида чемпионлик унвонига сазовор бўлди. Хаттон Лас-Вегас шаҳрида мексикалик Хосе Луис Кастильони нокаутга учратиб, кетмакет 43-ғалабага эришди. Ҳозир у қайси вазнда бўлишидан қатъи назар, машҳур Флойд Мейвезер билан учрашишни орзу қилмоқда.

●

Дортмунд шаҳрида кучли шахматчилар ўртасида анъанавий халқаро турнир бошланди. Мусобақада амалдаги жаҳон чемпиони Владимир Крамник билан жаҳон рейтинги бўйича етакчилардан саналган ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ҳам иштирок этмоқда. Ҳар иккала шаҳматчининг ўзаро учрашуви 35-юришга борганда томонларнинг розилиги билан дуранг бўлди. Мусобақада эса оқ доналарда биринчи учрашувни немис Аркадий Найдичга қарши ўтказган озарбайжонлик Шаҳриёр Мамадиёров ғалаба қозониб, пешқадам бўлиб турибди. Исроиллик Борис Гельфанд билан россиялик Евгений Алексеев, норвегиялик Магнус Карлсен билан венгер Петер Леко учрашувлари ҳам дуранг бўлди.

●

26–27 июнь кунлари олий лига жамоалари республика чемпионатининг биринчи даврасидаги сўнгги – 15 тур учрашувларини ўтказишди. Турнинг марказий учрашуви Тошкентдаги МҲСК стадионида чемпионат медалларига асосий даъвогарлардан, деб ҳисобланаётган маҳаллий «Қурувчи» ва Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Муросасиз баҳсларга бой бўлган ўйин 0:0 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланди.

Қолган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Пахтакор» – «Локомотив» – 4:0, «Насаф» – «Андижон» – 4:4, «Самарқанд-Д» – «Машъал» – 2:1, «Навбаҳор» – «Трактор» – 2:0, «Бухоро», – «Металлург» – 2:1, «Тўпаланг» – «Вобкент» – 0:0, «Қизилқум» – «Шўртан» – 1:2.

МАТОНАТГА ЧОРЛАР ЁШЛАРНИ





Пойтахтимиздаги энг кўркам спорт мажмуаларида бўлиб ўтган универсиада мусобақалари кўпчиликнинг диққат-эътиборида бўлди. Тўрт кун давомида бўлиб ўтган беллашувларда мамлакатимиз ёшлари орасидан янги-янги спорт юлдузларининг номи кашф қилинди, десак янглишмаган бўламиз. Ўн икки спорт тури бўйича ўтказилган мусобақаларнинг дастлабки куниданоқ пойтахтлик талаба ёшларнинг устунлиги яққол кўзга ташланди. Биргина кураш спорт турини оладиган бўлсак, етти вазн тоифасида ўтказилган беллашувларнинг 73, 90, 100, +100 кг. вазн тоифаларида мезбонлар олтин медалларни қўлга киритишиб рақибларига ҳеч қандай имкон қолдиришмади. Бу ерда 90 кг. вазнда ғиламга чиққан ҳарбий спортчимиз Рамзиддин Саидовнинг ғалабасини алоҳида таъкидламоқ лозим.

Хуллас, баскетбол, қўл тўпи, футбол, теннис, шахмат, сузиш, енгил атлетика, дзюдо каби спорт турларида ҳам пойтахтлик ёшлар муваффақиятли иштирок этиб умумжамоа ҳисобида 1-ўринга сазовор бўлишди. Умумий очколар ҳисобида ҳам 315 очко жамғарган пойтахтлик талаба ёшлар шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди. 211 очко жамғарган наманганлик ёшлар 2-ўринни қўлга киритишган бўлса, 204 очкога эга бўлган самарқандликлар 3-ўринга муносиб топилди.

Биз имкониятдан фойдаланиб «Универсиада» иштирокчиларини суҳбатга чорладик.

– Мусобақалар ниҳоятда қизиқарли бўлиб ўтди, – дейди Бухоро давлат университети талабаси Рашид Собиров. – Кураш мусобақаларида иштирок этиб олтин медални қўлга киритдим. Ниҳоятда хурсандман. Боз устига анча дўстлар ҳам орттирдим.

– «Универсиада» баҳонасида пойтахтда жуда кўплаб қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилибди, – дейди Андижон давлат университети талабаси Зарина Қобилова. – Буни кўриб роса қувондик. Қолаверса, беллашувлар ҳам юқори савияда ташкиллаштирилди. Ушбу мусобақада кўтарилмаган бўлсакда, бундан хафа бўлмадик. Биз иштирок этганимиздан хурсандмиз. Насиб қилса 2010 йилгача яхши тайёргарлик кўрсак, ғолибликни қўлга киритамиз.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида ғолиб жамоаларга Президент совғаси – «Дамас» автомобиллари ҳамда дипломлар топширилди. Маълумот ўрнида таъкидлаш керакки, 2010 йилда бўлиб ўтадиган «Универсиада» мусобақаларига Андижон шаҳри мезбонлик қилади.

Агнеш ҚУРБОНОВ.

Футбол. Осиё кубоги – 2007

ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Маълумки, шу йилнинг 7–29 июль кунлари илк маротаба бир йўла тўрт давлат – Таиланд, Индонезия, Малайзия ва Вьетнамда футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати (Осиё кубоги деб ҳам аталади) бўлиб ўтади. Мазкур мусобақада қитъамизнинг энг кучли 16 жамоаси тўрт гуруҳга бўлиниб, ғолиблик учун баҳс олиб боради. Ушбу нуфузли мусобақада 1996 йилдан бошлаб қатнашиб келаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси «С» гуруҳидан жой олган бўлиб, унда ҳамюртларимиз чорак финалга чиқиш учун Эрон, Хитой ва Малайзия футболчиларига қарши майдонга чиқадилар. Мазкур гуруҳ ўйинлари Малайзия яшил майдонларида ўтказилади.

Куни кеча терма жамоамиз бош мураббийи Рауф Инилеев Осиё чемпионати учрашувларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган футболчилар рўйхатини эълон қилди. Унга кўра асосий таркибдан 23 футболчи, захира таркибидан эса 7 футболчи ўрин олган. ОФКга тақдим этилган таркиб қуйидаги ўйинчилардан иборат: дарвозабонлар – П.Бугало («Қурувчи»), И.Нестеров («Пахтакор»), Ғ.Ҳасанов («Нефтчи»); ҳимоячилар – Х.Каримов, Б.Қораев (иккаласи «Машъал»дан), А.Алиқулов, А.Исмоилов («Пахтакор»), А.Николаев («Актобе», Қозоғистон), И.Иномов («Пахтакор»), В.Денисов («Днепр», Украина); ярим ҳимоячилар – А.Ибрагимов («Слован», Словения), А.Ҳайдаров («Локомотив»), С.Жепаров, Э.Магдеев, Т.Копадзе («Пахтакор»), М.Бикмаев («Рубин», Россия), Ҳ.Ҳошимов, М.Саидов, И.Акрамов («Нефтчи»); ҳужумчилар – П.Соломин («Сатурн», Россия), У.Бақоев («Тоболь», Қозоғистон), А.Гейнрих («Пахтакор»), М.Шацких («Динамо», Украина). Захира таркибига эса К.Тожиев, И.Суюнов, В.Карпенко, О.Аҳмедов, А.Фофуров, Ҳ.Каримов ва Ж.Ҳасановлар киритилган.

Таркибга назар ташлар эканмиз, мураббийлар ёшларга кўпроқ эътибор қаратишганига гувоҳ бўламиз. Тажрибали ҳимоячи А.Фёдоров Малайзиядек иқлими оғир мамлакатда тўп суриши қийинлигини билдириб, терма жамоа сафига киритмасликларини сўраган. Таркибдаги энг ёши катта футболчи П.Бугало бўлиб, у 33 ёшда. Энг кичиги эса В.Денисов – 20 ёшда. Терма жамоамизнинг ўртача ёши 25 ёшни ташкил этади.

Миллий терма жамоамиз Осиё чемпионати арафасидаги сўнгги йиғинга 28 июндан бошлаб тўпланади. Тошкентдаги ўқув машқларидан сўнг жамоа Жанубий Кореяга йўл олади ва у ерда 2 июль куни Ироқ терма жамоаси, 5 июль куни эса Жанубий Корея футболчилари билан ўртоқлик учрашувларини ўтказиши режалаштирилган. Шундан сўнг жамоамиз Малайзияга йўл олади ва Осиё кубоги баҳсларидаги дастлабки учрашувни 11 июль куни Эрон терма жамоасига қарши ўтказади.

Биз ҳам барча футбол мухлисларимиз номидан терма жамоамизга мазкур нуфузли мусобақада омад ёр бўлишини тилаймиз ва чиройли ғалабалар кутиб қоламиз.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Болалар спорти

УЛАР БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

«Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорнинг ижросини таъминлашда мамлакатимиздаги турли муассаса ва ташкилотлар билан бир қаторда Халқ таълими вазирлиги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бир қатор ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, юртимиздаги кўп болали ва кам таъминланган оила фарзандларини рағбатлантириш, ўқувчи-ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга жамғарма алоҳида эътибор бермоқда. Бундан ташқари «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, шунингдек, спорт билан шуғулланишини кенг йўлга қўйиш мақсадида турли хил спорт мусобақаларини ташкиллаштириш, айниқса, қизларни спорт кийимлари ва анжомлари билан бепул таъминлаш борасида ҳам муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

«Спорт» телерадиоканали давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ўртасида «Қувноқ стартлар» спорт мусобақалари йўлга қўйилган бўлиб, ушбу мусобақалар шу кунгача Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида бўлиб ўтди. Шунингдек, ногирон болалар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида, Махсус олимпия ташкилоти билан ҳамкорликда ақли заиф болалар таълим-тарбия олаётган махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари ўртасида енгил атлетика бўйича спорт мусобақалари ҳам муваффақиятли якунланди. Эътиборлиси, мазкур мусобақаларни ўтказишда нодавлат ташкилотлар ҳам ўз ҳомийлик кўмагини аяшмаяпти. «Спорт – саломатлик гарови» ҳаракатини ривожлантириш, аёллар ва болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида Тошкент шаҳридаги «Юғнакий» болалар спорт мажмуасида 140 нафардан ортиқ мактабгача таълим муассасалари ходимлари ўртасида спортнинг волейбол, стол тенниси ва эстафета турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.



Самарқанд шаҳрида ҳам бу борада кўплаб ижобий ишларга қўл урилмоқда. 62-сонли ногирон болалар махсус мактабида ҳамда «СОС Киндердорфф» болалар уйида хайрия тадбирлари ташкиллаштирилиб, жамғарма томонидан спорт анжомлари ва эсдалик совғаларининг топширилиши кемтик қалб эгаларининг қувончига-қувонч қўшди.

2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида жамғарма совринни учун турли хил спорт мусобақаларини ўтказиш ҳам кейинги пайтда анъанага айланиб бормоқда. Мисол учун Сурхондарё вилоятининг Узун, Навоий вилоятининг Хатирчи туманларида қишлоқ ёшларини, айниқса, қизларини спортга янада қизиқтириш мақсадида спортнинг футбол, волейбол, бадиий гимнастика, стол тенниси ва шахмат турлари бўйича мусобақалар ташкиллаштирилди.


Албатта, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

– Жамғарма томонидан ташкиллаштирилган ҳар қандай спорт мусобақалари борки, хоҳ шаҳарда, хоҳ энг чекка қишлоқда бўлсин, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг спорт билан шуғулланувчи фарзандлари тақдирланмай қолмайди, – дейди биз билан суҳбатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакили Анвар Мурсақулов.

Ҳа, жамғарма совринни учун ўтказилаётган спорт мусобақаси ғолиблари орасидан вақти келиб Ўзбекистон байроғини баланд кўтарувчи етук спортчилар етишиб чиқишига шубҳа йўқ. Муҳими бугун уларга тўғри йўл кўрсатиш ва эътибор бўлса кифоя.

Сейман НАЗАРОВ.

КОРТДА КУЧЛИЛАР САРАЛАНАР



Мамлакатимизда тез суръатда ривожланаётган спорт турларидан бири бўлмиш теннис кейинги пайтда кўпчилик ёшларни ўзига жалб этиб бормоқда. Ҳатто, ушбу спорт тури бўйича кўплаб юртдошларимиз халқаро ареналарда ҳам муваффақиятли қатнашиб келишаётир. Ёшлар ўртасида тажрибали спортчилар ортиб бораётганлиги боис, ҳар бир теннис мусобақалари ҳам муросасиз тарзда кечади. Мана, шундай кўтаринки руҳда бўлиб ўтган теннис мусобақалари сирасига Мудофаа вазирлиги спорт мажмуида ёшлар ўртасида бўлиб ўтган очиқ чемпионатни киритсак бўлади. 18 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида ташкиллаштирилган мазкур беллашувлар дастлабки кунданоқ қизғин паллага кирди. Турли ёш гуруҳлар орасида ўтказилган мусобақаларни кузатсак, ҳар бир учрашувда мамлакатимиз ёш ракеткачиларининг маҳорати яққол кўзга ташланарди.

Баҳслар ярим финалга борганда янада қизғин тус олди. 1995-1996 йилларда туғилган ўғил болалар ўртасида баҳсларда чемпионатнинг энг кучли иштирокчиларидан бири Аҳмед Муҳаммед Жамил ҳеч кимга имкон бермай олтин медални қўлга киритган бўлса, иккинчи ўринга пойтахтлик яна бир ёш ракетка устаси Л.Давутов муносиб топилди. 1997 йилда туғилган болалар беллашувида эса шоҳсупанинг энг юқори поғонаси Д.Смирновга насиб этди. 1992-1994 йилда туғилган болалар баҳсида эса ўзининг шиддаткор ўйинлари билан ажралиб турган ёш ракеткачиси Л.Акрамов биринчи ўринни қўлга киритди. 1989-1991 йилда туғилган ўсмирлар беллашувида эса бу ўрин Б.Сапаевга насиб этди.

Қизлар ўртасидаги учрашувлар ҳам анча муросасиз тарзда кечганлиги билан аҳамиятлидир. 1989-94 йилда туғилган қизлар ўртасида бирин-кетин рақибларини доғда қолдирган тажрибали ракеткачи А.Зенько 1-ўринининг соҳибасига айланди. Тажрибали ёш «Олтин тўп» усталаридан бири сифатида эътироф этилаётган А.Фольц ҳам ўзига билдирилган ишончни оқлаб 1995-1996 йилда туғилган рақибалари орасида тенгсиз эканлигини исботлади.

Чемпионатнинг тантанали ёпилиш маросимига ғолиб ва совриндорларига Мудофаа вазирлиги томонидан ажратилган қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди.

Карина ҚУРБОНОВА.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

ИНТЕРНЕТ-КАФЕ

УЙТИ В ИГРУ...

Лето. Пора каникул. Студент-интеллигент не выдержал, свернув «вордовское окно», он с сожалением покинул клуб. Его неоднократные обращения к владельцу компьютерного зала с просьбой утихомирить мальчишек-геймеров не возымели действия. Освободившееся место тотчас занял один из зрителей компьютерных сражений. Резкие высказывания и даже ненормативная лексика, к сожалению, уже стали обязательным сопутствующим элементом подобных заведений... Мальчишка уткнулся в компьютер, где разворачивалась одна из популярнейших у подростков игр — «Контрстрайк» (Counter-Strike). Только за одним из нескольких десятков работающих компьютеров паренек участвовал в «автогонках». Остальные предпочитали «стрелялки».

— Это мое любимое место, — признался двенадцатилетний Анвар. — Здесь игры — самые «навороченные»... Я сюда каждый день приезжаю.

— А что, дома компьютера нет?

— Есть, конечно! — ответил подросток.— Но мама запрещает много играть.

— А где деньги берешь?

Впервые за время разговора мальчишка оторвался от монитора и окинул меня взглядом. Задумавшись на несколько секунд, сказал:

— Мама на мороженое дает...

Бизнес компьютерных клубов расцветает стремительно. Красочные неоновые вывески магнитом притягивают бесшабашных подростков. Подростку достаточно устроить один поход в такой клуб, и заболевание игроманией — гемблингом — обеспечено всерьез и надолго.



Конечно, масштабы этой проблемы в стране пока не велики. Однако посетителями этих клубов являются в большинстве своем подростки — наше будущее. Предпринимателям же важно собрать как можно больше денег. Дальнейшая жизнь сегодняшних мальчишек их просто не волнует. Для них они — инструмент для выколачивания денег. Для подростков поход в интернет-клуб может превратиться в «игровую зависимость».

Многие клубы располагаются в подсобных, неприспособленных помещениях. Здесь часто нарушается режим работы, недостаточно освещения, не выполняются элементарные требования противопожарной безопасности и т. д.

Что делать? Как обезопасить детей от компьютерной зависимости? Наверное, об этом должны подумать и сами родители, которые финансируют походы в компьютерные клубы своих чад. Ведь далеко не в каждом из них соблюдаются противопожарная безопасность, не все они отвечают санитарным нормам. Кстати, возьмите на заметку, что на каждого сидящего за компьютером должно отводиться не менее четырех квадратных метров, и это условие не соблюдается практически нигде.

Большинство клубов находятся возле школ, колледжей, лицеев. Но так ли необходимо их присутствие непосредственно около учебных заведений? Режим их работы не ограничивает прием клиентов-подростков в позднее время. Зайдите в любой зал — и вы увидите безусых парней даже ночью. Немаловажно создание интернет-клубов образцового типа. Именно образцового, резко отличающегося качеством услуг на фоне подсобных и подозрительных заведений.

Сейчас в стране проводится немало официальных геймерских турниров. Например чемпионаты Узбекистана, отборочные турниры WCG (World Cyber Games). Конечно же, по нормальным, с нравственной точки зрения, играм. И их должно стать значительно больше. Лучше подросткам участвовать в них, чем «резаться» в «кровавое месиво» на мониторах, да еще и «на деньги».

Во многих странах мира на государственном уровне практикуется создание специальных комиссий. Они регулируют, какого содержания игры могут быть допущены в публичных компьютерных клубах. Имеются американская и европейская организации по стандартизации и классификации игр, которые четко прописывают возрастные ограничения (ESRB и PEGI). Наверное, назрела необходимость ввести такую практику и в нашей стране.

Дети нуждаются в психологической поддержке, в постоянном внимании взрослых. Чрезмерное «зависание» в сети и вообще в клубах не должно приветствоваться родителями. Побеспокоиться о будущих поколениях наших соотечественников нужно сейчас. Ведь замкнутый, с кучей комплексов агрессивный неврастеник — не лучший «человек будущего».

Тогда сейчас оглянитесь, задумайтесь, где ваши дети...

Х. РУСТАМОВ.

Қадрият

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР ТАРБИЯЛАЙДИМИ?


Миллий ўйинлар болада жисмоний маданиятни шакллантириши билан биргаликда тарбиявий аҳамиятга ҳам эга экани шубҳасиз. Чунки бир маҳаллада ўсаётган ўсмирлар бу ўйинни нега ўйнаётгани, тарихи ва аҳамияти ҳақида маълумотга эга бўлмаслиги мумкин. Бироқ, ота-боболари ҳам ўйнаган ушбу ўйинлар уларни бирлаштираётгани, қалбида етакчилик ва фаолликни шакллантираётганини ўзлари ҳам бироз улғайгач, англайдилар. Қизиғи, қадимий миллий ўйинларимиз давр ва шароит тақозоси билан янги усул ва услублар билан «замонийлашиб» бормоқда. Аммо бугунги илм-фан, техника ривожланиб бораётган «ахборот асри»да кўча бошида уймалашиб, «чакмон тош» ёки учта-тўртта бўлиб «чиллак» ўйнаётган болаларни учратмайсиз. Чунки бугунги куннинг аксарият боласи телевизор ёки компьютер қаршисига «михланган». Шу маънода «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилган «Миллий ўйинлар» фестивали эзгу ишлардан бири бўлди. Миллий ўйинларни ёшларимиз орасида кенг тарғиб қилиш ва уларнинг ажойиб хусусиятларини йўқотмаслик мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатимиз маҳаллалари ёшлари иштирокида оммавий равишда ўтказилди. Мазкур фестиваль ёшларнинг ўзаро мулоқот қилиши, ихтиёрий равишда иштирок этиши ва ҳайратини эркин намоён қилишларига шароит яратиб берди.

Ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада ўтказилган ўйинлар жараёнида туғма етакчилик қобилиятига эга бўлган ёшлар беихтиёр ушбу ўйинларнинг ташкилотчисига айланиб қолишди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши маълумотларига кўра, «Миллий ўйинлар» фестивалига республика бўйича жами 100 минг нафарга яқин ёшлар жалб қилинган. Эътиборлиси, фестивалда иштирок этган кексалар томонидан улар ўйнаган миллий ўйинлар тури ёшларга тавсия қилинди. Қизиғи шундаки, тадбир давомида юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ўйналган миллий ўйинлар турлари ва ўйнаш услублари билан алоҳидалик ва ўзига хослик касб этди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида «Беш тош», «Манлай шертпек», «Шўп жасирмақ», «Шуллик», «Хўроз уруш», «Ланги», «Телпак», «Кушмак», «Анши уйрек», «Ошиқ», «Қўл кураш», «Тош кураш», «Орқа-кўрпа», «Шақ-шақала», «Балиқ ўйин», «Атэшак», «Мушук-сичқон», «Қашарман тўп», «Гир тош кўтариш», «Бектош» каби ўйин турлари ўйналган бўлса, Андижон вилоятида «Байт-барак», «Қулоқ чўзма», «Белбоғли кураш», «Тош кўтариш», «Бектош», «Девормачак тўп», «От минди», «Тўп тош», «Бара ташланг», «Ўрага ўғри тушди», «Чаллар», «Эшак минди», «Лопти-лопти», «Пар тепиш», «Кўз боғлаш», «Тош беркитиш», «Улоқ» каби ўйин турлари фестивалда намойиш этилди. Шунингдек, Жиззах вилоятида «Зув-зув», «Жаёр кўпкари», «Олиб қочди», «Қирқ тош», «Ланка», «Қулоқ чўзма», «Бутасалой», «Ким ўзар», Наманган вилоятида кураш, «Хўроз уриштириш», «Тош беркитиш», «Кўз боғлаш», «Қулоқ чўзма», «Елка уриштириш», «Эшак минди», «Етти тош» каби ўйинлар халқ орасида қайта тиклангандек бўлди. Сирдарё вилоятининг эса «Чиллик», «Эшак минди», «Дорбоз», «Хаппак», «Жамбил», «Елкада кураш», «Минди-минди», «Дўппи отди», «Етти чиллак», «Толпопук», «Дара» каби миллий ўйинлари барчага завқ улашди. Узоқ Сурхондарё воҳасида «Чиллак», «Арқон тортиш», «Варрак учириш», «Оқ теракми, кўк терак» каби нисбатан оммавийлашган ўйин турлари ёшлар иштирокида ўйналди. «Қулоқ чўзма», «Лопти», «Ўртага тушар», «Кўк терак», «Беш тош», «Жамбил», «Кўтарма тош», «Қуёш ва ой», «Чиллак тўпи», «Лаппак», «Урғоз» «Ўртада туриш», «Хаппак тош», «Солай», «Кўпкари», «Човган», «Тусов кесиш», «Подшоҳ ва вазир» каби ўйин турлари Тошкент вилояти маҳаллаларидаги ёшларни аждодларимиздан мерос миллий қадриятларни янада эъзозлашга ўргатди. Пойтахт маҳаллалари ёшлари «Лафта», «Жами», «Ошиқ», «Кўз боғлаш», «Нишонга ол», «Сакраб чоп», «Чигал», «Сопалак», «Арғумчоқ», «Доирага торт», «Хаккалаган қушчалар», «Ошиқ ўйини», «Расм чизиш», «Мерган», «Беркинмачоқ», «Қувлашмачоқ», «Ёғоч кесиш» каби ўйинлар орқали ўзларининг эпчиллиги ва ақл-заковати, ғайратларини намойиш қилдилар. Бир сўз билан айтганда, ёшлар онгига миллий анъаналар ва урф-одатларимизни сингдириш, уларнинг табиий қизиқиши, идроки ва ғайратларини ривожлантириш учун ташкил қилинган ушбу фестиваль иштирокчиларда ўзлари яшаб турган ҳудуд, унинг миллий қадриятлари, ўлмас маънавий меросига меҳр уйғота олди.

Азиза ҲАКИМОВА.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Шоир Фармон Худойбердиевнинг «Юртим» деб номланган мазкур шеърида Ватанга бўлган муҳаббат туйғуси тараннум этилади.

«ЮРТИМ»

Гул поёндоз дўстлар йўлига,
Кўлни бердим дўстлар қўлига.
Ариқ қазиб сувлар оқиздим,
Она юртим саҳро-чўлига.

Муродларим зиёда бўлди,
Орзу-ҳавас жомлари тўлди.
Истиқлолим шарофати-ла,
Бахт қуёши бошимда кулди.

Зарра тоши менинг жонимдир,
Қатра суви менинг қонимдир.
Лочин бўлиб парвоз айладим,
Юртим менинг шараф-шонимдир.

Мулоҳаза

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — СОҒЛОМ ТАФАККУР

Маънавий соғлом муносабатлар барқарор бўлган, халқпарвар ва руҳан пок инсонлар даврасида камолотга етган ўсмирнинг жиноятга қўл уриши қийин. Шўролар даврида хусусан, 1961 йилдан жиноятчиликнинг олдини олиш, уни юзага чиқарувчи сабабларни бартараф этиш бош йўналиш тарзида эълон қилинган эди. Аммо, узоқ йиллар бу фақатгина шиорга айлантирилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти кўпроқ жиноятчиликнинг олдини олишга эмас, балки унинг оқибатларига қарши кескин курашишга қаратилди. Ички ишлар идораларидаги профилактик хизмат бошқарма ва бўлимларининг ҳеч бир асоссиз тугатиб юборилиши ҳам бунинг исботидир. Ўсмирлар орасида қонунбузарликнинг ортиб бориши ёш йигит ва қизларда ҳуқуқий онги етишмаслигига ҳам бирмунча боғлиқдир.

Узоқ йиллар мобайнида ижтимоий ўз-ўзини бошқарув шаклангач, инсон хатти-ҳаракатларини бошқаришда ахлоқий мезонлар ҳуқуқ ўрнини эгаллайди, деган пуч ғояга ёпишиб олинди. Бундай фикрлар ҳукмронлиги умумий ҳуқуқшунослик таълимини ривожлантиришга ҳам салбий таъсир қилди. Ҳуқуқий давлатни барқарорлаштириш ва мустаҳкамлаш учун бошланган бугунги кенг кўламдаги ҳаракатлар «ҳуқуқ барҳам топади» деган тушунча асоссиз ва сохта эканлигини исботлади. Шуни чуқур англаш лозимки, сиёсий ва ҳуқуқий амалиётсиз инсоният ҳаётини тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳолат ўз-ўзидан таълим-тарбияни янада ривожлантиришни тақозо этади. Ёшлар ҳуқуқий билимларининг сифати умумтаълим мактаблари ихтисослашган билимига эга бўлган ҳуқуқшунос ўқитувчилар билан қандай таъмирланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу ҳол ўз-ўзидан республикамизда олий маълумотли ҳуқуқшунос ўқитувчилар тайёрлашни янада жадаллаштириш зарурлигини тақозо этади. Ҳозирда ёшларни ғоявий-сиёсий ватанпарвар, байналмилал руҳда тарбиялашнинг йўналишларига оид қатор илмий тадқиқот ишлари қилинди. Фикримизча, ёшларимизни ватанпарварлик, ғоявий-сиёсий, байналмилал жиҳатдан тарбиялаш тарбиянинг ҳамма муаммоларини ҳал қила олмайди. Ўсмирларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиши учун уларда ҳуқуқий билимлар ҳам мужассам бўлиши керак. Чунки ёшлар учун ҳуқуқий томондан саводли бўлиш турмушнинг барча мушкулликларида, хусусан жиноят ҳуқуқи билан тартибга солинадиган вазиятларда жуда-жуда муҳимдир. Бунинг учун ҳар бир йигит-қиз мактабдан бошлаб жиноят мажмуаси қоидаларини атрофлича ўрганишлари лозим. Бас, шундай экан, умумий таълим мактабларида ҳуқуқшунослик билимининг тўла-тўкис бўлишини таъминлаш борасида бугун қилинаётган ишлар айни муддаодир.

Холида ҲАКИМОВА, Саодат ОРТИҚОВА.
Собир Раҳимов туман давлат нотариал идораси нотариуслари.

ХАФТА ГЎЗАЛИ



Сиз суратда кўриб турган бу соҳибжамол қиз ёшлигига қарамасдан ўз иқтидори ва билим-салоҳияти билан нуфузли натижаларга эришган. «Зулфия» номидаги давлат мукофоти совриндори Наргиза Раҳимова бўлади. У айни пайтда талаба. Наргизанинг энг севимли одати – мафтункор табиат гўзаллигига ошуфталик. Дарвоқе, у давлат мукофотига ҳам айнан экология йўналиши бўйича муносиб топилган.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Эсингда бўлсин, ҳар не қилсанг, имкониятинг, ҳолинг даражасида қил. Ўзинни аяй билиш ҳам саранжом қизнинг иши! Жисму жон бизга берилган неъмат, уни исроф қилсак, эҳтиётламасак, жабр тортамиз. Фақат ўзимизгина жабрлансак майли-кўя, бизнинг бағримиздан униб чиқадиган болалар ҳам эзён-заҳматда қоладилар! Ой қизим, ўзингга эътиборли бўл, қолаверса, агар тану жонингда носоғлигинг бўлса, албатта, даволаниб, сўнгтина турмушга чиқ. Рўзғорга, умуман, жумла жаҳонга соғлом аёл керак! Уйлик бўлганингда ҳам икки қулоғинг саломатлигингда турсин! Юмушни ҳам қилавер, ўзингни ҳам режа билан ушла. Қаттиқ бўлса ҳам айтай, носоғлом одам яқинлари учун юк, сенга тегишли юмушни ҳам елкаларига олишлари керак, ўзи шундоқ ҳам ҳар бир инсоннинг ўз ташвиши ўзига етади. Ота-онанг роҳатингни кўриш ўрнига кўзингга термулиб ҳалак! Жуфтинг бир ёнда уф тортиб таранг! Яна билки, сенинг қаеринг касал бўлса, болангнинг ўша жойи нозик туғилади... Хуллас, ўзинг ўзингга посбон бўл, ўзингга ўзингдан зўр табиб йўқ.

Турсуной СОДИҚОВА.

ЭЪТИБОР ВА МАСЪУЛИЯТ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мавжуд болалар кутубхоналари халқ таълими бошқармалари тасарруфига ўтказилиб, ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди.

Жиззах вилоят халқ таълими бошқармасининг ахборот-ресурс марказида ўтказилган семинар-машғулотда барча вилоятлардан ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари ва услубчилар иштирок этди.

Халқ таълими вазирлиги болалар кутубхонаси қошида фаолият кўрсатаётган «Услубият мактаби» уюштирган мазкур тадбир иштирокчилари Жиззах вилоят халқ таълими бошқармасининг ахборот-ресурс маркази мисолида кутубхоначилик фаолиятини такомиллаштириш борасида тўпланган тажрибаларни таҳлил қилдилар.

Вилоят болалар кутубхонаси ахборот-ресурс марказига айлантирилгач, бино қайта таъмирланди. Компьютер технологиялари, нусха кўчириш аппаратлари келтирилди. Ўтган қисқа вақт ичида китоб фонди 14 минг нусхадан 19 минг нусхага етказилди.

– Марказимиз тизимида 13 та туман ахборот-ресурс маркази иш олиб бораётир, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси ахборот-ресурс маркази директори Ҳафиза Қудратова. – Мактабларнинг ахборот-ресурс марказлари компьютер ва дастурий воситалар билан таъминланди. Айниқса, қишлоқ мактабларидаги ахборот-ресурс марказларида илғор ахборот технологияларини босқичма-босқич жорий этишга, ўқувчилар учун етарли шарт-шароит яратишга эътибор кучайтирилмоқда.

ЎзА.

ПОБЕДИТЕЛИ ВЫШЛИ НА РЕСПУБЛИКАНСКИЙ ЭТАП

Завершился Бухарский областной этап традиционного смотра-конкурса "Нихол", проводимого в целях выявления и поддержки талантливой молодежи.

Мукаддам Сафоева известна среди бухарских поклонников искусства как молодая эстрадная певица. Ее приятный голос покоряет исполнением песен, в которых легко угадываются национальные мотивы. Мастерство и талант молодой певицы, учащейся в Бухарском колледже искусств, был высоко оценен членами жюри. Она стала победительницей в эстрадном направлении конкурса.

Всего в конкурсе приняли участие свыше ста юношей и девушек. Первое место по классической музыке занял Шерали Абдуллаев из Каганского района, в танце – Шахноза Ахмедова из Бухарского района, в игре на музыкальном инструменте – Сухроб Ражабов из Бухары.

Они примут участие на республиканском этапе конкурса.

УзА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Вам потребуется выдержка и самообладание. Успех требует тщательной подготовки планов и проверки необходимой информации. Не отвергайте помощи друзей и близких.

ТЕЛЕЦ

Вас будут ожидать благотворные дни как на работе, так и дома. Хорошо пойдут даже бумажные дела. Постарайтесь реально оценивать свои силы и возможности.

БЛИЗНЕЦЫ

Вам может подвернуться новая выгодная работа или дополнительный кратковременный заработок. Служебная деятельность может принести приятные сюрпризы.

РАК

Не забывайте о своем доме, желательно больше времени посвятить наведению порядка. В субботу, решая вопрос с приобретениями, посоветуйтесь с близкими людьми.

ЛЕВ

Вам можно смело принимать решения, доверяя и интуиции и собственным аналитическим способностям. А симпатию у окружающих вы будете вызывать без особых усилий.

ДЕВА

Вам придется быть дипломатичным по отношению к окружающим людям. Тщательнее относитесь к фиксированию того, что может выпасть из памяти.

ВЕСЫ

Лучше снизить темп работы, чтобы избежать переутомления. Не злоупотребляйте своим влиянием. Не забудьте заглянуть в выходные в ближайшие магазины для необходимых приобретений.

СКОРПИОН

Постарайтесь не цепляться за прошлое. Вам может поступить информация по поводу новой работы. Не стоит расстраиваться по пустякам. Лучше не перемещаться на большие расстояния.

СТРЕЛЕЦ

Появится возможность поднять свой профессиональный авторитет. Вам будут оказывать доверие и ждать поддержки и помощи. Выходные хорошо бы провести на свежем воздухе.

КОЗЕРОГ

Не стоит провоцировать конфликтные ситуации. Вы можете оказаться в непростой ситуации, и вам придется обходить подводные камни. В выходные дни порадуйте себя чем-нибудь.

ВОДОЛЕЙ

Обстановка в профессиональной сфере на редкость удачна для активных действий. Ожидается преобладание хорошего настроения. Постарайтесь ставить перед собой реальные цели.

РЫБЫ

Общительность и яркое обаяние помогут вам наладить необходимые контакты, найти новые деловые связи. Берегите добрые отношения со старыми друзьями.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ.

БАҲСЛАРДА ТУҒИЛАР ҲАҚИҚАТ

Агар диққат билан эътибор берсангиз, ҳар қандай воқеа-ҳодиса замирида бирор-бир ҳикмат мужассам эканини туясиз. У хоҳ табиатда бўлсин, хоҳ жамиятда – албатта қандайдир сабаб ёки кўриниш билан ўзини намоён этади. Даврлар, замонлар оша воқеа-ҳодисалар ҳам, шарт-шароит ҳам, улар сўзлаётган ҳикматлар ҳам ўзгариб бораверишн мумкин. Аммо фақат биргина ўзгармас нарса бор. Бу ҳам бўлса, ҳақиқат! Ҳақиқат букилиши, эгилиши мумкин, бироқ зинҳор синмайди. Аммо биз гоҳида оддийгина ҳақиқатни ҳам англаб ета оламизми? Таниқли тележурналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Гулмира Мусажонова «Оддий ҳақиқатлар» номли муаллифлик кўрсатувида бу ҳақда мушоҳада юритиб, нафақат ўзи, балки бошқаларни ҳам бир оз мулоҳаза юритишга ундайди. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида у билан суҳбатлашдик.



ГУЛМИРА МУСАЖОНОВА

– Гулмира опа, кўрсатувингиз номини нега айнан «Оддий ҳақиқатлар» деб номлагансиз?

– Келинг, ушбу кўрсатувнинг яратилиш тарихи ҳақида бир бошидан гапириб бера қолай. Мен у вақтда «Кўрсатувдан кўрсатувгача» деб номланган кўрсатувни олиб борардим. Бир куни «Ажаб саодат эрур» кўрсатуви муаллифи Нафиса Зоҳидова студиямизга келиб бош муҳарририимизга «Оддий ҳақиқатлар» деб номланадиган янги кўрсатув ташкил қилмоқчи эканлигини айтибди. Кўрсатув номи муҳарриримизга ёқди. Лекин Нафиса опа кўрсатув айнан нима ҳақида, қанақа шакл ва мазмунга эга бўлишини муҳарриримизга яхши тушунтириб беролмаганми, билмадим, ўша кўрсатув тайёрланмади. Кўрсатув номи эса ноанъанавий бўлгани учун студияда олиб қолинди. Ўша воқеадан кейин орадан бир йил вақт ўтиб, кўрсатувим ёпиладиган бўлди. Чунки телевидениеда эфирга узатиладиган ҳар бир кўрсатувнинг умри уч йил. Кўрсатув жуда томошабоп ва мухлислари кўп бўлса ҳам уч йилдан кейин ёпилади. Шунда мени муҳарриримиз олдиларига чақирдиларда, Гулмира сизга битта таклиф, янги кўрсатувингизга ном бераман. Лекин уни қандай тайёрлаш ўзингизга боғлиқ, деди ва мени мана шу кўрсатувимнинг номини айтди. Узоқ ўйландим. Кўпчилик билан маслаҳатлашдим. Студиямизда асосан маданий-маърифий, кўнгилочар кўрсатувлар тайёрланади. Мен ана шу жиҳатларни ўз ичига қамраб оладиган ҳамда миллий менталитетимизга тўғри келиши билан бир қаторда тарбиявий аҳамиятга ҳам эга бўлишини ҳисобга олишим керак эди. Кейин эса шу тамойиллардан келиб чиқиб, сценарий ёздим ва уни муҳарриримизга олиб келдим. Тасвирга олишга рухсат берилди ва кўрсатув эфир юзини кўрди.

Кўрсатувимизда асосан ёшлар тарбияси, уларнинг одоб-ахлоқи, маънавияти билан боғлиқ мавзуларни олиб чиқамиз. Бир қарашда бу мавзулар томошабинга оддий туюлиши мумкин. Лекин кўрсатувни томоша қилар экансиз, мана шу оддийликнинг ортидаги кўз илғамайдиган ҳақиқатнинг гувоҳи бўласиз. Биз кўрсатув орқали томошабинни тарбияламаймиз, балки уларни ёмон иллатларнинг оқибати ҳақида ўйлашга, фикрлашга ўргатамиз. Шу жиҳатдан ҳам кўрсатув ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади, дея айта оламан.

– Нима деб ўйлайсиз, кўрсатув ўз олдига қўйган мана шу мақсадни оқлай олаяптими?

– Йўқ, ҳали ушбу мақсадни тўлиқ оқлаяпти, деб айта олмайман. Бу ҳақда баҳони томошабинлар беришади. Биласизми, ҳар доим сценарий ёзилаётганида кўрсатув албатта зўр чиқади, деб ўзимга ишонаман. Эфирга берилганидан кейин эса уни томоша қилиб, мана шу ишончнинг ярмини ҳам оқлай олмаганимни тушунаман. Нега? Чунки мен ҳар бир кўрсатувимга мавзу бўйича эксперт меҳмонларни таклиф қиламан. Улар эфирдан ташқарида жуда зўр гапиришади, ҳар бир айтилаётган фикрларини далиллар билан исботлаб беришади. Улар ҳам мавзу замиридаги ҳақиқатни юзага чиқаришни хоҳлашади. Лекин студияга таклиф қилинганда эса ана шу гапларини кўпчиликнинг олдида айтишга уялишади. Бизда ор-номус, уят, андиша деган тушунчалар бор. Шу боис кўпчилик меҳмонлар гапларимни томошабинлар қандай қабул қилади экан, деб ўйлашади. Бу эса кўрсатувнинг муваффақиятли чиқишига тўсиқ бўлади.

– Кўрсатув шаклини ўзгартириш ҳақида ҳам ўйлаб кўрганмисиз? Масалан, уни давра суҳбати шаклида эмас, балки саҳна кўриниши тарзида эфирга узатиш ҳақида.

– Ўйлаб кўрганман. Бироқ жанр ўзгартириш ниятим йўқ. Сабаби «Маънавият» студиясида узатиладиган баъзи кўрсатувларда кўтариладиган мавзу саҳналаштирилган ҳолда томошабин эътиборига ҳавола этилади. Масалан, «Оталар сўзи– ақлнинг кўзи» кўрсатувини олайлик. Бунда ҳам айнан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мавзулар саҳналаштирилиб, бадиий асар сифатида эфирга берилади. Биз эса ана шу мавзу юзасидан инсонлар фикрини билишга ва уларни фикрлашга ўргатамиз. Тўғри, томошабинлар эшитганидан кўра кўрганида кўпроқ маълумот олади. Шу боис бундай кўрсатувларнинг томошабини кўпроқ бўлади. Бу ҳам бўлса, кўрсатувнинг ютуғи. Агар биз ҳам кўрсатув шаклини ўзгартириб, театрлаштирилган тарзда эфирга узатсак, кўрсатувлар орасида ўхшашлик юзага келади. Менга эса бир хиллик ёқмайди. Кўрсатув мавқеини бошқа йўл билан ҳам сақлаб қолиш мумкин. Мисол келтирадиган бўлсам, биз томошабинга янги-янги фикрларни беришга ҳаракат қиламиз. Меҳмонларнинг ҳам тажрибали ва ўз фикрини томошабинга тушунарли ва таъсирли қилиб етказа оладиганларини таклиф қиламиз.

– Халқимизда, ҳақиқат баҳсларда туғилади, деган нақл бор. Кўрсатувга таклиф қилинган экспертларнинг фикри эса ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Ана шундай вазият юзага келган вақтда қандай йўл тутасиз?

– Бундай оғир вазиятларга кўп маротаба дуч келганман. Агар таклиф этилган меҳмоннинг билдираётган фикри нотўғри бўлса ва сиз унга «кечирасиз, сиз нотўғри гапираяпсиз», десангиз шартта ўрнидан турадида чиқиб кетади. Бу эса тасвирга олиш жараёнини барбод қилади. Шунча меҳнатингиз зое кетади. Мен мана шу жиҳатларни ҳам эътиборга оламан. Агар меҳмонларнинг фикри нотўғри бўлса, яхши муомала қилиб, унинг фикри нотўғри эканлигини ҳаётий мисоллар билан тушунтираман. Даврада ўтирган томошабинларнинг фикрини билишга қизиқаман. Менга бунда бошқарувчилик ва психологлик қобилияти жуда катта асқотади.

– Гулмира опа, сиз ҳам тўртинчи ҳокимият вакилисиз. Ўз касбингиздан келиб чиқиб айтингчи, журналист масъулияти деганда нимани тушунасиз?

– Журналист масъулияти деганда журналистларнинг ўз касбларига виждонан ва холисона ёндашишларини тушунаман. Мен ҳам ҳар доим кўрсатув тайёрлаётганимда мана шу масъулиятни ҳис қилиб тураман. Кўрсатувим томошабинга нима бера олади ва нима бера олди, деб кўп ўйлайман. Чунки масъулият тушунчаси бизнинг касбимизда биринчи ўринда туради. Ўз касбига кўр-кўрона ёндашиш эса мана шу юксак масъулиятни хис қилмасликдан келиб чиқади.

– Келгусидаги режаларингиз?

– Янги кўрсатув тайёрламоқчиман. Ток-шоу жанрида. Номи ҳозирча аниқ эмас. Лекин у кўрсатув ҳам жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

– Кўрсатув мухлислари орасида ҳарбийлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Уларга тилакларингиз?

– Тўғрисини айтсам, ҳарбийларни ҳурмат қиламан. Ҳақиқий йигитлар ҳарбийлик касбини танлашади. Улар учун ғурур, ор деган юксак туйғулар шунчаки оддий гаплар эмас. Улар шу тушунчаларни муқаддас билишади. Икки йил 14-январда ҳарбийлар билан кўрсатув тайёрлаганмиз. Шу кўрсатувда иштирок этган ҳарбий билим юрти курсанти Ватан ҳақида шундай фикрларни билдирган эди: «Ватан мен учун онам, опам ва синглим. Мен уларнинг шаънига доғ туширмаслик учун қандай ҳимоя қилсам, Ватанимни ҳам шундай кўз қорачиғимдай асрайман... ». Шундай ишонч билан гапирган эдики, мен ўзим ҳам қаттиқ таъсирланганман. Ватанимизнинг мана шундай ҳимоячилари бор экан, юртимиз тинчлиги ва осойишталигига ҳеч ким раҳна сола олмайди. Мен уларга соғлик-саломатлик ва оилавий бахт тилайман.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА суҳбатлашди.


Мулоҳаза учун мавзу

МАДАНИЙ ҲОРДИҚ – МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ЙЎЛИДА

Маънавият инсон камолотининг бешиги бўлса, маърифат унинг доясидир. Илмли, маърифатли инсонлар юртини шунчаки севмайди. Унинг ҳурлиги, ривожи, ободлиги учун ўзини масъул деб билади. Шу йўлда фидойилик ила хизмат қилади. Бу маънавий юксаклик демакдир.

Давлатимиз томонидан бўлажак посбонларнинг интеллектуал салоҳиятига катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Йигитларимиз муддатли хизматга тайёргарлик жараёнида, албатта, интеллектуал салоҳиятда устувор эканликларини ҳам кўрсата билишлари шарт. Шунингдек, ўғлонларимизнинг билими, дунёқараши хизмат чоғида ҳам ўзига хос маънавий сабоқлар орқали шаклланиб боради. Бу сабоқларнинг асосий қисмини посбонлар ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари ҳамда маданият ва маърифат гўшаси ҳисобланмиш ҳарбий қисмлардаги клуб ва кутубхоналар фаолияти орқали ўзлаштириб боришади. Биз ушбу мақоламизда ҳарбий қисмдаги клуб фаолияти ва унинг етакчиси ҳақида тўхталишни лозим топдик.

Ҳарбий хизматчилар маданий ҳордиқ ва маънавий озуқа оладиган клубларга тажрибали тарбиячи офицерлар бошчилик қилиши сир эмас. Лавҳамиз қаҳрамони офицер Шодиёр Абдулакимов ҳам Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида тарбиявий ишлар бўйича сабоқ эгаллаган ёш, ғайратли офицерлардан. Дастлаб ҳарбий қисмда взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасида хизмат бошлаган йигит билими, ҳаракати сабаб жамоада ўз ўрнига эга бўлиб улгурди. Орадан маълум вақт ўтиб у маданий ҳордиқ ишлари бўйича масъул офицер – клуб бошлиғи этиб тайинланди.



Қуролли Кучларимиздаги ўзгаришлар, ислоҳотлар сабаб, ҳарбий қисмлардаги клуб ва кутубхоналар фаолиятига ҳам катта эътибор қаратилаётганига гувоҳмиз. Шу ўринда маданий-маърифий ишларга масъул бўлган офицерларнинг сайъи ҳаракати – янгиликка интилиши, яратувчанлик қобилиятини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Айтмоқчимизки, ушбу йўналишдаги ижобий ўзгаришларда аввало командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ва клуб бошлиғининг масъулиятли хизматини эътироф этиш жоиз. Биз ташриф буюрган ҳарбий қисмда ҳам клуб биноси ҳарбий жамоа томонидан таъмирланиб, 2007 йилнинг январида ишга туширилган экан.

– Бор имкониятдан фойдаланиш баробарида қисм клубини замон талаби асосида таъмирлашга ҳаракат қилдик, – дейди офицер Шодиёр Абдулакимов суҳбат чоғида. – Қисм кутубхонаси ва клубимиз Мудофаа вазирлиги томонидан керакли жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, ҳарбий қисмимизда маънавият ва маърифат хонаси мавжуд бўлиб, бу ерда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун турли хил тўгараклар, ақлий ривожланиш, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун компьютер ўйинлари хонаси фаолият юритмоқда.

Клубимизда ўтказиладиган тадбирларга тўхталадиган бўлсам, албатта ҳар битта байрам катта шодиёналар ва кечаларсиз ўтказилмайди. Шунингдек, посбонларимиз даврасида ҳар ойда «Қувноқ билимдонлар баҳслари», «Қувноқлар ва зукколар», «Балли, йигитлар» каби беллашувлар ўтказиб турилади. Аскарлар учун ҳар ҳафтада ватанпарварлик руҳидаги фильмлар, ойда икки маротаба ҳужжатли фильмлар намойиш этиб борамиз. Дала ўқув машғулотлари жараёнида ҳам ҳарбийларимизнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига эътибор қаратилган. Яъни кўчма дала ўқув клубимиз орқали турли йўналишларда маданий хизмат кўрсатамиз. Маърифат ва маънавият гўшаси бўлмиш қисм кутубхонаси эса посбонлар билан доимо гавжум. Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, ҳарбий хизматчиларимизнинг маданий ҳордиқ, маънавий озуқа олишлари учун бор имкониятимиз сафарбар этилган.

Ушбу клуб ва кутубхона фаолияти ҳақида тарбиячи офицер Шавкат Бобоев ҳам ўз фикрларини билдириб ўтди.

– Инсон ҳаракати, меҳнати билан кўп ишларга қодир. Жамоамиз меҳнати сингган клуб ва кутубхона бинолари, у ерда амалга оширилаётган эзгу ишлардан фахрланамиз. Шунингдек, қисм клуби бошлиғи Абдулакимовнинг ўз вазифасига масъулият билан ёндашишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳарбий қисмда ўтказиладиган ҳар бир тадбирда унинг хизмати мужассам. Ҳозирда у қисмимизнинг малакали тарбиячи офицерларидан ҳисобланади.

Ҳа, посбонларнинг маданий ҳордиқ олиб, маънавий шаклланишида муҳим ўрин тутган бу гўшаларга тажрибали офицерларнинг етакчилик қилиши катта аҳамият касб этади. Чунки қисм клубида амалга оширилаётган ишлар кўламининг самарадорлиги айнан улар қўлида. Биз ушбу ҳарбий қисмдан катта таассурот билан қайтдик. Ўйлаймизки, эришилган ютуқлар келажакдаги юксак ишларнинг дебочасидир.

Зулфия ЮНУСОВА.

Тақдимот

«ШАРҲЛОВЧИНИНГ ЙЎЛИ»

Миллий матбуот марказида таниқли публицист ва журналист Талъат Солиевнинг «Шарҳловчининг йўли» деб номланган китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Унда шоир ва ёзувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Тақдимотда сўзга чиққан академик Азиз Қаюмов ушбу китоб ҳақида шундай фикрларни билдирди:

– Китоб орқали бутун умрини журналистикага бағишлаган бир инсоннинг ҳаёт йўли билан танишасиз. Аслини олганда бугунги журналистларимиз учун мана шундай қўлланмалар жуда муҳим. Мазкур китобда ўз соҳасининг билимдони бўлган Талъат Солиев журналистиканинг, айниқса шарҳлаш журналистикасининг ўзига хос жиҳатлари, воқеа-ҳодисани шарҳлашда журналист олдига қўйиладиган талаблар ҳақида тўлиқ маълумот берган. Ўйлаймизки, ёш журналистларимиз ушбу маҳорат мактабидан ўзларига керакли маълумотларни, сабоқларни оладилар. Шу билан бирга унда Талъат Солиевнинг устозлари, дўстлари, ҳамкасбларининг у ҳақдаги илиқ ва самимий сўзларини мароқ билан мутолаа қиласиз.

Инсон умри синовлардан иборат. Ким бу синовлардан ўтади, ким ўтолмайди. Бутун ижод йўлининг қарийиб қирқ йилини журналистиканинг ижтимоий-сиёсий мавзусига бағишлаб келаётган Талъат Солиев ана шу умр синовидан муваффақиятли ўтиб, ортда қолган давридан мамнунлик туяётган устозлардан бири. Ўйлаймизки, журналистнинг бутун ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи мазкур китоб ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Лола ТУРСУНБОЕВА.

АХБОРОТ АСРИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ

Инсоният янги даврга қадам қўйди. Унинг ўзига хос белгилари, бир томондан давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари вужудга келиши, ягона халқаро меъёрлар, қоидалар, ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг вужудга келиши, замонавий халқаро андозаларга ўтиш бўлса, иккинчи томондан тоталитар социалистик лагерларнинг емирилиши, унитар тизимлар ўрнига мустақил, суверен давлатларнинг пайдо бўлиши каби тарихий жараёнларнинг шиддатли ривожланиши бўлди. XX асрнинг сўнгида жаҳон сиёсий харитасида амалга ошган жараёнлар Марказий Осиёда ҳам кескин ўзгаришларга олиб келди.

Ҳозирги пайтда бутун дунёда минтақавий, маҳаллий можаролар, диний экстремизм ва бошқалар хавфсизликка таҳдид солмоқда. Минг афсуски, Марказий Осиё ҳам бундан холи эмас. Бунинг боиси, айрим мамлакатларнинг ўз манфаатларини ва таъсир доираларини сақлаб қолишга уринишларининг мавжудлиги. Яна бир сабаб, минтақанинг жуғрофий-сиёсий ҳолати жиҳатидан коллектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган ҳудудда жойлашганлиги билан боғлиқ. Шунингдек, минтақада бутун дунё, Европа ва Осиё келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган энергия, газ ва нефтга бой конларнинг мавжудлиги ва қудратли мамлакатларнинг бу ердан манфаатларини излаши, қолаверса, Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган баъзи мамлакатлар қуршаб турганлигидир. Ўзбекистоннинг Афғонистондек беқарорлик ўчоғи билан чегарадошлиги ҳам бунга таъсир кўрсатмай қолмайди. Жаҳон илмий техник тараққиётининг ҳозирги босқичи янги ахборот технологияларининг шиддатли ривожи ва ҳаётга кенг жорий қилиниши билан тафсифланади. Ҳаётимизнинг барча соҳаларига сингиб бораётган ахборот инқилоби халқаро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини кенгайтирмоқда. Натижада, шундай яхлит ахборот макони шаклланмоқдаки, унда ахборот–миллий бойликларнинг муҳим қисмига, унинг стратегик ресурсига айланмоқда. Мулоқотимизга янги тушунчалар жадал кириб келаётганлиги бунинг исботидир. "Ахборот макони", "ахборот шовқини", "ахборот тақчиллиги", "ахборот эҳтиёжлари", "ахборот сиёсати" ва "ахборот хуружи" каби тушунчалар шулар жумласидандир. Оммавий ахборот воситалари ҳақида Наполеон шундай деган эди: "Тўртта газета душманга юз минглик армиядан кўра кўпроқ зарар етказиши мумкин". Энг таъсирчан замонавий ОАВ бўлган телевидениенинг имкониятлари эса жуда юқори баҳоланади. Биринчидан, инсон тасаввурида у гўёки телевизорда кўраётган жараёнларнинг "иштирокчиси"га айланади. Телеэкран орқали томошабин барча нарсаларни воқеликда кўргандек идрок этади, содир бўлаётган нарсаларга ўзи гувоҳ бўлаётгандек ҳис қилади. Иккинчидан, телевидение сиёсий ҳаётни янада тушунарлироқ тарзда етказади. Учинчидан, телевидение бир хил вақт давомида бошқа оммавий ахборот воситаларига нисбатан кўпроқ ахборот узатиш имконини беради. Чунки томошабин экранда катта миқдорда визуал ахборот олади, у кишиларнинг юзидаги ўзгаришларни кузатади, уларнинг ҳаракатларини кўради ва бу ўз навбатида томошабинга кучлироқ таъсир кўрсатади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ахборот соҳасидаги хавф-хатар ва таҳдидлар нималардан иборат? Бу таҳдидларнинг бир учи конституциявий тузумни ағдариш, зўравонликни, миллатлараро ва динлараро адоватни тарғиб қилишга бориб тақалса, бошқа учи тўлиқ бўлмаган, нотўғри, янглиш ва бузиб кўрсатилган ахборот беришни қамраб олади. Шунингдек, бу таҳдидлар ўсиб келаётган ёш авлод қадриятларидаги устуворликларнинг ўзгаришида; жамиятимиз учун мақбул бўлмаган қадриятлар тизими ва турмуш тарзи андозаларининг тиқиштирилишида; зўравонлик, ахлоқсизлик ва фуқаролик жамиятини емирувчи бошқа мафкуравий қадриятларнинг тарғибот қилинишида намоён бўлмоқда. Ёлғон миш-мишларнинг тарқатилиши ҳам, миллий манфаатларга зид, давлат манфаатларига зарар келтирадиган ахборот таъсирларини кўрсатиш ҳам ва ҳаттоки, фуқаролар ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланганлиги ҳам ана шундай хавф-хатарлар жумласидандир. Давлатимиз сиёсатига қарши кучларнинг ғоявий ҳужумларини қайтаришга хизмат қиладиган аксил тарғиботни амалга ошириш, бунда "ғояга қарши ғоя билан курашиш" тамойилига таяниш зарур. Хусусан, хорижий журналистларнинг ҳукумат сиёсатини бузиб талқин қилувчи чиқишларига; диний ақидапарастларнинг танлаган йўлимизга қарши мафкуравий қўпорувчилик ҳаракатларига; сохта "демократлар"нинг мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларни обрўсизлантирувчи туҳматларига; ривожланган давлатларнинг ўз мафкураси ҳукмронлигини ўрнатиш йўлидаги уринишларига; ахборот хилма-хиллиги шароитидаги информацион тажовузларга қарши фаол курашмоқ даркор. Аксилтарғиботни амалга оширишда тезкорлик, қатъиятлилик, ҳужумкорлик, муросасизлик талаб қилинади. Шунингдек, бу йўналишда тайёрланган материаллар, телекўрсатувлар далиллар билан исботланган, ҳаққоний, оммабоп ва барча учун тушунарли бўлиши шарт.

Муҳими, инсонларни ахборотдан маҳрум қилмасдан, уларни ахборотни тўғри идрок этишга тайёрлаш лозим. Яъни ҳар бир шахс маълум ахборотнинг фойдали ёки зарарлигини ажратувчи ички мезонларни ишлаб чиқиши, маълум ахборотнинг ўз профессионал фаолияти ва шахсий ҳаёти учун қадр-қимматини баҳолаш кўникмасига эга бўлиши зарур. Бошқача айтганда, инсонларнинг онгида ахборотларнинг сарасини саракка, пучагини пучакка ажратувчи "фильтр"ларнинг бўлиши ахборот хавфсизлигини кафолатловчи муҳим омил саналади.

Нажод МУРАТОВ.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Шухратбек Махаматович ХАШИМОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй..

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – Наталья Лаптева.
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № G-3792. Адади 25600.